

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:333.338.1.633.71

АХРОРОВ ФАРХОД БАХРИДДИНОВИЧ

**ТАМАКИ ХОМ АШЁСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА
СОТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ИМКОНияТЛАРИ**

**Ихтисослик: 08.00.04—Микроиқтисодиёт
(Агросаноат мажмуи)**

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент
Олим Муртазаев**

Самарқанд-2006

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1.БЎЛИМ. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг назарий асослари ва уни оширишнинг объектив зарурияти	9
1.2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлик кўрсаткичлари, уларни ҳисоблаш услублари	21
2.БЎЛИМ. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА ТАМАКИ ХОМ АШЁСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ	
2.1. Тамаки ишлаб чиқаришда табиий ва иқтисодий ресурслардан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти	35
2.2. Ишлаб чиқарувчилар ва тайёрлов ташкилотлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар	46
2.3. Тамаки ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини ҳозирги аҳволи	57
3.БЎЛИМ. ТАМАКИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРИ ВА ИМКОНияТЛАРИ	
3.1. Тамаки ҳосилдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш имкониятлари	68
3.2. Тамакичиликда меҳнат унумдорлигини ошириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш	80
3.3. Тамаки ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини ошириш имкониятлари	94
ХУЛОСА	108
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	113
ИЛОВАЛАР	

КИРИШ

Муаммонинг долзарблиги. Республика агросаноат мажмуасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар олдига қўйилган асосий мақсад аграр ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ривожда салмоқли ўринни эгаллайдиган тамакичилик соҳасини ривожлантириш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига эга.

Тамаки хом ашёси етиштириш жараёнида катта миқдордаги қўл меҳнати талаб этилади. Бугунги кунда республикада тамакичилик саноатида жами 1146 киши, қишлоқ хўжалигида тамаки хом ашёси етиштириш билан 213,4 минг киши, шу жумладан, мавсумий ишларда 183 минг киши, тамаки маҳсулотлари чакана савдоси билан 22 минг киши банд.

Тамакичилик мажмуасининг республика ЯИМ даги ўрни 2000 йилда 142 млн АҚШ долларига тенг бўлган¹. Бундан ташқари, тамакичилик мажмуаси мамлакат бюджети даромадларининг муҳим манбаи ҳисобланиб, тармоқдан республика бюджетига турли хил солиқ, акциз ва тўловлар кўринишида йирик миқдорда даромад тушади.

Таҳлиллар кўрсатишича, тамакичилик мажмуида яратиладиган пировард натижада хом ашё етиштирувчи, тайёрловчи, қайта ишловчи ва сотиш билан шуғулланувчи бўғинлар даромадининг салмоғида катта тафовут мавжудлиги кўринмоқда. Бу тамакичилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш соҳалари фаолияти самарадорлигидаги кескин фарқда намоён бўлади.

Сўнгги ўн-ўн беш йил давомида тамаки хом ашёси ишлаб чиқариш ва сотишдан аксарият тамакичилик хўжаликлари зарар кўрган бўлсалар, тамакини қайта ишлаб тайёр маҳсулот қилиб сотган корхоналар катта фойда олдилар. Натижада мажмуа иштирокчилари ўртасида пировард натижани, фойдани тақсимлаш тамойилларининг бузилиши каби номутаносиблиklar

¹ Табачная индустрия Узбекистана-Экономический анализ / Ташкент. 2002 г.

пайдо бўлади. Бу эса улар ўртасида самарадорлик даражасининг табақаланишига олиб келади. Шунингдек, бугунги кунда тамаки асосан оила пудрати шароитида етиштирилиб, уни ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ва маҳсулот сифатини кескин ошириш муаммолигича қолмоқда. Шу боисдан ҳам ушбу муаммоларнинг илмий ечимлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш масаласи бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Бозор шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги ва уни ошириш масаласи билан кўплаб иқтисодчи олимлар, жумладан, П.Самуэлсон, К.Макконнел, С.Брю, Д.Колман, Т.Янг ва бошқалар шуғулланишган. Ўзбекистон шароитида эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришини ташкил қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва унга ҳақ тўлаш, таннархни пасайтириш ва рентабелликни ошириш, умуман мажмуанинг пировард маҳсулотини кўпайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш масалаларига аграр-иқтисодчи олимлардан Абдуллаев Р., Абдуғаниев А., Қаюмов Ф., Лукинов И., Муртазаев О., Усмонов С.Н., Ҳусанов М., Ҳусанов Р., Чориев Қ., Қодиров А. ва бошқалар муносиб ҳисса қўшганлар.

Аммо, республикамизда тамакичилик соҳасининг иқтисодий самарадорлигини кўтариш омилларидан оқилона фойдаланиш муаммолари сўнгги ўн йилликда етарли даражада ўрганилмаган. Айнан ушбу даврда тамакичилик соҳасида бозор муносабатларини жорий этиш борасида катта муаммолар пайдо бўлди.

Мустақилликгача бўлган даврда Ўзбекистонда тамакичилик иқтисодиёти масалалари билан Х.Кўчимов, М.Черешнев, Қ.Абдурахмонов, Б.Жалилов, И.Собиров, тамаки етиштириш агротехикасини такомиллаштири масалалари билан Э.У.Умрзоқов ва С.Хушвақтовларнинг илмий тадқиқотлар олиб боришган бўлсада, аммо, тамакичилик соҳасида бозор таомилларини жорий этиш, тамаки етиштирувчи деҳқоннинг моддий

манфаатдорлигини таъмин этиш борасида амалга оширилган илмий тадқиқотлар етарли эмас.

Мустақиллик йилларида, мамлакатимизда йирик трансмиллий корпорация «Бритиш Американ Тобакко» («ЎзБАТ» ҚК) компанияси фаолият кўрсатаётган сўнгги ўн йилдан ортиқ даврда (1995 йилдан буён) тамакичилик хўжаликлари фаолиятида бозорга хос бўлган иқтисодий механизмларнинг жорий этилиши, деҳқонлар моддий манфаатларини ҳимоя қилувчи илмий ишланмалар сони жуда санокли ва илмий-тадқиқот ишлари кам олиб борилганлиги ушбу муаммони тадқиқот мавзуси сифатида танлашга асос бўлди.

Тадқиқот предмети. Тамаки хом ашёсини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўғинларида иқтисодий механизмларни такомиллаштириш билан боғлиқ муносабатлар тизими тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот объекти сифатида республикада тамаки етиштирувчи хўжаликлар фаолияти танлаб олингани ҳолда, монографик тадқиқотлар Самарқанд вилояти Ургут ҳамда Қашқадарё вилояти Яккабоғ ва Шахрисабз туманиларидаги тамакичилик хўжаликлари, “ЎзБАТ” қўшма корхонаси фаолияти асосида амалга оширилди.

Тадқиқот услубиёти ва амалга ошириш усуллари. Амалга оширилган тадқиқотлар услубиёти сифатида ижтимоий ривожланишнинг диалектик услуби; иқтисодий ривожланишнинг республикамиз томонидан танлаб олинган жамият иқтисодий ҳаётини ислоҳ қилишнинг эволюцион назарияси; иқтисодий тараққиёт ва миллий истиқлол ғоясини акс эттирувчи И.А.Каримов илмий асарларида жамланган иқтисодий ғоялар; фойда миқдорини максималлаштириш назарияси ва бошқалар қабул қилинган.

Тадқиқотларни амалга оширишда абстракт фикрлаш, иқтисодий таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик ҳисоб-китоб, статистик таққослаш, монографик кузатиш усулларидан фойдаланилди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий иш давлат илмий-техник дастури доирасидаги, Самарқанд Қишлоқ хўжалиги институти илмий-тадқиқот режалари бўйича бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Тадқиқотнинг асосий мақсади тамаки хом ашёси ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва сотиш бўғинлари иқтисодий самарадорлигини ошириш, тамакичиликда бозорга хос бўлган иқтисодий механизмларни жорий этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар ҳал этилди:

- бозор иқтисодиёти шароитида тамакичилик мажмуаси тармоқлари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш заруриятини асослаш;
- бозор шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш;
- тамаки ишлаб чиқаришнинг ички ҳудудлар бўйича жойлашиш шароитларини ўрганиш ва қиёсий маълумотлар асосида таҳлил қилиш;
- тамаки хом ашёсини тайёрлаш тизимини таҳлил қилиш асосида уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- тамаки ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ернинг сифати ва унинг ҳосилдорликка таъсирини ўрганиш;
- тамакичиликда меҳнатга ҳақ тўлаш ва ялпи даромадни тақсимлашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги тамаки хом ашёсини ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлашнинг назарий ва амалий жиҳатларининг тадқиқ қилинганлиги ва уни ошириш бўйича тегишли таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Булар қуйидагиларда ўз аксини топган:

- бозор шароитида самарадорлик тўғрисидаги илмий қарашлар ўрганилиб, тамакичилик тармоғида уни юксалтиришга доир фикр юритилган;

- тамакичилик хўжаликлари самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ва кўрсаткичлар ўрганилиб ягона тизимга келтирилди;

- тамаки хом ашёси ишлаб чиқаришда ҳудудлар бўйича биологик навларни жойлаштириш тизими таҳлиллари асосида мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

- тамаки ишлаб чиқаришда тупроқ унумдорлигининг (балл бонитети) тамаки ҳосилдорлигига таъсирини ҳисобга олиш бўйича илмий хулосалар тайёрланди;

- тамаки саноат навларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда сув ресурслари билан таъминланишишига қараб хўжаликларни иқтисодий қувватларидан фойдаланиш даражаси атрофлича ўрганилиб ички имкониятлар кўрсатиб берилди;

- хўжалиklar томонидан етиштирилган тамаки хом ашёсини сотиш тизимини ривожланган давлатлар тажрибалари асосида такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар тайёрланди;

- тамакичиликда меҳнатга ҳақ тўлаш ва ялпи даромадни хўжалиklar билан тамаки хом ашёси етиштирувчи оилалар ўртасида тақсимлаш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда ишлаб чиқилган: тамаки ишлаб чиқаришда ҳудудлар бўйича биологик навларни жойлаштириш, тупроқ унумдорлигининг ҳосилдорликка таъсирини ҳисобга олиш ва тамакичиликда ялпи даромадни хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тақсимлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича, дастлабки қайта ишланган тамаки барглари сотиш тизимини такомиллаштиришга оид ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялардан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида тамаки хом ашёси

ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишларини белгилашда, соҳани ривожлантириш дастурларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, ишлаб чиқилган тавсиялар, илмий хулосалардан турли илмий-тадқиқотлар жараёнида ва Олий ўқув юртларида ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларини ишлаб чиқишда доирасида кенг фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари бўйича тайёрланган тавсиялар, Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳайъати томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган (Маълумотнома №03/03-40, 24 январь 2005 йил) ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган (№05-09/5-1, 31 январь 2006 йил).

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот натижалари «Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида самарадорликни ошириш омиллари» мавзусидаги СамҚХИ профессор-ўқитувчиларнинг илмий-ҳисобот конференцияларида (Самарқанд, 1999-2004 йй.), К.А.Тимирязев номидаги Москва Қишлоқ хўжалиги академиясида (декабр 2001 й.) бўлган халқаро илмий конференцияда, Россиянинг Омск Агар Университетида (2002-2004 йй.) бўлиб ўтган халқаро конференцияларда, Вашингтонда бўлиб ўтган АҚШ Қишлоқ хўжалиги Департаменти Ўқитувчилар Алмашув Дастурининг якуний семинар конференциясида (декабр 2003 й.) маъруза қилинган ва маъқулланган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг натижалари умумий ҳажми 2,1 босма тобоқдан иборат 7 та илмий мақолалар ва тезисларда (шу жумладан 2 та мақола илмий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта бўлим, хулоса ва таклифлар, 114 та фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 7 та иловалардан ташкил топган бўлиб, ўз ичига 25 та жадвал, 8 та расмни олгани ҳолда, жами 128 бетда баён этилди.

1.БЎЛИМ. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг назарий асослари ва уни оширишнинг объектив зарурияти

Республикаимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқ ҳисобланиб, у аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда, саноатни хом ашё билан таъминлашда ва мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда алоҳида ўрин эгаллайди.

Мамлакат агросаноат мажмуасининг асосий бўғини ҳисобланган қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини ошириш тармоқда бозор муносабатлари ривожланиши шароитида долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу ҳақда Республика Президенти И.А.Каримов «Мақсад-қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, ... бўлмоғи керак²» лигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Шундай экан, аграр тармоқнинг барча бўғинларида самарадорликни ошириш, энг аввало унинг иқтисодий фаолиятига тўғри баҳо беришдан бошланади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида самарадорлик тушунчаси ва унинг кўрсаткичлари тизими кўплаб хорижий ва Ўзбекистон олимлари томонидан ўрганилган ва таҳлил қилинган. Жумладан, К.Макконнелл ва С.Брюлар фикрича «... иқтисодий самарадорлик ... ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилган камёб ресурслар миқдори билан ушбу жараён пировард натижасида ишлаб чиқилган истеъмол маҳсулоти миқдори ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди³». Берилган ҳажмда ресурс ҳисобига олинган маҳсулот миқдори қанчалик кўп бўлса, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи шунчалик юқори бўлади, ва аксинча.

² И.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. Т.: «Ўзбекистон». 2000

Инглиз аграр-иқтисодчи олимлари Давид Колман ва Тревор Янг техник, ресурсларни тақсимлашнинг самарадорлиги ва иқтисодий самарадорлик терминларини фарқлайдилар. Уларнинг фикрича «...техник самарадорлик маълум бир ҳажмдаги харажатлар ҳисобига максимал миқдорда маҳсулот олиш бўлса, ресурсларни тақсимлашнинг самарадорлиги эса мавжуд омиллар ва сарфланадиган харажатлар миқдори ишлаб чиқарувчи фойдасини максимал даражада таъминловчи мутаносибликда қўлланилишини кўзда тутади»⁴. Иқтисодий самарадорлик бу икки самарадорликни умумлаштирувчи тушунча бўлиб, математик кўринишида қўйидагича ифодаланиши мумкин:

$$I_c = T_c \times PT_c \quad (1.1)^5$$

Бу ерда, I_c - иқтисодий самарадорлик;

T_c - техник самарадорлик;

PT_c – ресурсларни тақсимлаш самарадорлиги

Бундан кўришиб турибдики, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлиги умумий кўринишда ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси ва ушбу натижани олишда сарф қилинган ресурслар қиймати ўртасидаги нисбат билан ифодаланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги мамлакат иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичдаги бир қатор хусусиятларига боғлиқ. Жумладан, бир томондан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш озиқ-овқат ва хом ашёга бўлган талабнинг ўсиб бориши, маҳсулот сифатига бўлган талабнинг ортиши, ресурсларнинг чекланганлиги, ишлаб чиқариш воситалари қиймати ортиши ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бошқа бир томондан, фан-

³ Макконнел К.Р, Брю С.Л. Экономикс- Принципы, проблемы и политика. Пер. с англ. Таллин . 1993. 38 б.

⁴ David Colman, Trevor Yang. Principles of Agricultural Economics-Markets and prices in less developed countries. Cambridge, United Kingdom: Cambridge University Press, 2002y

⁵ David Colman, Trevor Yang. Principles of Agricultural Economics-Markets and prices in less developed countries. Cambridge, United Kingdom: Cambridge University Press, 2002y

техника таррақиёти ривож қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятини кенгайтиради.

Мамлакатда тўпланган иқтисодий салоҳият, фан-техника ривожланиши, кадрлар малакаси ошиши, аҳолининг фаоллиги, тажрибаси, шунингдек юқори пировард натижаларга омманинг моддий манфаатдорлигини ўсиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга шароит яратади, таннархни пасайтириш имкониятидан фойдаланишга шароит яратади.

Умумий кўринишда ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг самараси шаклида – пировард маҳсулот юзага чиқади. Бир томондан, у ўз таркибига маълум даврдаги ресурслар сарфи йиғиндисини олади, бошқа томондан – ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади фақат бевосита ишлаб чиқарилган моддий бойликлар ҳажмида мужассамлашади.

Самара қанчалик муҳим бўлсада, у ўз-ўзидан ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ тавсифламайди, қандай ресурслар эвазига олинганлигини кўрсатмайди. Бир хил самара турли усул билан, ресурслардан турлича даражада фойдаланиш орқали олинган бўлиши мумкин ва аксинча, бир хил ресурслар сарфи турли самара бериши мумкин. Шунинг учун эришилган самарани шу самарани олишда сарфланган ресурслар билан таққослаш зарурати келиб чиқади. Демак, самара кўринишидаги мутлоқ миқдор билан бир қаторда яна бир мутлоқ миқдор – истеъмол қилинган ресурслар ҳажмини билиш зарур. Бунда ушбу ресурслардан фойдаланишнинг муқобил имкониятларини (маржинал харажатлар) ҳам эътиборга олиниши зарур. Профессор Рожер Арнолд фикрича «Самарадорликка маржинал даромадлар маржинал харажатларга тенг бўлганда эришилади».⁶

К.Макконнелл ва С.Брюлар икки турдаги самарадорликни фарқлашади: ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ресурсларни тақсимлаш самарадорлиги: «Ишлаб чиқариш самарадорлиги бу маълум бир мутаносибликдаги товар ва

хизматлар миқдорини энг кам харажат билан ишлаб чиқариш сифатида; ресурсларни тақсимлаш самарадорлиги эса, аксинча жамиятнинг товар ва хизматларга эҳтиёжини тўлароқ қондиришни ифодалайди»⁷. Яъни, ресурсларни тақсимлаш самарадорлиги назариясига кўра, биринчи ўринда ресурсларни тежаш эмас, балки жамиятнинг маълум товар ва хизматларга бўлган талабининг қондирилиши ётади.

Н.А. Попов самарадорликни олинган натижа билан ушбу натижани олишда сарфланган харажатлар нисбати билан таърифлайди. Унинг фикрича, иқтисодий самарадорлик таърифидан кўйидаги икки вазифани келтириб чиқариш мумкин: бевосита харажатлар сарфи доирасида максимал самарага эришиш (ресурслар чекланганлиги билан изоҳланади) ва билвосита ресурслар сарфи доирасида белгиланган самарага минимал харажатлар ҳисобига эришиш. Ҳар бир корхона ўз шароитидан келиб чиқиб, у ёки бу вазифани ечишлари лозим бўлади.⁸ Аммо, икки вазифа ҳам битта мақсадни билдиради.

А. Абдуғаниев «самарадорлик» ва «иқтисодий самарадорлик» тушунчаларини кўйидагича: «иқтисодий самарадорлик» тушунчаси «самарадорлик» тушунчасига нисбатан кенгроқ мазмунга эга деб таъкидлайди. Яъни, «Иқтисодий самарадорликда маълум даврда амалга оширилган тадбирлар тизими билан боғлиқ харажатлар олинган соф фойда билан таққосланади. Бунда ресурс сарфи ҳисобига олинган соф фойда қанча кўп бўлса, иқтисодий самарадорлик даражаси шунча ошган ҳисобланади ва аксинча. Самарадорлик эса у ёки бу тадбирларни бажариш, маҳсулотларни етиштириш натижасида эришилган ютуқларни ифодалайди»⁹.

Ф. Қаюмовнинг фикрича самарадорлик: «...маълум бир давр мобайнида яратилган пировард натижа билан маҳсулот бирлиги ишлаб чиқаришга

⁶ Roger A. Arnold. Microeconomics, 6e. Thomson, South-Western, АКШ. 2004 й. 8-9 бетлар

⁷ Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue. Microeconomics-Principles, Problems, and Policies. -15th ed. New York, NY, USA: McGraw-Hill/Irwin. 2002 y

⁸ Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. –М.: Дело и сервис. -2001.

сарфланган моддий (амортизация билан биргаликда) ва меҳнат ресурслари сарфи нисбати тушунилади...» Бу кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги умумлаштирувчи кўрсаткичдир.¹⁰

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги иқтисодий самаранинг ресурслар сарфига нисбати ёки аксинча кўрсаткичлар сифатида қўйидагича аниқланади:

$$ИС = \frac{C(n)}{P(x)} \text{ ёки } \frac{P(x)}{C(n)} \quad (1.2)^{11}$$

Бу ерда, ИС - иқтисодий самарадорлик;
 C(n) - самара (натижа);
 P(x) - ресурс (харажат).

Иқтисодий самарадорлик даражаси қанча ресурс сарфи ҳисобига қанча иқтисодий самарага эришилганлигини билдиради. Самара қанча катта ва харажат шунча кичкина бўлса, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги шунча катта бўлади ва аксинча. Ресурслар ва иқтисодий самарадорлик ўртасида узвий алоқа мавжуд. Шундай қилиб, иқтисодий самарадорлик таърифидан икки асосий вазифани келтириб чиқариш мумкин: бевосита – маълум бир харажатлар ҳисобига максимал даражада самара олиш (ресурслар чекланганлиги билан ифодаланади) ва билвосита – белгиланган самарага минимал харажатлар билан эришиш.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлиги, баҳо ўлчовини ифодалайдиган асосий сифати билан ажралиб турган хоссасини акс эттирувчи мезони орқали амалга ошади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлиги мезони чекланган ер майдони бирлигидан олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулоти миқдори, шу билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг тежамлилиги ва пировард натижада ресурс бирлиги ҳисобига кўпроқ соф даромад

⁹ А.Абдуланиев. +ишло= хўжалиги и=тисодиёти. Ўзб.ёзув.уюш.Адаб.нашри. -Т.: -2004.

¹⁰ Каюмов Ф.К. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку. -М.: ИПО. Полигран. -1992. -111 б.

¹¹ Исмоилов А., Муртазаев О. +ишло= хўжалик и=тисодиёти./Дарслик.-Т.:Молия. -2005. -121 б.

олишдир.

Қишлоқ хўжалигида самара ва ресурсларнинг босқич даражасига қараб, халқ хўжалиги, тармоқ, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги, давлат, ширкат корхоналари, ижара жамоалари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, айрим қишлоқ хўжалик тармоқлари фаолияти ва маҳсулотлар етиштириш самарадорлиги кўринишларида намоён бўлади¹².

Халқ хўжалиги самарадорлиги аҳолининг озиқ-овқатга бўлган, саноатнинг эса хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, тармоқни умумдават, халқ хўжалиги муаммоларини ҳал қилишдаги ҳиссаси асосида баҳоланади. Тармоқ самарадорлиги ресурслар салоҳиятидан фойдаланишда, халқ хўжалигининг тармоқларида самара ва ресурс сарфи ўртасидаги нисбат кўринишида намоён бўлади.

Алоҳида қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти бўйича ишлаб чиқариш самарадорлиги тармоқ самарадорлигини шакллантиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш жараёнида амалга ошириладиган турли хўжалик тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бундай тадбирлар жумласига экин турлари ва уларнинг таркиби, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари, илғор технология ва алоҳида агротехник тадбирлар, чорва молларининг янги зотлари, озиқлантириш рационлари самарадорлиги каби кўрсаткичлар орқали намоён бўлади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари хусусий ва умумлаштирувчи кўрсаткичларга бўлинади. Хусусий кўрсаткичларга, маҳсулот ҳажми ва маҳсулот сифати, меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими, материал қайтими, маҳсулот таннархи ва шуларга тескари бўлган билвосита кўрсаткичлар киради. Бу кўрсаткичлар натижа сифатида, саноатнинг хом - ашёга, аҳолининг озиқ - овқатга бўлган

¹² Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. Москва: «Дело и сервис», 2001 г.

эҳтиёжини тўлароқ қондиришга йўналтирилган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мақсадини тўлароқ акс эттиради.

Таъкидлаш лозимки, умумий самара фақат ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори билан эмас, балки қўйилган мақсадга боғлиқ ҳолда, бошқа ҳажм кўрсаткичларга ҳам эга, яъни, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш самарасини бош вазифа - истеъмол қиймат яратиш нуқтаи назардан; товар маҳсулот - қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ижтимоий эҳтиёжини қондириш нуқтаи назаридан; ялпи даромад - такрор ишлаб чиқаришнинг икки томони — истеъмол ва жамғариш - бирлигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисоблаш учун; соф даромад ва фойда - ишлаб чиқариш самарадорлигини ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмол қийматга бўлган манфаатини қондириш нуқтаи назаридан тавсифланади. Кишиларнинг истеъмол талабини қондириш даражаси ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг фақат миқдorigа эмас, балки сифатига ҳам боғлиқ.

Меҳнат унумдорлиги ёки меҳнат қайтими маълум вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдorigа сарфланган жами меҳнат харажатларининг самарадорлигини тавсифлайди. Фонд қайтими қишлоқ хўжалигига таалуқли асосий ишлаб чиқариш воситаларидан қай даражада самарали фойдаланаётганлигини кўрсатади. Материал қайтими барча турдаги моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради. Маҳсулот бирлиги таннархи умумлашган ҳолатда жами истеъмол қилинган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини тавсифлайди, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қандай миқдордаги харажатлар ҳисобига ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади.

Алоҳида ресурслар ва харажатлардан фойдаланишни тавсифлайдиган бу кўрсаткичлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мутлоқ самарадорлиги асосий кўрсаткичларидир.

Бу борада Қ. Чориев ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик

даражасини ҳисоблашда ресурс концепциясини таклиф этиб, уни «...товар ишлаб чиқарувчилар манфаатлари ва бозор иқтисодиёти талабларига жавоб беради» деб таърифлайди.¹³

Демак, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бир томондан ишлаб чиқариш ресурслари ва самара ўртасидаги нисбатни ва бошқа томондан, жорий ишлаб чиқариш харажатлари билан натижа ўртасидаги нисбатни ифодалайди, бу ишлаб чиқариш самарадорлигининг – ресурс ва харажат концепциясини - вужудга келтиради.

Ресурс концепцияси - такрор ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, харажатлар концепцияси - шу ресурсларнинг истеъмол қилинган қисми самарадорлигини баҳолашга имкон беради. Мақсадга қараб ресурс ёки харажатлар концепцияси ёки иккаласидан ҳам бир вақтда фойдаланиш мумкин. Қабул қилинган концепцияларга мос равишда самарадорлик кўрсаткичлари аниқланади

Бир ходимга, бир киши-соатига, бир гектар қишлоқ хўжалигига яроқли ерга, 100 сўмлик асосий воситага, 100 сўмлик айланма воситаларига тўғри келган маҳсулот қўлланилган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди.

Келтирилган хусусий кўрсаткичлар, маълумки умумий самара (натижани)ни алоҳида ишлаб чиқариш ресурслари, харажат тури миқдорига нисбатини аниқлайди. Лекин, ишлаб чиқариш жараёнида умумий самаранинг вужудга келишида алоҳида ресурслар қатнашади. Демак, ҳар бир ресурс умумий самара (натижа)нинг вужудга келишида иштирок этади. Бу услубий жиҳатдан маълум даражада хато бўлса ҳам, умумий самара ана шу ишлаб чиқариш ресурсларининг ишлаб чиқариш

¹³ Чориев К.А. Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку. Ташкент. «Фан», 1992

жараёнидаги биргаликдаги иштироки натижасидир.

Ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини аниқ баҳолаш учун, умумий самарадорлик кўрсаткичларини, ҳар бир ишлаб чиқариш ресурсининг умумий самарани яратишдаги ўрни ва уларнинг ишлаб чиқариш пировард натижасига таъсирини ҳисобга оладиган кўрсаткичлар билан тўлдириш лозим. Бунда эластиклик, детерминация коэффициентларидан, шунингдек, иқтисодий-математик моделдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги каби қишлоқ хўжалигида ҳам фойдаланилган ёки истеъмол қилинган ресурс салоҳияти самарадорлигини ҳисоблаш учун, уларнинг ҳиссасини нисбатан аниқлаб берадиган, умумлаштирувчи шундай кўрсаткич керакки, у қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини миқдорий жиҳатдан тўлиқ баҳолайдиган бўлсин. Ушбу жиҳатларни ўзида акс эттирадиган умумлаштирувчи кўрсаткич энг аввало қўйидаги талабларга жавоб бериши мақсадга мувофиқ:

- бозор иқтисодиёти шароитида ҳаракат қиладиган иқтисодий қонунлар ва категориялар билан ҳамоханг бўлиши;

- ишлаб чиқаришда иштирок этадиган омилларнинг ҳиссасини ҳисобга олиши ва уларнинг ҳар бирига кетадиган харажатларни ҳам, олинадиган натижани ҳам умумий ҳолатда таққослаш имкониятини бериши;

- самарадорликни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча бўғинлари доирасида ҳам, бутун қишлоқ хўжалиги тармоғи бўйича ҳам ифодалаши;

- самарадорлик кўрсаткичини ҳисоблаш услубий жиҳатдан оддий ва қулай бўлиши лозимлиги ва бошқалар.

Юқорида баён қилинган, ишлаб чиқариш самараси ва ишлаб чиқариш ресурслари сарфи тўғрисидаги асосий методологик шароитларга мос,

шунингдек қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини умумлаштирувчи кўрсаткичга бўлган талабни ҳисобга оладиган кўрсаткич ресурс қайтими ҳисобланади. У қўлланилган ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди.


Харажатлар концепцияси самарадорлигини умумлаштирувчи кўрсаткичи – рентабеллик ҳисобланади ва у орқали истеъмол қилинган ресурсларнинг қайтими ҳам ифодаланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги кўп ва турли омиллар ва шароитлар таъсирида шаклланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммосининг қийинлиги шундан иборатки, бу омиллар бир-биридан алоҳида мустақил ҳаракат қилмайди. Улар бир-бири билан мустаҳкам алоқада, бир-бири билан боғлиқ ҳолда мавжуд.

Ушбу боғлиқликни тамаки ишлаб чиқариш жараёни якуний самарадорлик даражасини аниқлашга таъсир этувчи омиллар гуруҳини, уларнинг таъсир доирасида ҳаракати ҳолатини ифодалайдиган кўрсаткичлар ёрдамида баён этадиган қўйидаги тизим тавсия қилинади (1.1.1-расм):

- ялпи ҳосилга, ҳосилдорликка таъсир этувчи экстенсив ва интенсив омиллар гуруҳи: табиий (иқлим, тупроқ ва биологик), технологик (мелиоратив тадбирлар тизими, агротехник тадбирлар тизими) ва техник (машина ва ускуналарни қўллаш тизими, ишларни механизациялаш даражаси);

- ташкилий-иқтисодий тадбирлар тизими: меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнатни моддий рағбатлантириш;

- ишлаб чиқариш харажатлари: 1 гектарга (меҳнат ҳақи, айланма маблағлар, амортизация сарфи, иш ва хизматлар, кўчат харажатлари ва бошқа харажатлар);



1.1-расм Тамакичиликда самадорлик омиллари ва кўрсаткичлари тизими

- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари: ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш;
- ялпи маҳсулот миқдори: маҳсулотнинг товарлилик даражаси;
- маҳсулотни сотишдан тушган пул тушуми: сотилган маҳсулот

миқдори, баҳо (бозор конъюктураси, маҳсулот сифати, сотиш каналлари);

- фойда: маҳсулотни сотишдан тушган пул тушуми ва маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари;

- самарадорлик даражаси: таннарх ва фойда.

Таклиф этилаётган омиллар ва кўрсаткичлар тизими, тамакичиликнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттириб, тамаки ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражасини таҳлил қилишда фойдаланилиши мумкин.

Демак, бозор муносабатлари шароитида мамлакат агросаноат мажмуасининг муҳим тармоғи бўлган тамаки ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятларини тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб, харажат концепциясидан фойдаланган ҳолда ўрганиш, бунда иқтисодий самарадорлик даражаси ва кўрсаткичларини халқ хўжалиги ва тармоқ даражасида ўрганиш билан биргаликда корхона миқёсида ва алоҳида тадбирлар бўйича амалга ошириш имкониятларини очиб беради.

1.2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлик кўрсаткичлари, уларни ҳисоблаш услублари

Ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари тизимида асосий кўрсаткичлардан бири рентабеллик бўлиб, бозор шароитида ишлаб чиқариш жараёни натижаларига баҳо беришда унинг аҳамияти ошиб боради. У оддий такрор ишлаб чиқаришнинг, шу жумладан, асосий ишлаб чиқариш фондларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъмин этишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Чунки бозор шароитида ҳар бир корхона такрор ишлаб чиқаришни ўз хусусий маблағлари ва қарз ҳисобига амалга ошириши тақозо этилади. Шу билан биргаликда фойданинг мутлоқ ҳажми корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини ўзида тўлиқ акс эттирмайди.

Рентабеллик меъёри одатда фойда суммасини ресурслар сарфи миқдориغا нисбати сифатида аниқланади. Аммо, бу усул билан рентабеллик даражаси аниқланганда қишлоқ хўжалик ерларининг тўлиқ қиймати, айниқса суғориладиган ерлар қиймати, йил давомидаги сарф-харажатлар ва бошқа маблағлар қиймати тўлиқ ҳисобга олинмайди. Бундан ташқари асосий ва айниқса айланма воситалар қиймати, яъни ва товар маҳсулотлар кўпайиши ва камайишига боғлиқ бўлган ҳолларда турли йилларда сезиларли фарқ қилиши ҳам мумкин. Бу эса ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг реал самарадорлигини аниқлаш имконини бермайди. Бу кўрсаткич одатда бутун хўжалик бўйича ҳисобланиб, алоҳида қишлоқ хўжалик тармоғи ва маҳсулот турлари бўйича аниқлашда қийинчиликлар туғилади. Сабаби, турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда бир хил меҳнат воситаларининг қатнашишидир. Қишлоқ хўжалик корхоналари маҳсулотлари ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқлари доирасида, айрим экинлар ва чорва ҳайвон турлари доирасида, айрим маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари рентабеллиги аниқланади.

Рентабелликнинг мутлоқ кўрсаткичи фойда массасининг абсолют миқдорида ифодаланади. Фойда – бу фақат ишлаб чиқариш жараёнида ташкил топган натижа ҳисобланиб қолмасдан, балки маҳсулотларни сотиш жараёнида эришилган охирги иқтисодий кўрсаткичдир.

Корхонанинг фойда массаси унинг рентабеллигини билдиради. Аммо, унинг ташкил топиш хусусиятлари бўйича назарий ва услубий тушунчалар охирги йилларгача тўлиқ шаклланмаган.

Ҳозирги замон ғарб иқтисодиётида, пировард фойдалиликни қараб чиқишда корхона хўжалик фаолияти таҳлили ва тармоқ таққослама иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичи маржинал даромад (МД)₁-тушум ва бевосита ўзгарувчи харажатлар орасидаги фарқ ҳисобланади¹⁴. Бу кўрсаткич алоҳида тармоқ ва технологияларни таққослашда кўпинча мезон сифатида фойдаланилади.

Тармоқнинг нисбий самарадорлигини ёки унинг афзаллигини аниқлашдан ташқари, фойдани ҳисоблаш билан боғлиқ бўлган, яъни маҳсулотнинг тўлиқ таннархини ҳисобга оладиган мутлоқ самарадорликни аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Алоҳида тармоқлар бўйича тўлиқ таннархни ва фойдани ҳисоблаш учун доимий умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатларини биттадан харажат турларига қараб оқилона асосланган тамойилда корхона тармоқлари ўртасида алоҳида тақсимлаш зарур.

Фойда тадбиркор учун реал харажатларни ҳақиқатда акс эттиришга максимал яқинлашиш нуқтаи назаридан аҳамиятга эга. Шундай экан, маржинал даромадни биз айтмоқчи бўлган фойдани келтириб чиқаришда, ҳисоблашда муҳим бўлган иқтисодий категория сифатида қараш мумкин. Фойдани тўғри ҳисоблашнинг аҳамияти ва роли қўйидаги ҳисоб-китоблар тизими категорияларида яққол кўзга ташланади.

¹⁴ Цеддиес Ю., Райш Э., Угаров А., Экономика сельскохозяйственных предприятий.-М.: МСХ. 2000. -71 б.

1. Тушум – маҳсулотлар миқдорини уларнинг бир бирлиги баҳосига кўпайтирилиб, унга ёрдамчи маҳсулотларнинг миқдорини уларнинг бир бирлигининг баҳосига кўпайтирилган натижани қушиб топилади:

$$T = AM \times B + EM \times B \quad (1.3)$$

Бу ерда, T - тушум;
 AM - асосий маҳсулотлар миқдори;
 EM - ёрдамчи маҳсулотлар миқдори;
 B - баҳо.

2. Маржинал даромад I (MD_1) - асосий ва ёрдамчи маҳсулотларни сотишдан тушумдан бевосита ўзгарувчи харажатлар (БУХ) айириб топилади:

$$MD_1 = T - БУХ \quad (1.4)$$

Бу ерда, БУХ - бевосита ўзгарувчи харажатлар.

3. Таққослама маржинал даромад II (MD_{II}) - маржинал даромад I дан бошқа бевосита ўзгарувчи харажатларни айириб топилади:

$$TMD_{II} = MD_1 - ББУ \quad (1.5)$$

Бу ерда, ББУ-бошқа бевосита ўзгарувчи харажатлар.

4. Бевосита харажатларни айириб ташлагандан кейинги тушум (БХТ) - таққослама маржинал даромад II дан бевосита доимий харажатлар (махсус бириктириб қўйилган асосий воситалар қиймати)ни айириб топилади:

$$БХТ = TMD_{II} - БДХ \quad (1.6)$$

Бу ерда, БДХ-бевосита доимий харажатлар.

5. Фойда – бевосита харажатларни айириб ташлагандан кейинги тушумдан тақсимланган умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатларини айириб топилади:

$$\Phi = БХТ - ТУЧ \quad (1.7)$$

Бу ерда, ТУЧ -тақсимланган умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатлари

Иқтисодиётда XX- асрнинг сўнгги йилларигача мавжуд бўлган фойдани ҳисоблаш усуллари маълум даражада ҳозирги талабларга жавоб бермай қолди ва бу ҳисоб-китоб тизимини янги талаблар асосида қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Ана шу талаблар асосида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5-февралдаги 54-сон қарори билан «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»¹⁵ га кўра, хўжалик юритувчи ҳар бир субъект учун рентабеллик мутлоқ кўрсаткичлари қўйидагича ҳисобланади:

1. Ялпи фойда(зарар) – қишлоқ хўжалик корхонасида маҳсулот сотишдан тушган тушум, яъни соф пул тушумидан сотилган маҳсулот, иш ва хизматларни ишлаб чиқариш таннархи ажратиб ташланади. Бунда соф пул тушуми жами пул тушумидан қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, экспорт солиғи ва турли табиий камайишларни ажратиб ташлаш орқали аниқланади:

$$\text{ЯФ} = \text{ССТ} - \text{ИТ} \quad (1.8)$$

Бу ерда, ЯФ(ЯЗ) – ялпи фойда(зарар);

ССТ – сотишдан олинган соф тушум;

ИТ – сотилган маҳсулотнинг таннархи.

2. Корхонанинг асосий фаолиятидан олинган фойда(зарар). Буни аниқлаш учун ялпи фойда (зарар)дан сотиш ва маъмурий харажатлар (даврий харажатлар) айрилиб, асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлари ва харажатлари ҳам мос равишда қўшилиб ва чиқариб ташланади:

$$\text{АФФ} = \text{ЯФ} - \text{ДХ} + \text{БД} - \text{БЗ} \quad (1.9)$$

Бу ерда, АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ – давр харажатлари;

БД – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ - асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

3. Корхонанинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (зарар). Асосий фаолиятдан олинган фойда(зарар)дан олинган дивидендлар, облигацияларлар бўйича фоизлар, валюта курси фарқи, бошқа молиявий фаолият бўйича даромадлар қўшилиб, харажатлар ва банк фоизлари айириб ташланади:

$$\mathbf{УФ = АФФ + МД - МХ} \quad (1.10)$$

Бу ерда, УФ – умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда;

МД – молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ -молиявий фаолият харажатлари.

4. Солиқ тўлагунгача бўлган фойда-умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ва фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойдадан фавқулодда кўрилган зарар ажратиб ташлаган ҳолда аниқланади:

$$\mathbf{СТФ = УФ + ФП - ФЗ} \quad (1.11)$$

Бу ерда, СТФ –солиқ тўлангунча олинган фойда;

ФП –фавқулодда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ -фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар.

5. Соф фойда(зарар). У солиқ тўлангандан кейин хўжалик ихтиёрида қолади, у ўзида даромад(фойда)дан турли солиқ ва тўловларни чиқариб ташланган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$\mathbf{СФ = СТФ - ДС - БС} \quad (1.12)$$

Бу ерда, СФ – соф фойда;

ДС – даромад(фойда)дан тўланадиган солиқ;

БС – бошқа солиқлар ва тўловлар.

Бозор шароитида ҳар бир корхонанинг асосий иқтисодий кўрсаткичи унинг соф фойдаси ҳисобланади. Чунки соф фойда корхонанинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида асосий манба саналади. Лекин, фойданинг

мутлоқ миқдори корхонанинг фойдалилигини тўлиқ акс эттирмайди. Чунки, бу кўрсаткичга маҳсулот бирлигининг таннархи ва унинг сотиш баҳолари турли даражада таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳар бир хўжалик учун фойданинг мутлоқ миқдори эмас, балки рентабелликнинг нисбий даражасини ҳисоблаш муҳимдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат, ер-сув, моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари қаторида, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари рентабеллигини тўғри ҳисоблаш жуда муҳим.

Рентабеллик даражаси соф фойдани тижорат таннархига бўлиш орқали аниқланади ва бунда қўйидаги формулалардан фойдаланилади:

$$P = \frac{\Phi}{KT} \times 100 \quad (1.13)$$

$$P = \frac{ПТ - КТ}{КТ} \times 100 \quad (1.14)$$

$$P = \frac{ПТ}{КТ} \times 100 \quad (1.15)$$

Бу ерда, Φ - фойда;
 $КТ$ - тижорат таннархи;
 $ПТ$ - пул тушуми.

Лекин, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш ва кўпайтиришга сарфланган капитал қуйилмалар амалга оширилади, улар маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларига амортизация шаклида қўшилади. Шунинг учун фақат жорий харажатлар самарадорлигини эмас, балки ишлаб чиқариш воситаларида моддийлашган харажатларни аниқлаш ҳам муҳим ҳисобланади. Шунинг учун бир сўмлик асосий ва айланма фондларга тўғри келадиган соф фойда миқдорини ифодаладиган, рентабелликнинг нисбий кўрсаткичидан фойдаланилади.

Асосий, моддий айланма воситаларининг рентабеллик даражаси қўйидагича ҳисобланади:

$$P_{ав} = \frac{\Phi}{AB} \times 100 \quad (1.16)$$

$$P_{ай} = \frac{\Phi}{MAВ} \times 100 \quad (1.17)$$

$$\text{Фойда нор.} = \frac{\Phi}{AB + MAВ} \times 100 \quad (1.18)$$

- Бу ерда, $P_{ав}$ - асосий воситалар рентабеллиги;
 $P_{ай}$ - айланма воситалар рентабеллиги;
 AB - асосий воситалар қиймати;
 $MAВ$ - меъёрлашган айланма воситалар қиймати.

Рентабеллик меъёри – соф фойданинг тўла таннархга нисбатидир, яъни бу бир сўмлик харажат эвазига қанча фойда олинганлигини кўрсатади. Аммо, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши фақат жорий харажатлар ҳисобига эмас, балки капитал маблағ харажатлари ҳисобига ҳам амалга оширилади. Маҳсулот ишлаб чиқаришда моддий харажатлар ҳам қатнашиб, уларни маҳсулот қиймати таркибидаги улушини ҳам ҳисобга олиш зарур. Шу борада Г.В.Савицкая¹⁶ рентабеллик кўрсаткичларини қўйидаги бир неча гуруҳлар бўйича таҳлил қилишни тавсия этади.

- асосий (операцион) ва инвестицион фаолият рентабеллигини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- маҳсулот сотиш (оборот) рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- капитал ва унинг қисмлари даромадлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Ишлаб чиқариш фаолияти харажатларининг қопланиш рентабеллиги асосий фаолиятдан келган брутто ёки соф фойдани маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларига ёки пул тушумига нисбати билан ҳисобланилади.

¹⁶ Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий АПК. Минск. «Новое знание». 2001. 269 б.

$$P_{и/ч} = \frac{БФ}{X} \quad \text{ёки} \quad P_{и/чф} = \frac{СФ}{X} \quad (1.19)$$

Бу ерда, БФ - брутто фойда;

X - ишлаб чиқариш ёки сотиш харажатлари;

СФ - соф фойда.

Бу усулда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун сарфланган ҳар 1 сўм харажатга корхона қанча фойда олишини кўрсатади, буни корхона бўйича ҳам алоҳида бўлинмалар ва маҳсулот турлари бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин. Шу йўл билан алоҳида инвестицион лойиҳаларнинг қопланишини ҳам аниқлаш мумкин.

Сотилган маҳсулот (иш ва хизмат)лар рентабеллиги келадиган брутто ёки соф фойдани олинган тушум миқдорига бўлиб ҳисобланилади. Бозор шароитида бу кўрсаткич корхоналарнинг тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини, яъни, сотилган 1 сўмлик товарга тўғри келган фойдани тавсифлайди. Бу кўрсаткични корхона бўйича ва алоҳида маҳсулот бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин:

$$P_c = \frac{БФ}{\text{Тушум}} \quad \text{ёки} \quad P_c = \frac{СФ}{\text{Тушум}} \quad (1.20)$$

Капиталнинг рентабеллиги (даромадлилиги) брутто ёки соф фойдани жами инвестрланган капиталнинг ёки унинг алоҳида таркибий қисмларининг: хусусий (ҳиссадорлик), қарзга олинган, перманент, асосий, айланма, ишлаб чиқариш капитали ва бошқаларнинг ўртача йиллик қийматига бўлиб ҳисобланилади:

$$P_k = \frac{БФ}{K_{\text{Л}}} \quad \text{ёки} \quad P_k = \frac{СФ}{K_{\text{Л}}} \quad (1.21)$$

Бу ерда, К_Л-капитал (қиймати).

Рентабеллик даражасининг бундай усулларда ҳисобланилиши қишлоқ хўжалиги корхоналарида ресурслардан фойдаланиш даражасини аниқлаш имконини беради. Рентабелликнинг мутлоқ кўрсаткичи жуда муҳим молиявий кўрсаткич бўлгани билан, у айрим корхоналар фаолиятини

ўрганишда қийинчилик туғдиради. Чунки бу кўрсаткичда корхонанинг ялпи ва товар маҳсулотлари, уларга сарфланган харажатлар бевосита ифода этилмайди.

Шунинг учун ишлаб чиқариш рентабеллигини фақат жорий харажатлар асосида эмас балки молиявий коэффицентлар асосида ҳам ҳисоб-китоб қилинади. Бунда рентабелликнинг 5 та молиявий коэффиценти қўлланилади.¹⁷

1. Маҳсулот сотиш рентабеллиги коэффиценти сотилган маҳсулот бирлигига канча фойда тўғри келишини кўрсатади. Бу коэффицент нарх сиёсатидаги ўзгаришларни ва хўжаликнинг сотилган маҳсулот таннарини назорат қилиш даражасини кўрсатади (P_{mc}). Унинг пасайиши турли сабабларга кўра корхона маҳсулотига талабнинг пасайганлигини кўрсатади.

$$P_{mc} = \frac{\Phi(3)}{T} < 0 \quad (1.22)$$

Бу ерда, $\Phi(3)$ -сотишдан олинган фойда(зарар)
 T -пул тушуми

2. Асосий воситалар ва оборотдан ташқари активларнинг рентабеллиги коэффиценти асосий воситалар ва оборотдан ташқари активлардан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради, яъни қишлоқ хўжалик корхонасининг молиявий хўжалик фаолиятида ишлатадиган активлардан фойда ёки зарар кўриш даражасини кўрсатади (P_{av}):

$$P_{av} = \frac{C\Phi(3)}{A_1} < 0 \quad (1.23)$$

Бу ерда, $C\Phi(3)$ -солиққа тортишга қадар бўлган фойда(зарар);
 A_1 - узоқ муддатли активлар.

¹⁷ «Маҳсулот(хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида» Низом. Ж.// Солиқ тыловчининг журнали. -1999. -№ 3.

3. Хусусий капиталнинг рентабеллиги коэффиценти ўз капиталидан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатади. Ушбу коэффицент ўзгариши корхона акциялари котировка даражасига таъсир қилади. Бу коэффицент даражаси инвестиция қилинган капиталдан фойдаланиш самарадорлигини белгилаш ва бу кўрсаткични ушбу маблағларни бошқа қимматли қўғозларга сарфлашдан олиши мумкин бўлган даромад билан пасайиши ҳам маҳсулотларга талабнинг пасайгани ва активларнинг ортиқча тўпланиб қолганидан далолат беради($P_{\text{хк}}$):

$$P_{\text{хк}} = \frac{C\Phi(3)}{X_{\text{кк}}} \quad (1.24)$$

Бу ерда, $X_{\text{кк}}$ - хўжаликнинг хусусий капитал қиймати

4. Перманент капиталнинг рентабеллиги коэффиценти корхона фаолиятига сарфланган капиталдан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради ($P_{\text{пк}}$):

$$P_{\text{пк}} = \frac{C\Phi(3)}{П_1 + X_{\text{кк}}} \quad (1.25)$$

Бу ерда, $П_1$ -ўз маблағлари манбалари

5. Капитал айланувчанлиги рентабеллиги коэффиценти корхонанинг жами капиталининг айланиш тезлигини акс эттиради. Унинг ўсиши корхона маблағлари оборотининг жадаллашганлигини ёки инфляция даражаси ўсишини англатади($P_{\text{ку}}$):

$$P_{\text{ку}} = \frac{T}{БЯ} < 0 \quad (1.26)$$

Бу ерда, БЯ – баланс якуни

Рентабеллик кўрсаткичларини бу тартибда ҳисоблаш ўзига хос аҳамиятга эга. Улардан товар маҳсулотларининг таннархига тўлиқ киритилган харажатларнинг рентабеллик (зарарлилик) даражасини ҳисоблаш эса алоҳида аҳамиятлидир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичларига табиий-иқлим шароитлар, шу жумладан, об-ҳаво шароити сезиларли таъсир кўрсатади. Бундай таъсир айрим йилларда одатдагидан фарқ қилади. Буни ҳисобга олиб, рентабеллик (зарарлилик) кўрсаткичларини камида 3-5 йиллик маълумотлар асосида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалигида самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлган рентабелликдан ташқари миқдор ва сифатни ифодалайдиган бир қанча хусусий кўрсаткичлари ҳам бўлиб, улар қўйидагиларидир:

Ҳосилдорлик-ишлаб чиқаришнинг ҳамма хусусиятларини, уларни экинга таъсирини ўзида мужжасамлаштирадиган кўрсаткич ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг айрим омиллари экинлар ҳосилдорлигига бевосита таъсир этса ва бу таъсирини маълум даражада миқдор жиҳатдан ҳисобга олиш имкони бўлса-да (минерал ва органик ўғитлар, сув таъминоти, янги нав, уруғлик ва ҳ. к.), лекин экинлар ҳосилдорлигига билвосита таъсир этувчи омиллар таъсирини бевосита миқдор жиҳатдан ҳисобга олиш анча қийин (меҳнатни ташкил қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишларни ўз вақтида ўтказиш ва ҳ. к.).

Бундан ташқари ҳосилдорликка таъсир этувчи омилларнинг ҳар бири ўзи алоҳида таъсир этмасдан, балки ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирган ҳолда таъсир этгандагина юқори натижа беради. Ҳосилдорлик даражасига табиий шароитлар, табиий омиллар ҳам катта таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳам ўртача ҳосилдорлик ҳамда ўртача йиллик ўсиш суръатлари аниқланиши, таҳлил қилишда катта аниқлик туғдиради. Ўртача ҳосилдорликни қўйидагича аниқлаш мумкин($\bar{X}$):

$$\bar{X} = \frac{\sum x_m \times x}{\sum \text{ЭМ}} = \frac{\sum \text{ЯХ}}{\sum \text{ЭМ}} \quad (1.27)$$

Бу ерда, ЭМ - экин майдони, га;
 Х - ҳосилдорлик, ц/га;
 ЯХ - ялпи ҳосил, ц.

Меҳнат унумдорлиги - ходимларнинг маълум вақтда маълум бир миқдордаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф қилган аниқ меҳнат қобилиятини акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткичдир. Меҳнат унумдорлиги(МУ) даражаси ёки меҳнат қайтими(МК) натура ёки қиймат шаклидаги қишлоқ хўжалик маҳсулоти турининг миқдорини ёки бажарилган ишлар ҳажмини шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақти миқдориға нисбати сифатида ифодаланади. У қўйидагича аниқланади:

$$МУ = \frac{ММ(МК)}{ИБМ} \quad (1.28)$$

Бу ерда, $ММ(МК)$ -маҳсулот миқдори (маҳсулот қиймати);
 $ИБМ$ -бажарилган иш миқдори.

Юқорида келтирилган нисбатнинг тескари кўрсаткичи маҳсулотнинг меҳнат сиғими қўйидагича аниқланади (МС):

$$МС = \frac{ИБМ}{ММ(МК)} \quad (1.29)$$

Маҳсулот танннархи - корхонада маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар йиғиндисидир.

Асосий ва қўшимча маҳсулот бирлигининг таннархи жами ишлаб чиқариш харажатларини ялпи маҳсулот миқдориға нисбати билан топилади:

$$Т = \frac{И/ЧХ}{ЯМ} \quad (1.30)$$

Бу ерда, $ЯМ$ -ялпи маҳсулот;
 $И/ЧХ$ -ишлаб чиқариш харажатлари;

Баҳо - алоҳида аҳамият касб этади. Чунки баҳо орқали товар ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига ўтади. Товар ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш харажатларини қопланиши ва фойда олиши баҳо орқали амалга ошади. Баҳо - товар қийматининг пулдаги ифодаси бўлиб, унинг динамикаси, нисбати ва ўзгаришлари асосида қиймат қонуни ётади. Қишлоқ хўжалигида, хусусан тамакичиликда ўртача сотиш баҳоси сотилган маҳсулотнинг

сифатини ўзида акс эттирувчи кўрсаткич бўлиб, у қўйидагича аниқланади(СБ):

$$СБ = \frac{ПТ}{ЯММ} \quad (1.31)$$

Бу ерда, ПТ - пул тушуми;

ЯММ - ялпи маҳсулот миқдори.

1-бўлим бўйича хулоса

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқ ҳисобланиб, у аҳолининг истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжини қондиришда, саноатни хом ашё билан таъминлашда ва мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда алоҳида ўрин эгаллайди. Қишлоқ хўжалигида, шу жумладан, тамакичилик тармоғида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади тармоқни самарали ривожлантириш ва шу асосда кишиларнинг моддий фаровонлигини оширишга эришишдир.

Тармоқни самарали ривожлантиришда ривожланган мамлакатлар тажрибалари, мамлакатдаги шароит ва омиллар таъсири ҳисобга олинган ҳолда ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва асосий йўналишлар белгиланди.

Бозор муносабатлари шароитида мамлакат аграр саноат мажмуасининг муҳим тармоғи бўлган тамаки ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятларини тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб, ресурсларни тежаш концепциясидан фойдаланган ҳолда ўрганиш, бунда иқтисодий самарадорлик даражаси ва кўрсаткичларини халқ хўжалиги ва тармоқ даражасида ўрганиш билан биргаликда корхона миқёсида ва алоҳида тадбирлар бўйича амалга ошириш имкониятларини очиб беради. Харажатлар концепцияси самарадорлиги умумлаштирувчи кўрсаткичи – рентабеллик ҳисобланади ва унда истеъмол қилинган ресурсларнинг қайтими ҳам ифодаланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлиги кўплаб

омиллар ҳамда шароитлар таъсирида шаклланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини оширишда омилар боғлиқликда намоён бўлади. Ушбу боғлиқликни маҳсулот ишлаб чиқаришда ўрганиш натижасида якуний самарадорлик даражасини аниқлашга таъсир этувчи омилар гуруҳини, уларнинг таъсир доирасини ифодалайдиган кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди. Истеъмол қилинган ресурслар қийматини ва улардан олинган пировард натижани акс эттирувчи умумлаштирувчи кўрсаткич – харажатлар рентабеллиги ва бошқа хусусий кўрсаткичлар ҳамда уларга таъсир этувчи омилар ягона тизимга келтирилди. Бу омилардан фойдаланишни такомиллаштириш имкониятлари таклиф қилинди

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлик кўрсаткичлари, уларни ҳисоблаш услублари таҳлили натижасида самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлган рентабеллик кўрсаткичининг турлича ёндашувдаги қиёсий таҳлили орқали маҳсулот етиштириш самарадорлигини ошириш имкониятларини топиш учун кенг имкониятлар яратилади.

2.БОБ. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА ТАМАКИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2.1. Тамаки ишлаб чиқаришда табиий ва иқтисодий ресурслардан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти

Тамаки асосан Зарафшон водийси ҳудудларида етиштирилиб, Зарафшон водийси ўз ичига Самарқанд вилоятининг Ургут, Тожикистоннинг Айний ва Панжикент туманларини олиб, Зарафшон дарёси воҳасининг чап қирғоғи ҳамда Помир-Олий тоғ тизимига кирувчи Зарафшон тоғ тизмасининг шимолий ва Туркистон тоғ тизмаси жанубий қисмида жойлашган. Ўзбекистон ҳудудига Зарафшон тоғ тизмасининг унчалик узун бўлмаган қисми (100 км) кириб, у Самарқанднинг жануби-ғарбида жойлашган Кешкутан тоғи билан якунланади.

Ургут тумани Зарафшон тоғ тизмаларининг давоми бўлган Чақикалон ва Қоратепа тоғларининг ён бағирларида, денгиз сатҳидан тахминан 1000 метр баландликда жойлашган. Шарқий, жанубий ва ғарбий қисмлари Чақикалон ва Қоратепа тоғлари, адирлар ва қирларидан иборат. Шимолий ва марказий қисмлари паст-баланд текислик бўлиб, бир қанча сойликлар бор. Адирлар ғовак ва бўш чўкинди жинслардан таркиб топган, шу туфайли сойлар унчалик чуқур бўлмаган кенг водийларни ташкил этади.

Зарафшон дарёси Зарафшон ва Туркистон тоғ тизмаларини олган Матчи тоғ тугуни музликлари ва қорларидан бошланиб, Самарқанд воҳаси қишлоқ хўжалиги учун асосий суғориш манбаси ҳисобланади. Зарафшон водийси ерлари қадимдан унумдорлиги ва деҳқончилик маданияти билан машҳур бўлган ва табиий шарт-шароитларга кўра уч ҳудудга бўлинади: тоғли, тоғ олди ва текислик.

Тоғ ҳудуди рельефининг мураккаблиги деҳқончиликнинг кенг ривожланишига имкон бермайди ва ҳудуднинг фақат пастки қисмида кичик майдонлар учрайди. Бу майдонларда кўпроқ бошоқли экинлар экилиб,

худуднинг юқори қисми асосан яйлов сифатида фойдаланилади. Зарафшон водийсининг шимолий, худуди Зарафшон дарёси воҳасига ўтиб, бу ерда қадимдан лалми деҳқончилик ривожланган.

Ўзбекистоннинг Зарафшон водийсидаги тамакичилик зонаси Ўрта Осиё ва Қozoқистоннинг бошқа зоналаридан тупроқ қатламининг тавсифи билан фарқланади¹⁸.

Зарафшон водийсида бўз тупроқнинг қўйидаги типлари энг кенг тарқалган: оч, типик, тўқ ва тўқ кучсиз ишқорланган. Тамаки оч, типик, тўқ турли тупроқларда етиштирилади.

Оч бўз тупроқлар денгиз сатҳидан 400-450 метр баланд бўлган тоғ олди текисликлари ва 600—700 метрдан баланд бўлмаган қирларни эгаллаб, гумус миқдорининг пастлиги (1-1,5%) ва карбонат ҳамда гипс қатлами яқинлиги билан тавсифланади. Тупроқнинг юза қатламида шўрланиш деярли учрамайди. Юқори гумус даражали ва кучли чим қатламига эга ўтлоқ тупроқлар кенг тарқалган. Бунда икки тип учрайди: ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ. Ўтлоқ тупроқлар тоғ олди қияликлари ва даврий намланадиган дарё воҳалари қатламларини эгаллаган. Уларнинг очлари 1,5-2,5% гумус миқдorigа эга ва ер ости сувлари даражасининг пастлиги билан ажралиб туради.

Каштан тупроқлар Зарафшон ва Туркистон тизмаларининг паст тоғликлари ва қирларининг юқори ва қисман ўрта қисмида тарқалган. Ҳозирда тамаки етиштиришда барча тупроқ типларидан фойдаланилади. Юқори сифатли тамаки хом ашёси олиш учун бўз тупроқларнинг дастлабки уч хили ва очиқ каштан туридаги тупроқлар энг мақбул ҳисобланади.

Самарқанд вилояти тамакичилик зонасида ҳавонинг ўртача ҳарорати 13,1°-11,9° ни ташкил этади. Бу нуқталарда ҳавонинг экстремум ҳарорати мос равишда +40,4° дан -20,9° гача ва +39,5° дан -22,6° гачани ташкил қилади. Вегетация давридаги ўртача ҳарорат 21,1° - 19,9° атрофида ўзгариб туради.

¹⁸ Умурзаков Э. Технология возделывания и уборки восточных и американских сортотипов табака в условиях Узбекистана: Дис.. на соик. уч. степени... док. с-х. наук.-Т: УзНИИХ, -1999.

Самарқанд вилояти тамакичилик ҳудудларида ўртача ойлик ёғин миқдори 26,6 миллиметрни ташкил қилиб, унинг 50%дан кўпроғи октябр ойига тўғри келади. Ҳудуддаги вегетация даври 220 кунни ташкил қилади.

Баҳор фаслидаги сўнгги музлашлар мартнинг охирига тўғри келиб, бу хўжаликларнинг очик кўчатхоналаридаги тамаки кўчатларининг нобуд бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Кузда дастлабки музлаш октябрнинг биринчи ўн кунлигида кузатилган. Тупроқ ва ҳавонинг ёз ойларидаги паст даражадаги намлиги қишлоқ хўжалиги экинларини парвариш қилишда кўшимча суғориш заруриятини келтириб чиқаради.

Зарафшон водийси табиий-иқлим шароитлари тамаки етиштириш учун қулай бўлиб, тамаки Самарқанд вилоятининг Ургут туманида 1927 йилдан бошлаб етиштириб келинади. Республика тамаки хом ашёсининг асосий қисми ушбу ҳудудда етиштирилиб, туманда тамаки етиштириш учун қулай тупроқ-иқлим шароитлари ва моддий-техника базаси ҳамда шаклланган тамаки деҳқончилиги тизими маданияти мавжуд. Шунингдек, туманда аҳоли жойлашиш зичлигини ҳисобга олган ҳолда, меҳнат сиғими юқори бўлган тамакичиликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан тамаки экин майдонлари кенгайиб борган (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

Самарқанд вилоятида тамаки ишлаб чиқариш динамикаси ўзгариши тарихи

Йиллар	Ер майдони, (га)	Ҳосилдорлик, (ц/га)	Ялпи ҳосил (тонна)
1929	500	6	300
1937	2000	5	1000
1956	6400	5	3200
1976	9600	26	25152
1981	10200	30	30906
1985	9700	37	35890
1985-1989	8700	38	33321

Манба: Хушвақтов С.Х., Умурзоков Э.У. Ўзбекистон тамакиси. –Т: -Мехнат.-1986. -8 б.

Ургут туманида 1927 йилдан 1963 йилгача тамакининг «Остролист», «Переможец», «Самсун», «Дюбек» навлар етиштириб келинган бўлса, 1963 йилдан фақат «Дюбек» нави парваришлана бошлаган.

Тамаки экин майдони ва ялпи ҳосили ўсиб борган ҳолда хом ашё сифати тобора пасайиши юз берган. Чунки собиқ иттифоқ даврида асосий эътибор маҳсулот миқдориға қаратилгани боис ҳосилдорликни ошириш асосий мезон бўлган. Ҳосилдорликни оширишга асосан суғоришлар сонини ошириш ва минерал ўғитлардан кенг фойдаланиш ҳисобига эришилган бўлиб, бу Шарқ типигаги тамаки етиштириш талабларига мутлоқо зиддир.

Маълумки, минерал ўғитларни мақбул нисбатларда солиш қишлоқ хўжалиги экинларининг, жумладан тамаки ҳосилдорлигини ҳам кескин ошириши исботланган. Лекин, тамаки ҳосилдорлиги кескин ошишининг ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Хусусан:

- юқорида таъкидланганидек ўтган асрнинг 70-йилларига келиб, тамакичиликда серҳосил навларининг районлаштирилиши ва аста секин ихтисослаштириш даражасини чуқурлашувига олиб келган бўлса, минерал ўғитларни меъёридан ортиқча ишлатиш ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашишига олиб келган;

- мутлоқ ҳолатда тамаки ҳосилдорлигининг ошиб бориши, яъни сувнинг кўп ишлатилиши ҳисобига, тамаки маҳсулотининг сифатига салбий таъсир кўрсатади. Натижада, ўтган асрнинг 80-йилларда, тадқиқот ўтказилган хўжаликларда етиштирилган тамакининг «Дюбек» нави ўзига хос бўлган хушбўй товарлилик хусусиятларини йўқотиб борган. Бундай ҳолат ўтган аср 90-йилларни бошларида Ўзбекистон тамаки саноатининг чуқур инқирозига олиб келди. Чунки, Шарқ типигаги тамакилар сигарета маҳсулотларига (10-15% миқдорда) ўзига хос хушбўй ҳид бериш учун қўшилади, хушбўйлик унинг асосий товар белгиси ҳисобланади.


XX-аср 90-йилларининг бошларида собиқ СССР ҳудудида фаолият кўрсатган ягона тамакичилик мажмуаси тизими парчаланиб, Ўзбекистон

тамаки саноати ҳам режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш босқичига кирди. Тизимнинг парчаланишига қарамай, Россия Ўзбекистонда етиштирилган «Дюбек» типдаги тамакининг ягона истеъмолчиси бўлиб қолди. Чунки, республикада етиштирилган тамаки хом ашёси жаҳон бозори талабларига жавоб бермасдан, асосан, филтрсиз арзон сигареталар ишлаб чиқаришда фойдаланиларди.

Бу йилларда бозорда узок муддатли потенциал харидорнинг йўқлиги кўплаб майда воситачи фирмалар пайдо бўлишига олиб келиб, бу фирмаларнинг маҳсулот сифатига бўлган талаби паст ва уларнинг асосий мақсади қисқа муддатларда юқори фойда олишда эди. Бундан ташқари, тамаки етиштирувчилар топширган хом ашёлари учун тўлов муддати анча даврга чўзилиб кетди. Бундай шароитларда, тамаки етиштирувчиларда хом ашё миқдори ва сифатини оширишга қизиқиш сусайишига олиб келди.

Бундай ҳолат Ўзбекистон тамакичилик мажмуасида давом этаётган инқирозни янада чуқурлаштирди ва етиштирилаётган «Дюбек» типдаги тамаки хом ашёсининг истеъмолчилари йўқотилишига ва бозорда ушбу маҳсулотга бўлган талабнинг ҳам пасайишига олиб келди. Натижада 1990-2004 йилларга келиб, тамаки билан банд майдонлар 2 баробардан кўпроқ қисқариб, ялпи ҳосил етиштириш эса 27800 тоннадан 10370 тоннага, яъни 17430 тоннага ёки 62,7 % га камайиб кетган (2.1-расм).

Сўнгги йилларда, республикада Туркиядан келтирилган янги «Измир» типдаги тамаки экила бошланди. Тамакининг ушбу типини «ЎзБАТ» қўшма корхонаси илмий ривожлантириш бўлими томонидан тавсия қилинган. Тамакининг ушбу нави ўзига хос ноёб хусусиятларга эга бўлиб, паст унумли ерларда етиштирилиб, вегетация даврида кам сув талаб қилади. «Измир» нави лалми ва шартли суғориладиган ерларда бошқа қишлоқ хўжалик экинларига нисбатан рақобатбардош ва нисбатан юқори даромадлилиги билан ажралиб туради.



*Манба: Статистик маълумотлар асосида тузилган.

2.1-расм. Ўзбекистонда тамаки ишлаб чиқаришнинг динамикаси, 1990-2004 йиллар.

«Измир» типидagi нав асосан лалми шароитларда етиштиришга мулжалланган тамаки бўлиб, шу сабабли «Дюбек» типидagi тамакидан анча устунликларга эга. Яъни, «Измир» нави «Дюбек» навидан қўйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

- қурғоқчиликка энг чидамли нав;
- қияликлардаги кучсиз тупроқ шароитларида нормал ўсади;
- вегетация даврида намликка талаб кам;
- минерал ва органик ўғитлар солиниши талаб этмайди.

«Измир» нави хом ашёси жахон бозорида юқори талабга эга бўлиб, Ўзбекистон учун қимматли экспорт маҳсулоти бўлиб хизмат қилиши мумкин. «Измир» типидagi тамаки юқори экспорт салоҳиятига эга бўлиб, «Дюбек» типидagi тамакидан фарқли равишда, юқори сифатли, халқаро маркалардаги сигареталар ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Шу билан бирга, «Измир» нави ҳосилдорлик жиҳатдан «Дюбек» дан 2,5-3 баробар паст бўлса ҳам, унинг сотиш баҳоси аксинча 3,5-4 мартага юқорилиги билан устунликка эгадир.

Самарқанд вилояти Ургут туманида жами 22 ширкат хўжалиги ва 100 дан ортиқ фермер хўжалиги мавжуд бўлиб (2004 йил), улар тамаки ишлаб чиқаришга ихтисослашган, яъни бу тармоқ ялпи товар маҳсулотида нисбатан юқори салмоққа эга. Таҳлил қилинаётган йилларда ихтисослашиш коэффициенти хўжаликларда 0,30-0,55 ни ташкил қилганлиги учун улар ўрта даражада ихтисослашган ҳисобланади. Товар маҳсулотда салмоқ бўйича кейинги ўринни ғаллачилик эгаллайди. Шунингдек, тамакичилик Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ ва Шахрисабз туманлари хўжаликларида ҳам қисман етиштирилиб, улар товар маҳсулотида асосий салмоқни эгалламайди.

Тупроқ унумдорлиги тамаки ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги даражасини таъминлайдиган асосий омилдир. Шунинг учун тупроқ балл бонитети асосида, тупроқ унумдорлигидаги тафовутларнинг ҳосилдорликка ва хўжаликлар иқтисодиётига қандай таъсирини ўрнатиш мумкин (2.2-жадвал).

Хўжаликлар гуруҳи бўйича тупроқнинг сифат кўрсаткичлари хўжаликлар ихтиёридаги ер ресурслари тамаки хом ашёси ишлаб чиқаришга қанчалик туғри келишини аниқлашга ёрдам беради.

Бунда хўжаликларда ердан фойдаланиш даражасини аниқлашда маълум бир тупроқ унумдорлигига эга хўжаликлар гуруҳи бўйича ўртача тупроқ балл бонитети даражаси туман бўйича ўртача тупроқ балл бонитетига нисбати кўрсаткичи ушбу гуруҳ бўйича ўртача ҳосилдорликка кўпайтирилиб, ўртача хўжалик юритиш даражасидан келиб чиққан ҳолда тупроқ баҳосига мос ҳосилдорлик (ц/га) аниқланди. Ушбу кўрсаткичнинг ҳақиқий ҳосилдорлик даражасига нисбати тупроқ унумдорлигидан фойдаланиш коэффициенти беради.

2.2-жадвал

Самарқанд вилояти Ургут тумани тамакичилик хўжаликларида тупрок унумдорлигининг ишлаб чиқариш натижаларига таъсири

Гуруҳлар	Тупрок унумдорлиги бўйича хўжаликлар гуруҳи, балл	Гуруҳдаги хўжаликлар сони	Ўртача балл	Тамаки ҳосилдорлиги, ц/га	Ўртача хўжалик юритиш даражасида тупрок баҳосига мос ҳосилдорлик, ц/га	Тупрок унумдорлигидан фойдаланиш коэфф.	Бевосита меҳнат сарфи (киши-соат)		Моддий пул харажатлари (минг сўм)	
							Бир гектарга	Бир Центнерга	Бир Гектарга	Бир Центнерга
Дюбек										
I	63 гача	9	59,7	11,8	11,1	1,06	12666,3	1074,5	401,6	34,1
II	63,3-73,7	7	67,9	14,8	12,7	1,17	24691,7	1669,9	399,7	27,0
III	74 дан юқори	6	81,1	9,7	15,1	0,64	14514,6	1491,1	525,1	53,9
	Ўртача		66,0	12,3	х	х	16562,1	1345,8	423,3	34,4
«Измир»										
I	60 баллгача	3	59,3	6,8	6,5	1,05	7476,2	1096,4	397,2	58,3
II	61-67	6	64,8	7,4	7,1	1,04	9348,6	1269,7	1259,5	171,1
III	68дан юқори	2	69,7	7,8	7,6	1,03	8937,6	1139,5	1066,1	135,9
	Ўртача		66,0	7,2	х	х	8554,6	1181,3	893,1	123,3

Манба: Ургут тумани ширкат хўжаликлари маълумотлари асосида (2001-2004 йиллар).

«Дюбек» навида шундай тенденция намоён бўладики, биринчи икки гуруҳдаги хўжаликлар нисбатан паст унумдор ерларда фаолият кўрсатсалар ҳам, тамаки ҳосилдорлиги ўртача туман даражасидан ҳам ва мавжуд тупрок унумдорлигидан ҳам юқорироқ даражага эришган. Унумдорлиги 59,7 балл бўлган I-гуруҳ хўжаликларида олиш мумкин бўлган ҳосилдан 0,8 ц/га ёки 6,3%, унумдорлиги 67,9 бўлган II-гуруҳ хўжаликларида эса 2,1 ц/га ёки 16,5% кўпроқ ҳосилдорликка эришилган. II-гуруҳ хўжаликларида ҳосилдорлик туман кўрсаткичидан 2,5 ц/га ёки 20,3 % га кўп бўлган. Тупрок унумдорлиги 81,1 балл бўлган III-гуруҳ хўжаликларида олиниши мумкин бўлган ҳосилдорликдан 5,4 ц/га ёки 35,8 %, ўртача тадқиқот ўтказилган хўжаликлар даражасидан эса 2,6 ц/га ёки 21,1 % га кам бўлган. Демак, III-гуруҳ хўжаликларида ҳосилдорликни ошириш имконияти мавжуд.

Нисбатан яхши ерларда жойлашган хўжаликларда ёмонроқ ерлардагига нисбатан меҳнат унумдорлиги «Дюбек»да ҳам, «Измир»да ҳам мос равишда

1 центнерга 1074,5 дан 1491 киши соатга ва 1096,4 дан 1139,5 киши соатга ёки 38,8% ва 3,9% га ошган.

Ургут туманида товар маҳсулоти салмоғи бўйича иккинчи ўринни ғаллачилик эгаллайди. Тамаки ишлаб чиқаришга ихтисослашган хўжаликлар ичида юқори салмоқни Ўзбекистон номли (82,4%), Улуғбек номли (76,4%), Акрамобод номли (73,8%), Узоқов номли (74,0%) ва Янгиариқ номли (70,8%) хўжаликлари эгаллаган бўлсалар, анча қуйи ўринларда Оққурғон номли (37,6%), Иттифок номли (36,9%), Навруз номли (36,8%), Ҳамза номли (33,8%) хўжаликлари жойлашган (2.3-жадвал).

2.3-жадвал

Ургут тумани асосий тамаки етиштирувчи хўжаликларда ихтисослаштириш даражаси

Хўжаликлар	Ялпи маҳсулот қиймати, (млн сўм)		Ш.ж: сотилган тамаки (Млн сўм)		Тамакининг ялпи маҳсулотдаги улуши, %		Сотилган ғалла қиймати, минг сўм		Ғалланинг ялпи маҳсулотдаги улуши, %	
	2002 йил	2003 йил	2002 йил	2003 йил	2002 йил	2003 йил	2002 йил	2003 йил	2002 йил	2003 йил
Охунбобоев	362,5	307,3	152,6	141,1	42,1	45,9	102,3	106,9	28,2	34,8
Янгиариқ	349,8	323,9	156,2	229,2	44,6	70,8	46,8	47,1	13,4	14,5
Иттифок	77,9	74,4	34,6	27,5	44,4	36,9	27,8	33,7	35,7	45,2
Рашидов	522,3	578,1	357,8	340,5	68,5	58,9	60,5	93,4	11,6	16,2
Бахрин	233,2	151,2	64,7	73,4	27,7	48,5	36,7	30,8	15,7	20,4
Узоқов	360,3	247,5	291,8	183,1	81,0	74,0	28061	39,5	7,8	16,0
Зарафшон	715,8	404,8	246,5	181,0	34,4	44,7	125,4	177,2	17,5	43,8
Самарқанд	195,8	164,1	63,8	92,7	32,6	56,5	20,6	30,6	10,5	18,6
Акрамобод	302,7	341,6	165,5	252,3	54,7	73,8	43,7	45,7	14,4	13,4
Амир Темур	322,9	391,2	169,6	161,3	52,5	41,2	116,0	168,0	35,9	42,9
Навоий	378,3	376,5	174,6	145,6	46,2	38,7	139,2	163,4	36,8	43,4
Навруз	92,4	56,8	28,9	20,9	31,3	36,8	18,3	19,4	19,8	34,1
Муминов	154,3	124,1	106,1	60,6	68,8	48,8	10,5	23,0	6,8	18,5
Ўзбекистон	24,7	6,8	19,2	6,2	77,5	92,4	0	0	0,0	0,0
Дехқонобод	375,6	292,3	185,7	198,5	49,4	67,9	62,6	72,1	16,7	24,7
Бобур	262,0	374,2	132,1	228,7	50,4	61,1	60,9	85,9	23,3	23,0
Ибн Сино	291,5	254,2	143,6	121,8	49,3	47,9	81,1	82,6	27,8	32,5
Улуғбек	332,4	457,1	250,4	349,3	75,3	76,4	40,5	63,7	12,2	13,9
Муминобод	114,4	110,7	73,0	21,8	63,8	19,7	1,4	6,8	1,2	6,1
Оққурғон	205,5	183,2	107,3	68,9	52,2	37,6	85,6	80,9	41,6	44,1
Ҳамза	472,4	410,1	183,6	138,5	38,9	33,8	188,8	183,3	40,0	44,7

Манбаа :Ургут тумани ширкат хўжаликлари маълумотлари асосида

Тамакичилик хўжаликлари иқтисодий барқарорлигига табиий-иқлим шароитлари билан биргаликда мавжуд ресурслар салоҳияти ва ундан

фойдаланиш даражаси катта таъсир этади. Мавжуд ер, меҳнат ва моддий ресурслари билан таъминланганлиги ва улардан самарали фойдаланиш, хўжалик фаолияти пировард натижасида яққол намоён бўлади.

Таҳлиллар кўрсатишича, Самарқанд вилояти Ургут тумани жами ер фонди таркибида 2000-2004 йилларда кескин ўзгариш тенденцияси мавжуд бўлиб, ер майдонлари 2000 йилдаги 91461 гектардан 2004 йилга келиб 79237 гектарга ёки 13,4% га камайган. Бу камайиш экин майдонлари таркибида ҳам сезиларли миқдорни ташкил этади, яъни мос равишда 20608 гектардан 16746 гектарга ёки 18,7% га. Шунингдек ҳайдаладиган ерлар, яйловлар, кўп йиллик дарахтлар, томорқа ерлари майдонларида ҳам мос равишда 3862; 7003; 4446 ва 640 гектарга ёки 18,3; 17,9; 63,1 ва 9,5% га камайиб кетган (2.4-жадвал).

2.4-жадвал

Самарқанд вилояти Ургут тумани ер ва меҳнат ресурслари таркиби (2000-2004 йиллар)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирл.	2000 йил	Салмоғи %	2002 йил	Салмоғи %	2004 йил	Салмоғи %
Жами ер майдони	га	91461	100,0	85130	100,0	79237	100,0
Ш.ж.Экин майдони	га	20608	22,5	18577	21,8	16746	21,1
шундан: ҳайдаладиган	га	20608	22,5	18577	21,8	16746	21,1
Кўп йиллик дарахтзорлар	га	7043	7,7	4277	5,0	2597	3,3
Томорқа ерлар	га	6717	7,3	6389	7,5	6077	7,7
Сувли ерлар	га	16734	18,3	15154	17,8	13723	17,3
Лалми ерлар	га	3874	4,2	3423	4,0	3025	3,8
Жами аҳоли	киши	248746	100,0	269967	100,0	291188	100,0
Ш.ж: қ-х-да банд	киши	84808	34,1	78380	29,0	71952	24,7
Бир кишига тўғри келадиган ер майдони	га	0,24	X	0,24	X	0,23	X
Ш.ж: сувли ер	га	0,20	X	0,19	X	0,19	X

Манба: Ургут тумани ширкат хўжаликлари маълумотлари асосида

Ургут туманининг тоғ олди ва воҳа ҳудудларида аҳоли зичлиги юқори бўлиб, бир кишига ўртача 0,06 гектардан қишлоқ хўжалигига яроқли ер тўғри келади. Аҳолининг зич жойлашганлиги ва қишлоқда саноатнинг кам

ривожланганлиги қишлоқ хўжалик корхоналарида ортиқча иш кучи мавжудлигига сабаб бўлмоқда.

Туманда тамакичилик тармоғида меҳнатни ташкил қилишнинг асосий шакли бўлган оилавий пудрат шароитида тамаки етиштиришда хўжалик аъзоларининг оила аъзолари меҳнатидан ҳам кенг даражада фойдаланилишини эътиборга оладиган бўлсак, бу кўрсаткич 2-3 баробарга камаяди.

Тадқиқотлар кўрсатишича, табиий-иқлим ва иқтисодий имкониятлардан тамакичиликни ривожлантиришда фойдаланиш қўйидаги шароитлар мавжудлиги билан тавсифланади:

- Ўзбекистоннинг тамаки етиштирилувчи Зарафшон водийси худудининг табиий иқлим, тупроқ шароитлари ва ишлаб чиқаришни жойлашиш хусусиятлари Шарқ типидagi тамакининг хушбўй биологик навларини етиштириш учун қулай ҳисобланади;

- мамлакатимизда тамакичилик тармоғининг ривожланиши тарихи, ҳозирги ҳолати таҳлили шуни кўрсатадики, тармоқда узоқ йиллар давомида самарадорликнинг асосий кўрсаткичи сифатида ҳосилдорликни оширишни рағбатлантирилиши натижасида экиб келинаётган тамаки навлари ўзининг бозоргирлик хусусиятларини йўқотган. Бунинг натижасида тамаки экин майдони, ялпи ҳосил миқдори ва ҳосилдорлик даражаси ўтган асрнинг 90-йиллари бошларига қадар ошиб боргани ҳолда, ундан кейинги йилларда бу кўрсаткичларнинг пасайиши кузатилади;

- тамаки етиштирувчи хўжаликларда ердан фойдаланиш даражаси юқори бўлсада, янги районлаштирилган «Измир» навини унумдор ерларга жойлаштириш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу навни жойлаштиришни қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Измир нави унумдорлиги паст ерлардан ҳам самарали фойдаланишда катта аҳамиятга эгалиги боисдан, унумдор ерларда бошқа экинларни жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

2.2. Ишлаб чиқарувчилар ва тайёрлов ташкилотлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва хом ашёни тайёр маҳсулотга айлантирувчи қайта ишловчилар ўртасида асосий боғловчи вазифасини бажарувчи тайёрлов ташкилотлари билан бўладиган алоқаларни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки тайёрланган хом ашё ва пировард маҳсулот сифатининг юқори бўлиши тайёрлов ташкилотлари фаолиятининг тўғри ташкил қилинганлигига кўп жихатдан боғлиқ.

Ҳозирги вақтда Ургут туманида туманда етиштирилаётган тамаки барглари «ЎзБАТ» қўшма корхонасига қарашли Ургут Ферментлаш заводидаги тамаки ишлаб чиқариш ва қабул қилиш бўлими томонидан қабул қилинади ва қайта ишлангандан кейин мазкур компанияга қарашли Самарқанд сигарет фабрикасига юборилади ёки экспортга жўнатилади.

Туманда тайёрланадиган тамаки хом ашёси ушбу бўлимга қарашли 4 та ҳудудий тамаки қабул қилиш пунктлари томонидан қабул қилинади. Бу пунктлар туман ҳудудида мутаносиб тарзда жойлашган “Ургут”, “Дўстлик”, “Ўрамас” ва “Жартепа” қабул қилиш пунктларидир. Шунингдек, ҳудуди 25 гектардан иборат илмий ривожлантириш бўлими ҳам фаолият кўрсатади.

Унинг вазифаси, Шарқ типига тамакига ички ва ташқи харидорлар талабини қондирадиган, дунё бозорида рақобатбордош тамаки маҳсулотини ишлаб чиқариш жараёнларида юқори сифатга эришиш тизимини илмий таъмин этишдир.

Тамаки ишлаб чиқариш ва қабул қилиш бўлимининг мақсадларига қўйидагилар киради:

- компания ишининг барча жабҳаларидан ғурурланувчи, содиқ ва маъсул ходимларни шакллантириш;

- тамаки етиштирувчи хўжалик аъзолари билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

- маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлигини аниқ режалаштириш ва тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш орқали қўйидаги тизимни узлуксиз такомиллаштириш:

- а) уруғ таъминоти,

- б) тамаки хом ашёсини етиштириш технологияси,

- в) тамакини тайёрлаш,

- г) тамакини сақлаш ва ферментлаш заводида жўнатиш.

- барча турдаги чиқиндиларни узлуксиз равишда камайтириш.

Тамаки ишлаб чиқариш ва қабул қилиш бўлимининг асосий функциялари қўйидагилар:

- тадқиқотлар олиб бориш ва ривожлантириш - яъни «Измир» ва «Дюбек» тамаки навининг уруғини ишлаб чиқиш;

- тамакикорлар учун амалий қўлланмалар, мақолалар ва бошқаларни тайёрлаш;

- «Измир» тамаки нави экиладиган майдонларни кенгайтириш. Кенгайтириш дастури хўжалик аъзоларини «Измир» тамаки навини паваришларга доир ахборот ва амалий маслаҳатлар билан таъминлайди, компания режаларини белгиланган миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича бошқаришга ёрдам беради;

- «Дюбек» типидagi тамаки бўйича оммавий ахборот воситалари орқали хўжалик аъзоларини «Дюбек» тамакисини парвариш қилиш учун энг илғор тавсиялар ва техник ахборот билан таъминлайди;

- тамаки тайёрлаш. Ҳар бир тамаки тайёрлаш ҳудудида ёки Ургут ферментлаш заводида тамакиларни мавжуд Давлат Андозаси ва компания талабларига кўра қабул қилиш ва бошқалар.

Қўйидаги 2.5-жадвалда тамаки тайёрлаш ҳудудларида қабул қилинган тамаки барглари миқдори динамикаси берилган

2.5-жадвал

**Ургут туманида қабул қилинган тамаки барглари
миқдори динамикаси ўзгариши**

Тамаки тайёрлаш ҳудуди	Сотиб олинган «Измир» ва Дюбек тамаки навлари, тонна					
	Омборхоналар тамаки сақлаш қуввати, тонна	2001 йил	2003 йил	2005 йил	2005 йил 2001 йилга нисбатан ўзгариши	
					+, -	%
Жартепа	1200	2900	1257	980	-1920	33,8
Дўстлик	2000	6000	1740	2825	-3175	47,1
Ўрамас	1400	3400	1881	1183	-2217	34,8
Ургут	200	1800	1116	-	-1800	x
Жами	4800	14100	5994	4988	-9112	35,4


Манба: «ЎзБАТ» қўшма корхонаси маълумотлари асосида.

Жадвалдан кўринадикки, 2001-2005 йилларда пунктларнинг тамаки барги сотиб олиши камайиб бориш тенденциясига эга, лекин шунга қарамасдан ҳар бир пункт мавжуд омборхоналарнинг тамаки сақлаш қувватидан юқори даражада фойдаланган.

Таъкидланганидек, ҳар бир тамаки тайёрлаш ҳудуди алоҳида тайёрлов пунктига эга ва улар тамаки хом ашёсини навларга ажратиш ва хом ашёни сақлаш учун бир қанча омборхоналардан иборат. Ҳар бир тайёрлов пунктида ҳудудга яқин банклар шахобчалари - мини банклар тамаки етиштирувчиларга хизмат кўрсатади. «ЎзБАТ» қўшма корхонаси тамаки ишлаб чиқариш ва тайёрлаш бўлими илмий ривожлантириш бўлимида янги навлар яратиш, нав агротехникаси, чет мамлакатлардан олиб келинган тамаки навларини синаш, тамаки уруғчилиги, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш каби йуналишларда илмий тадқиқот олиб боради. Қўйида тамаки ишлаб чиқариш ва тайёрлаш бўлими ташкилий тузилмаси берилган (2.2-расм):

Бўлим томонидан «Измир» нави ва уни етиштириш агротехникаси мамлакатимиз тамакичилик мажмуасига тадбиқ этилди. Ҳозирда «Басма» навини тадбиқ қилиш бўйича интенсив изланишлар олиб борилмоқда.

Тамаки ишлаб чиқариш ва тайёрлаш бўлими ташкилий тузилмаси



2.2-расм

«ЎзБАТ» қўшма корхонаси Ургут туманида тамаки баргини 1995 йилдан бошлаб харид қилишни бошлади. Қўйидаги жадвалда ўтган асрнинг 90-йилларда корхонанинг тамаки етиштирувчи хўжаликлар билан тамаки барги хариди бўйича шартнома ҳажми ва унинг бажарилиши келтирилган (2.6-жадвал).

2.6-жадвал

Тамаки харид шартномаларининг бажарилиши

Мавсум	Шартнома ҳажми, тонна	Ҳақиқатда харид қилинган, тонна	Шартномага нисбатан, %
1994-1995	15000	8350	55,6
1995-1996	15000	8550	57,0
1996-1997	15000	6700	44,6
1997-1998	15000	9850	63,0
1998-1999	10000	10184	102,0
2002-2003	8000	8200	102,5

Манба: «ЎзБАТ» қўшма корхонаси маълумотлари асосида тузилган.

Жадвалдан кўринадикки 1995-1998 йилларда хўжаликлар томонидан тамаки сотиш шартнома режалари бажарилмасдан келинган. Корхона томонидан ҳар экин мавсуми бошида хўжаликларга тўланган шартнома қийматининг 25 % ҳажмидаги бунак суммаси ҳам баъзи хўжаликлар томонидан қопланилмаган. Ўтказилган тадқиқот ва монографик сўровлар таҳлили шуни кўрсатдики, бунга асосий сабаб, тамаки етиштирувчи оилалар томонидан тамаки тайёрлаш пунктларига топширилган ҳосил учун тўловни ўз вақтида хўжаликлар томонидан амалга оширилмаслиги бўлган. Бу эса етиштирилган тамаки баргини оилалар томонидан бошқа хусусий шахсларга сотишига олиб келган. Натижада амалда хўжаликлар экин майдонларида, улар ишлаб чиқариш фондлари воситасида етиштирилган тамаки хом ашёси расмий каналларни четлаб, қўшни давлатларга олиб чиқиб кетилган. Ушбу каналлар орқали сотилган тамаки учун оилалар хўжаликлар томонидан тўланаётган қийматни олсаларда, хўжаликлар улуши яширин воситачилар қўлида тўпланган. Ушбу воститачилар ҳеч қандай сифат сиёсатини

юрғизмаганликлари учун бу каналлар орқали сотилган тамаки ўта паст сифатга эга бўлиб, бу ўзбек тамакиси имиджининг унинг асосий истеъмолчиси бўлган МДХ бозорида тушиб кетишига ва бозорни бошқа рақобатчи ишлаб чиқарувчилар томонидан эгалланишига олиб келди. Бундан ташқари, бозордаги ноаниқликлар ва хўжаликлар томонидан қўлланилган маъмурий жазо чоралари тамакикорларда моддий манфаатдорлик туйғуси пасайишига олиб келди. Бунинг натижасида тамаки ҳосилдорлиги ва унинг сифати кескин пасайиб кетди.

Юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб, «ЎзБАТ» қўшма корхонаси тамаки ишлаб чиқариш ва тайёрлаш бўлими томонидан етиштирилган тамаки барги учун тўловнинг янги тизимини ишлаб чиқди. Ушбу ғоя Ўзбекистон Ҳукумати томонидан қўллаб қувватланиб, 11 декабр 1995 йилда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 21-сон «Хўжалик аъзоларига топширилган тамаки учун ҳақ тўлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул килинди. Барча томонлар, шу жумладан, Марказий Банк, «Пахтабанк» ва «Халқ банки» иштирокидаги келишув шартномаси 1997 йил августида имзоланди ва 1997-1998 экин мавсумидан бошлаб ушбу тизим иш бошлади. Кейинчалик, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15 ноябр 1999 йил 496-сонли «Тамаки саноатини ривожлантиришга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва 29 август 1999 йил 428-сонли «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контракция шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисидаги» қарорига асосланиб ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2000 йил 6-январда № 866 билан руйхатдан ўтган «ЎзБАТ» ҚКга топширилган тамаки барги учун ҳисоблар тартиби» бўйича қайта тасдиқланган ва амал қилиб келаётган тизим бўйича топширилган тамаки барги учун тўлов амалга оширилмоқда.

Ушбу тартибга биноан қишлоқ хўжалик йилининг бошланишидан олдин фермер, деҳқон ва ширкат хўжаликлари «ЎзБАТ» ҚКси билан тамаки барги топширувчининг маълум тамакини тип, нав ва миқдордаги хом ашёни

топшириш мажбурияти билан тасдиқланган контракция шартномасини тузадилар. Контракция шартномасида сотиб олинган тамаки баргининг қийматидан 60% ширкат хўжалиги, фермер хўжалигининг депозит ҳисоб рақамига, қолган 40%и эса тамаки топширган шу хўжалик аъзосининг Халқ банкидаги шахсий ҳисоб рақамига ўтказиши назарда тутилади. Тамаки барги юридик шахс ҳуқуқий лаёқатидан ташқари бўлган деҳқон хўжалигидан сотиб олинган тақдирда, улар ва «ЎзБАТ» ҚК ўртасида белгиланган тартибга кўра шартнома тузилади. «ЎзБАТ» ҚКси тамаки барги топширувчиларни уларнинг хўжаликлари орқали олдиндан зарур бунак воситалари, керакли миқдордаги қадоклаш, экиш ва ёрдамчи моддий воситалар билан таъминлашни ўз зиммасига олади, уларни қиймати тамаки топшириш даврида ҳисобга олинади. «ЎзБАТ» ҚК томонидан тамаки етиштириш билан шуғулланувчи ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликлари билан ўзаро тузилган контракция шартномасида келишилган график бўйича Республикада белгиланган Давлат стандартларига биноан тамаки қабул қилиши амалга оширилади. Тамаки етиштириш билан шуғулланувчи ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликлари тамаки барги топширувчиларни улушидан тамаки барги ўстириш ва йиғиш учун уларга ҳақиқатдан берилган бўнаклар ва қадоклаш ҳамда ёрдамчи моддий воситаларни қийматини чегириб олади. Даромад солиғини ҳисобланиши ва унинг бюджетга ўтказилиши ҳамда бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловлар ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан амалга оширилади.

«ЎзБАТ» ҚКси тамаки барги қабул қилингандан сўнг 3 кун ичида ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликларидан кунлик ҳисоботларни ва умумий тўлов қайдномаларини келиш суръатига кўра ўзига хизмат кўрсатадиган банкга сотиб олинган тамаки учун ўтказилган пул миқдорлари ҳақида тўлов ҳужжатларини бир ойда камида икки марта жўнатади. Бунда:

– тамаки етиштириш билан шуғулланувчи ширкат, деҳқон, фермер хўжаликлари ҳисоб рақамларига-60%;

– тамаки топширувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари аъзолари (оилалар)нинг Халқ банкидаги жамғарма шахсий ҳисоб рақамларига-40% жўнатиш услубидан фойдаланилади.

«Паспорт тизими» номини олган ушбу тизим (тамаки етиштирувчи пудратчиларга тўловни амалга оширишда асосий ҳужжат сифатида паспорт қўлланилади) кўнгилли бўлиб, тамакикорлар етиштирган маҳсулоти учун тўловни хўжаликлар орқали ҳам олишлари мумкин. Агар тизим жорий қилинган дастлабки йилда 39% тамакикорлар ушбу тизимдан фойдаланган бўлса, кейинги йилда тамаки етиштирувчи оилаларнинг 83%ига «паспорт тизими» орқали тўловлар амалга оширилди. Бунинг натижасида 1998-1999 экин мавсумида хўжаликлар томонидан тамаки сотиш шартномавий режалари туман бўйича бажарилди.

Тўғридан тўғри тўлов («паспорт») тизимининг қўйидаги устунликлари мавжуд бўлиб, улар вақт синовидан ўтган:

- тамаки хом ашёси ишлаб чиқарувчиларни юқори сифатли мўл ҳосил етиштиришга ундайди, чунки улар етиштирган ҳосиллари учун тўловни қисқа муддатда ва тўлиқ олишади;
- тизим тамаки етиштиришга бўлган моддий манфаатдорликни ошириш имконини беради;
- тамакикорлар етиштирган ҳосилларини расмий канал орқали сотади ва бунда хўжаликлар ҳам ўз улушларини олади;
- тизим тамакикорларга ўзи хоҳлаган вақтда ўз транспорти билан тайёрлаш пунктларига етиштирган тамаки баргларини олиб келиб топширишига имкон беради. Бу ўз навбатида хўжаликларга тамакини қабул пунктларига етказиш билан боғлиқ транспорт харажатларини тежаш имконини беради;
- ушбу тизим тамакикорларга ўзлари хўжаликлар ичида кичик бизнес бирлиги сифатида фаолият юритиш имконини бериб, бозор иқтисодиёти


устунлик ва имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш ҳамда деҳқонда ерга ва ўз мулкига бўлган эгалик ҳиссини уйғотади.

Ҳозирда тамаки хом ашёси бозорининг асосий камчилиги бу бозорнинг юқори даражада монопсонлашганлигидир. Сўнгги 10 йил давомида, баъзи йилларда эпизодик равишда пайдо бўлган воситачи фирма ва ташкилотларни ҳисобга олмаганда, маҳаллий бозорда етиштирилган тамаки баргининг асосий харидори бу «ЎзБАТ» қўшма корхонасидир. Корхона томонидан юқорида келтирилган бир қанча ижобий ишлар ва тадбирлар амалга оширилиб келишига қарамасдан, унинг бозордаги яккаҳокимлиги бозор иқтисодиёти талабларига зиддир. Тамаки хом ашёсини тайёрлаш ва дастлабки қайта ишлашда рақобатчи корхоналарнинг ривожланиши республика аграр мажмуасининг тамакичилик тармоғи самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Тамаки бозорини ривожлантириш борасидаги АҚШ тажрибаси эътиборга молик. Жумладан, АҚШда фермерлар томонидан етиштирилган тамаки барги 150 га яқин савдо уйларида аукционлар орқали сотилади. Ушбу савдо уйлари одатда бир қаватли омбор типигаги бинолар бўлиб, уларнинг дастлабкиси Вирджиния штатида 1863 йилда ташкил этилган. Бу бинода тамаки тойлари давлат назоратчиси томонидан тортилади ва навларга сараланади ҳамда савдога қўйилади. Аукцион кўринишида амалга ошириладиган савдода сотувчи сифатида фермерлар ёки уларнинг вакиллари иштирок этса, харидор сифатида тамаки қайта ишлаш корхоналари, тайёрловчилар, тамаки экспортёрлари ва воситачилар қатнашади. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, бозорда кўп сонли воситачилар мавжудлиги нархларнинг кескин тебраниб туришини олдини олади ва тамаки хом ашёсини етиштирувчи ва тайёрловчиларни нарх ўзгариши билан боғлиқ таваккал даражасини пасайтиради.


Ушбу тизимни юқорида келтирилган тамакига тўғридан тўғри ҳақ тўлаш тизими билан ҳамоҳанг қўллаш тамакичилик хўжаликларида моддий

манфаатдорлик даражасини, натижада эса маҳсулот сифати ва ҳосилдорлигини ошишига олиб келиб, тармоқ самарадорлигини ошири имконини беради.




Бу ерда:

Тамаки барги



Тамаки барги учун тулов



3-расм. Хўжаликлар томонидан етиштирилган тамаки баргини сотиш буйича таклиф қилинаётган модел

АҚШ савдо уйлари ва «ЎзБАТ» қўшма корхонасининг тўғридан тўғри тўлов тизими («паспорт» тизими) тажрибасидан келиб чиққан ҳолда республикамызда юқоридаги тамаки хом ашёсини сотиш тизимини тавсия этиш мумкин (2.3-расм).

Бунда ҳозирда амал қилаётган шартнома асосида тамаки етиштириш ва сотиш тизими сақланиб қолинган ҳолда бунга қўшимча равишда янги, аукцион кўринишидаги бозор шакли таклиф этилади. Ушбу аукционда ширкат хўжаликлари таркибида фаолият юритаётган пудратчи оилалар билан бир қаторда мамлакатимиз ҳукумати томонидан кенг миқёсда қўллаб қувватланаётган фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳам иштирок этишлари мумкин бўлади. Бунда, аукционлар қошидаги ҳисоб бўлимлари ширкат хўжаликлари аъзолари сотган тамаки барги учун тўловни икки қисмга бўлиб тўлашлари кўзда тутилади.

Ушбу моделни қўллашдан келадиган иқтисодий самара қўйидагиларда намоён бўлади:

- тамаки барги бирламчи бозорида эркин рақобат муҳитини вужудга келтиради;
- ушбу тизим воситасида йирик фермер хўжаликларига ижара пудрати асосида тамаки етиштириш имконини беради;
- тамакикорлар ўзлари ҳоҳлаган вақтда етиштирган маҳсулотларини сотиш имкониятига эга бўлади;
- савдо уйларидаги эркин, қонуний савдо тамаки етиштиришни республиканинг бошқа ҳудудларида, айниқса «Измир» навини етиштириш учун қулай бўлган унумдорлиги паст, лалми ҳамда шартли суғориладиган ерларда етиштиришни кенг миқёсда тарқалишига имкон беради.

2.3. Тамаки ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини ҳозирги аҳволи

Маълумки, тамаки ишлаб чиқариш ва сотиш иқтисодий самарадорлиги даврийлик ва табақали шаклда ташкил топади. Шунинг учун тамакичилик соҳасини иқтисодий аҳолини таҳлил қилиш даврий динамик ўзгаришларни ўрганишдан бошланиши лозим.

Ўзбекистон тамакичилиги соҳасининг асосий қисми жойлашган Зарафшон водийсида тамаки етиштириш рентабеллиги узоқ йиллар давомида турлича ўзгаришга эга бўлган (2.7-расм).

2.7-жадвал

Зарафшон водийси хўжаликларида тарихий даврларда тамаки ишлаб чиқариш рентабеллиги даражаси динамикаси

Кўрсаткичлар	1976-1980 йиллар	1981-1985 йиллар	1986-1988 йиллар	1989-1990 йиллар
Ҳосилдорлик даражаси, ц/га	31,5	36,7	36,6	36,8
Бир ц. таннархи, сўм (рубль)	221,47	337,05	329,74	334,14
Бир центнернинг ўртача сотиш баҳоси, сўм	311,62	458,71	437,89	438,14
Бир центнернинг меҳнат сиғими, киши-соат	124	142	183	186
Бир га ҳисобига фойда, сўм	2840	4538	3958	3827
Рентабеллик даражаси, %	40,7	36,6	32,7	31,1

Манба: Кучимов Х.Э. Повышение региональной экономики табачного комплекса.-Т.: -Мехнат. -1990. – 24 б.

Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, тамаки ҳосилдорлиги 1976-1980 йилларда 31,5 центнерни ташкил қилган бўлса, ундан кейинги 10 йил давомида, яъни 1981-1990 йилларда деярли ўзгармаган (36,7-36,8 центнер атрофида сақланган). Бошқа иқтисодий кўрсаткичларда ҳам худди шунга яқин ўзгаришлар содир бўлган. Яъни, 1 центнер тамаки таннархи 1976-1980 йилларда 221,47 сўмни ташкил қилган бўлса, 1981-1990 йилларда 337,05 сўмдан 334,14 сўмга ёки 2,91 сўмга пасайган. Бир центнер тамакининг ўртача сотиш баҳоси 1976-1980 йилларда 311,62 сўмни ташкил этган бўлса,


1981-1990 йилларда 458,71 сўмдан 438,14 сўмга ёки 20,57 сўмга пасайган. Бу пасайиш 4,5% ни ташкил этган

Бу ўзгаришлар пировардида тамакичиликнинг самарадорлик кўрсаткичи рентабеллик даражасида ўз аксини топган. Жумладан, рентабеллик даражаси 15 йил давомида 40,7% дан 31,1%га ёки 9,6 пунктга пасайган.

Республикамизда 1980-1990 йилларда Шарқ типигаги тамаки етиштириш агротехикасини бузган ҳолда, суғориш ва минерал ўғитлар солишни интенсив равишда қўллаш етиштириб келинган «Дюбек» нави маҳсулотини сифат кўрсаткичи пасайиб кетишига олиб келган ва натижада ички ва ташқи бозорда мазкур хом ашёга бўлган талаб кескин пасайган. Талабнинг пасайиши ва ортиқча хом ашёнинг тўпланиб қолиши «Дюбек» нави тамакиси баҳосини пасайиб кетишига сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида тамаки етиштирувчи оилалар моддий манфаатдорлиги ва натижада тамакичилик самарадорлигини пасайишига олиб келди.

Сўнгги йилларда тармоқда тамаки хом ашёси харид баҳолари амалда монопсон харидор бўлган “ЎзБАТ” қўшма корхонаси томонидан ўрнатилмоқда. Агар “Дюбек” нави учун товар навлари бўйича баҳолар табақалануви тарихий мутаносибликда давом этиб келаётган бўлса, “Измир” навида товар навлари харид баҳолари ўртасида кескин табақаланиш мавжуд. Бу корхонанинг маҳсулот сифат даражасини яхшилашга ва экспортбоп бўлган юқори товар навлар салмоғини оширишга интилиши билан асосланади. Қўйидаги расмда 1996-2005 йилларда “Дюбек” ва “Измир” навлари ўзгариш динамикаси келтирилган (2.4-расм). Ушбу расмдан кўриниб турибдики «Дюбек» ва «Измир» навлари харид баҳолари ва уларнинг динамикаси ўртасида сезиларли фарқ мавжуд. Агарда 2005 йилда 1997 йилга нисбатан «Дюбек» навидаги 1 кг тамакининг баҳоси 120 сўмдан 770 сўмга ёки 6,4 мартага ошган бўлса, худди шу даврда «Измир» нави тамакисининг баҳоси 220 сўмдан 2300 сўмга ёки 10,4 мартага ошган, яъни иккала нав харид

баҳолари усишидаги нисбат қарийб 1,7 ни ташкил этган («Измир» тамаки нави фойдасига).



2.4-расм. Тамаки сотиш баҳолари динамикаси, (1996-2005 йиллар)

Оилавий пудрат асосида фаолият юритаётган тамакичилик хўжаликлари самарадорлик даражасини таҳлил қилишда маржинал даромад таҳлили муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.


Ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, амалиётда тамаки етиштирувчи хўжаликларда пудратчи оилаларда харажатларни ҳисобга олишнинг чек тизими жорий қилинмаган. Хўжалиklar томонидан оилаларга уруғлик, минерал ўғитлар ва қисман шпагат етказилиб берилиб, механизация воситасида ерни тайёрлаш ва қатор ораларига ишлов бериш каби ишлар амалга оширилади. Қолган ишлар, яъни жонли ва буюмлашган меҳнат сарфлари оилалар томонидан амалга оширилиб, тамакичиликда ҳосилдорлик

Тадқиқот давомида корхоналар миқёсида самарадорлик даражасини ўрганишда 1 гектар ер майдонига тўғри келадиган маржинал даромад таҳлилида доимий харажатлар сифатида хўжаликлар томонидан

сарфланаётган жонли ва буюмлашган меҳнат харажатлари олинди. Таҳлил давомида Ургут тумани хўжаликларининг 2001-2004 йиллар тамакичилик тармоғи ўртача кўрсаткичларидан фойдаланилди (2.5 ва 2.6-расмлар).

«Измир» навини етиштиришда доимий харажатлар миқдори 1 гектар экин майдонига 383 минг сўмни ташкил қилиб, пул тушуми чизиғи ушбу чизиқни 2,7 ц/га даражасида кесиб ўтган.

Зарарсизлик нуқтасига 1 гектарга 796 минг сўм ялпи маҳсулот ёки 6,1 ц/га даражасида эришилган. Агар ушбу кўрсаткични «Измир» навини етиштириш технологик харитаси бўйича меъёрий ҳосилдорликда (10 ц/га) ва илғор хўжаликлар кўрсаткилари билан таққослайдиган бўлсак, ушбу навни етиштиришда маржинал даромад потенциалини кўришимиз мумкин.



2.6-расм. Дюбек навидаги тамаки етиштиришда маржинал даромад таҳлили(2001-2004 йиллар)

2.6-расмдан кўриниб турибдики, «Дюбек» навини етиштиришда доимий харажатлар 1 гектарга 349 минг сўмга тенг бўлиб, пул тушуми чизиги доимий харажатлар чизигини ҳосилдорлик 7,4 центнерга тенг нуқтада кесиб ўтган. Хўжаликларида зарарсизлик нуқтасига гектаридан 16,4 центнердан ҳосил олинганда эришиш мумкин. Ушбу ҳосилдорлик даражаси «Дюбек» тамаки навини парваришlashда рентабеллик чегараси ёки зарарсизлик даражаси бўлиб хизмат қилади. Сотилган маҳсулот бўйича ушбу даражадан паст ҳосилдорликка кузатилган корхоналар бозор шароитида фаолият кўрсатишлари мақсадга мувофиқ эмас. Агарда хўжаликлар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни қайсидир даражада йўлга қўйишлари лозимлигини ҳамда маржинал (муқобил) харажатлар қонунига мувофиқ олинган даромадлар дисконтланишини назарда тутадиган бўлсак, ушбу нуқта янада юқорироқга силжийди.

Тамаки ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш, шу мажмуага кирувчи тамакичилик хўжаликларининг 2000-2004 йиллар маълумотлари асосида кўп омилли корреляция таҳлили усули билан шахсий компьютер ёрдамида тадқиқ қилинди.

Таҳлил қилиш қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилди:

а) Бу масалани тамакининг «Дюбек» навини ишлаб чиқариш жараёни доирасида ечиш учун Самарқанд вилояти Ургут туманининг ихтисослашган ширкат хўжаликларининг маълумотларидан фойдаланилди. Тамакичиликда фойдага таъсир этувчи омилларни «Дюбек» навида $x_1, x_2, x_3, x_4, \dots, x_n$ деб, фойданинг ўзини эса $\bar{y}$ деб белгилаб олинди. Унинг натижаларини қўйидаги тенгламалар кўринишида моделлаштириш мумкин:

1. Чизиқли:

$$\bar{y} = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + a_3x_3 + a_4x_4 + a_5x_5 + a_6x_6 \quad (2.1)$$

2. Даражали:

$$\bar{y} = b_0 * x_1^{b_1} * x_2^{b_2} * x_3^{b_3} * x_4^{b_4} * x_5^{b_5} * x_6^{b_6} \quad (2.2)$$

3.Параболик:

$$\tilde{y} = c_0 + c_1 x_1 x_2 + c_2 x_1 x_3 + c_3 x_2 x_3 + c_4 x_4 x_5 + c_5 x_5^2 \quad (2.3)$$

4.Гиперболик:

$$\tilde{y} = d_0 + \frac{d_1}{x_1} + \frac{d_2}{x_2} + \frac{d_3}{x_3} + \frac{d_4}{x_4} + \frac{d_5}{x_5} + \frac{d_6}{x_6} \quad (2.4)$$

(2.1) - (2.4) тенгламаларда келтирилган a_i , b_i , c_i , d_i ($i = 0,1,2,3,4,5,6$) номаълум параметрлар энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб аниқланди.

Тамакичилик фойдасига таъсир этувчи омилларни кўйидагича белгилаймиз:

- x_1 – 1 га экин майдонига ҳосилдорлик, центнер;
- x_2 – 1 га экин майдони ҳисобига меҳнат ҳақи харажатлари, минг сўм;
- x_3 – 1 га экин майдонига тўғри келган моддий сарфлар, минг сўм;
- x_4 – 1 га экин майдонига қилинган меҳнат сарфи, киши кун;
- x_5 – 1 га экин майдонига пул тушуми, минг сўм;
- x_6 – 1 ц. тамаки хом ашёсининг ўртача сотиш баҳоси, минг сўм;

$\tilde{y}$ - 1 га экин майдонига тўғри келадиган фойда, минг сўм.

Берилган омиллар ўртасидаги боғланишларни аниқлаймиз. Омиллар ўртасидаги боғланишларнинг регрессия тенгламалари чизиқли, даражали, параболик ва гиперболик функциялар орқали компьютерда ҳисобланади. Натижалардан, регрессиянинг чизиқли турдаги тенгламаларида 1 гектар ерга тўғри келадиган фойданинг барча омилларга турли даражада боғлиқлиги аниқланди. Бу боғланишда $0,7 < R < 1$ бўлганда боғланиш кучли бўлганлиги учун кўйидаги регрессия тенгламалари олинди. Натижалардан, «Дюбек» нави бўйича регрессиянинг чизиқли турдаги тенглама 1 гектар ерга тўғри келадиган фойданинг барча омилларга бевосита боғлиқлиги кўриниб турибди:

$$y = 6,65 + 0,66x_1 - 5,645x_2 - 0,065x_3 + 0,310x_4 + 0,250x_5 + 7,32x_6;$$

Кўп омили корреляция коэффициенти регрессия тенгламасининг чизиqli шаклида «Дюбек» навида $R=0,7854$, коэффициентнинг ҳаққонийлиги 18,6 га тенг

Илмий тадқиқотда корреляция коэффициентининг иқтисодий моҳиятини аниқлаш мақсадида эластиктик коэффициенти ҳисобланилди. Бунга кўра «Дюбек» навидаги тамаки 1 га экин майдонига тўғри келган моддий сарфларнинг 1 %га камайтирилиши, унинг фойдасини 0,08 % га ёки 413,9 сўмга ошишига, пул тушумининг 1 %га ошиши, 1 га ер майдонидан олинadиган фойдани 0,15 %га ёки 902 сўмга ошишига, шунингдек ҳосилдорликнинг 1 %га ошиши эса 1 га ер майдонидан олинadиган фойданинг 0,11 %га ёки 16 сўмга ошишига олиб келди.

б) Тамакичиликда фойдага таъсир этувчи омилларни «Измир» навида $t_1, t_2, t_3, t_4, \dots, t_n$ деб, фойданинг ўзини эса z деб белгилаб олинди. Бу ерда ҳам, тамакичилик фойдасига таъсир этувчи омилларни қуйидагича белгилаймиз:

- t_1 - 1 га экин майдонига ҳосилдорлик, центнер;
- t_2 - 1 га экин майдони ҳисобига меҳнат ҳақи харажатлари, минг сўм;
- t_3 - 1 га экин майдонига тўғри келган моддий сарфлар, минг сўм;
- t_4 - 1 га экин майдонига қилинган меҳнат сарфи, киши кун;
- t_5 - 1 га экин майдонига пул тушуми, минг сўм;
- t_6 - 1 ц. тамаки хом ашёсининг ўртача сотиш баҳоси, минг сўм;
- z - 1 га экин майдонига тўғри келадиган фойда, минг сўм.

Берилган омиллар ўртасидаги боғланишларни аниқлаймиз. Омиллар ўртасидаги боғланишларнинг регрессия тенгламалари чизиqli, даражали, параболик ва гиперболик функциялар орқали компьютерда ҳисобланди. «Измир» нави бўйича регрессиянинг параболик тенгламасида 1 гектарга тўғри келадиган фойданинг барча омилларга бевосита боғлиқлиги қуйидагича аниқланди:

$$z = 0,877 + 5,4t_1t_2 - 7,03t_1t_3 - 0,098t_2t_3 + 0,06t_4t_5 + 5,76t_5t_6 + 7,98t_6^2 ;$$

Кўп омилли корреляция коэффиценти регрессия тенгламасининг параболик шаклида «Измир» навида $R = 0,8126$, коэффиценти нинг ҳаққонийлиги 3,1 тенг бўлди.

Илмий тадқиқотда корреляция коэффиценти нинг иқтисодий моҳиятини аниқлаш мақсадида эластиктик коэффиценти ҳисобланилди. Эластиклик коэффиценти нинг иқтисодий моҳиятига кўра тамаки «Измир» навида 1 гектарига тўғри келган моддий сарфларнинг 1% га камайтирилиши, унинг фойдасини 0,11 %га ёки 569,1 сўмга ошишига, пул тушумининг 1 %га ошиши, 1 га экин майдонидан олинadиган фойдани 0,23 %га ёки 369,7 сўмга ошишига, шунингдек ҳосилдорликнинг 1 %га ошиши эса 1 га экин майдонидан олинadиган фойданинг 0,18 %га ёки 140,5 сўмга ошишига олиб келди.

2-бўлим бўйича хулоса

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, тамаки Зарафшон водийсида, хусусан, Самарқанд вилоятининг Ургут туманида қарийб 1 асрдан буён саноат асосида етиштирилиб келинади. Республикада етиштирилган тамаки хом ашёсининг асосий қисми ушбу туманга тўғри келиб, туманда тамаки етиштириш учун қулай тупроқ-иқлим шароитлари ва моддий-техника базаси ҳамда шаклланган тамаки деҳқончилиги маданияти мавжуд. Шунингдек, туманда аҳоли жойлашиш зичлигини ҳисобга олган ҳолда, меҳнат сиғими юқори бўлган тамакичиликни ривожлантириш муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, асосан Шарқ типига кирувчи хушбўй тамаки навлари етиштирилади.

Мамлакатимизда тамакичилик тармоғининг ривожланиши тарихи, ҳозирги ҳолати таҳлили шуни кўрсатадики, тармоқда узоқ йиллар давомида асосий эътибор ҳосилдорликни оширишга қаратилгани ва маҳсулот тайёрловчилар томонидан нотўғри сифат сиёсати юргизилиши натижасида экиб келинаётган тамаки навлари ўзининг товарлилик хусусиятини йўқотиб

борган. Бунинг натижасида тамаки экин майдони, ялпи ҳосил миқдори ва ҳосилдорлик даражаси ўтган асрнинг 90-йиллари бошларига қадар ошиб боргани ҳолда ундан кейинги йилларда бу мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларнинг даражаси пасайиши кузатилган.

Тамаки етиштирувчи хўжаликларда ернинг сифатини акс эттирувчи иқтисодий унумдорлигидан самарали фойдаланилаётган бўлса-да, лекин, «Измир» тамаки нави бу нав хусусиятларига ва агротехникасига зид равишда унумдор ерларда етиштирилиши давом этмоқда. Бу нави жойлаштиришни кўриб чиқишни ва унумдор ерларда юқори ҳосил берадиган тамаки навлари ёки бошқа экинларни жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Тамаки етиштирувчи хўжаликлар асосан тамаки ва ғалла етиштиришга ихтисослашган бўлиб, ер ресурслари билан таъминланиш даражаси чегаралангани ҳолда меҳнат ресурслари ортиқчалиги кузатилади.

Тамаки хом ашёсини сотишнинг таклиф этилаётган янги моделида ҳозирда амал қилаётган шартнома асосида тамаки етиштириш ва сотиш тизими сақланиб қолгани ҳолда, бунга қўшимча равишда янги, аукцион кўринишидаги сотиш шаклини жорий қилиш кўзда тутилади. Ушбу аукционда ширкат хўжаликлари таркибида фаолият юритаётган пудратчи оилалар билан бир қаторда республика Ҳукумати томонидан кенг миқёсда қўллаб-қувватланаётган фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳам иштирок этишлари мумкин бўлади. Аукционда хўжаликлар сотган тамаки учун тўловни икки қисмда амалга ошади.

Тавсия этилаётган моделни қўллаш натижасида тамаки барги бирламчи бозорда эркин рақобат муҳити вужудга келади. Тамакикорлар ўзлари хоҳлаган вақтда етиштирган маҳсулотларини сотиш имкониятига эга бўлади. Савдо уйларидаги эркин, қонуний савдо тамаки етиштиришни республиканинг бошқа ҳудудларида, айниқса «Измир» тамаки навини етиштириш учун қулай бўлган унумдорлиги паст, лалми ҳамда шартли

суғориладиган ерларда етиштиришни кенг миқёсда тарқалишига имкон беради.

Корхоналар миқёсида самарадорлик даражасини ўрганишда 1 гектар ер майдонига тўғри келадиган маржинал даромад таҳлилида доимий харажатлар сифатида хўжаликлар томонидан сарфланаётган буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари олинди. Тамакичилик хўжаликлари учун мавжуд ресурслар салоҳиятидан фойдаланиб ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг илғор усулларини қўллаш жараёнида улар фаолиятининг зарарсизлик нуқтаси аниқланди. «Измир» тамаки навини етиштиришда зарарсизлик нуқтасига 1 гектарга 796 минг сўм ялпи маҳсулот ёки 6,1 центнер ҳосилдорликда эришилган. «Дюбек» навида эса бунга 16,4 центнердан ҳосилдорликда эришиш мумкин бўлган. Бу миқдор «Дюбек» нави учун зарарсизлик даражаси бўлиб ҳисобланади.

3. БЎЛИМ. ТАМАКИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРИ ВА ИМКОНияТЛАРИ

3.1. Тамаки ҳосилдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш имкониятлари

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ишлаб чиқаришнинг, табиий-иқлим; ташкилий-иқтисодий; агротехник; технологик шарт-шароитлари таъсирини ўзида мужжасамлаштирган умумлаштирувчи кўрсаткич ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг айрим омилларининг экинлар ҳосилдорлигига бевосита таъсирини маълум даражада миқдор жиҳатдан ҳисобга олиш имконияти бўлса-да (ўғитлар, сув таъминоти, янги нав, уруғлик, ерга ишлов бериш ва ҳ.к.), лекин, бошқалари экинлар ҳосилдорлигига билвосита таъсир этганлиги учун уларнинг таъсирини бевосита миқдор жиҳатдан ҳисобга олиши анча қийин (меҳнатни ташкил қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишларни ўз вақтида ўтказиш ва ҳ. к.).

Бундан ташқари ҳосилдорликка таъсир этувчи омилларнинг ҳар бири ўзи алоҳида таъсир этмасдан, балки ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирган ҳолда таъсир этгандагина юқори натижа беради. Экинлар ҳосилдорлиги даражасига табиий омиллар ҳам катта таъсир кўрсатади.

Режали иқтисодиётга асосланган собиқ Иттифоқ даврида тамакичиликда асосий самарадорлик кўрсаткичи - ҳосилдорлик ҳисобланган. Ҳосилдорлик ошиши суғоришлар сонини ошириш ва минерал ўғитларни меъёридан ортиқ қўллаш ҳисобига амалга оширилган бўлиб, бу тадбирлар Шарқ типигаги тамаки етиштириш агротехникаси қоидаларига жаво бермайди.

Агротехника бузилиши натижасида тамаки экин майдони ва ялпи ҳосили йилдан-йилга ошиб боргани ҳолда маҳсулот сифати пасайиб борган. Натижада эса 80-йиллар давомида хўжаликларда экиб келинган тамакининг “Дюбек” ботаник нави ўзининг асосий товарлилик белгиси бўлган

хушбўйлик сифатини йўқотди. Суғоришлар сонини кўпайтириш ва минерал ўғитлар чиқариш орқали юқори ҳосил олиш тамаки етиштирувчи оилаларда тамаки деҳқончилиги маданиятини бузилишига олиб келиб, Шарқ типигаги тамаки етиштириш технологиясига риоя қилмаслик 2000-йилларнинг бошларига қадар ҳам оммавий равишда кузатилиб, ҳозирги кунда ҳам қисман учрамоқда.

Марказий Осиё мамлакатларида тамаки ишлаб чиқаришнинг динамикаси таҳлили шундан далолат берадики, бу даврда тамаки билан банд бўлган майдонлар барча давлатларда сезиларли камайган (3.1-жадвал).

3.1-жадвал

Марказий Осиё давлатларида тамаки ишлаб чиқариш ва унинг ҳосилдорлиги

Республика-лар	Экин майдони, (минг га)				Ҳосилдорлик, (ц/га)			
	1976- 1980 йй.	1981- 1985 йй.	1986- 1990 йй.	1999- 2001 йй.	1976- 1980 йй.	1981- 1985 йй.	1986- 1990 йй.	1999- 2001 йй.
Ўзбекистон	9,3	9,8	8,9	6,7	29,6	36,9	38	33,3
Қирғизстон	14,5	22,6	19	12	22,2	25,6	26,3	25,0
Тожикистон	3,9	3,9	3,8	3,3	30,1	30,6	29,3	24,2
Қозоқистон	6,4	6,4	5	4,4	16,5	13,4	15,2	18,5

Манба: Кучимов Х.Э. Повышение региональной экономики табачного комплекса.

-Т.: Меҳнат.-10 б.

Тамаки экин майдонлари камайиши Ўзбекистонда 2,6 минг гектарга, Қирғизистонда-2,5, Тожикистонда-0,5 ва Қозоғистонда 2,0 минг гектарга камайиб борган. Ялпи ҳосилнинг кўпайиши асосан ҳосилдорлик ошиши ҳисобига (Тожикистондан бошқа) амалга ошган. Бу кўрсаткич мос равишда барча давлатларда деярли бир хил, яъни 12,1-12,6 %га ошган. Тожикистонда эса -19,6 %га камайган.

Таъкидланганидек, гарчи тамакичиликда ҳосилдорлик ошиши биологик навлар бўйича кескин тафовут қилса ҳам, лекин баъзи бир биологик

хусусиятлари бир вақтнинг ўзида ҳам серҳосил ва ҳосилдорлиги нисбатан пастроқ тамаки навларини экишни тақозо қилади.

Қўйида Ургут тумани хўжаликларини «Дюбек» ва «Измир» тамаки навлари ҳосилдорлиги бўйича гуруҳлаш маълумотлари берилган (3.2-расм).

3.2-жадвал

Тамаки ҳосилдорлиги бўйича гуруҳлаш ва унинг самарадорликка таъсири (2000-2004 йй.)

Тамаки ҳосилдорлиги бўйича гуруҳлаш, ц/га	Гуруҳдаги хўжаликлар сони	Ҳосилдорлик, (ц/га)	Меҳнат унумдорлиги, ц/100 киши кун	1 ц. танархи, (минг сўм)	Ш.ж. меҳнат хақи, (минг сўм)	1 центнер сотиш баҳоси, минг сўм	1 ц. ҳисобидан ўртача фойда (зарар)	Рентабеллик (зарарлилик) %
«Дюбек» тамаки нави бўйича								
I гуруҳ: 14,6 гача	9,0	10,8	0,371	77,2	43,7	41,2	-36,0	-46,6%
II гуруҳ: 14,7-22,4	6,0	18,7	0,629	60,3	31,0	42,2	-18,1	-30,0%
III гуруҳ: 22,5-30,1	7,0	25,3	0,655	54,4	32,7	41,3	-13,1	-24,1%
«Измир» тамаки нави бўйича								
I гуруҳ: 8,2 гача	5,0	8,0	0,612	116,9	71,4	129,5	12,6	10,8%
II гуруҳ: 8,3-9,5	3,0	8,7	0,613	80,3	50,0	134,2	53,9	67,2%
III гуруҳ: 9,6-11,0	4,0	10,7	0,606	105,4	46,0	138,4	33,0	31,3%

Манба: Ургут тумани ширкат хўжаликлари маълумотлари асосида.

Тумандаги мавжуд хўжаликлар узоқ йиллар давомида тамакининг «Дюбек» навини етиштириб келганлар. Шундай бўлишига қарамасдан, бу нав бўйича ҳосилдорлик анча табақалашган. Рақамлар шуни тасдиқлайдики, ҳосилдорликнинг ошиб бориши меҳнат унумдорлигининг ҳам ошиши билан бир вақтда юз берган бўлиб, унинг замирида деҳқончилик тизими талабларига амал қилишдек муҳим илмий-амалий мутаносиблик ётади. Бу эса ўз навбатида маҳсулот таннархининг пасайишига олиб келади.

Жумладан, тамаки ҳосилдорлиги 10,8 центнерни ташкил этган 9 та хўжаликда меҳнат унумдорлиги 0,371 ц/киши-кунни ва 1 ц. маҳсулот

таннархи 77,2 минг сўмни ташкил қилган бўлса, ҳосилдорлиги 25,3 центнер бўлган 7 та хўжаликда меҳнат унумдорлиги қарийб 2 баробарга ортиқ, 1 ц. маҳсулот таннархи 22,8 минг сўмга ёки 29,5% га пастдир. Лекин, бу нав бўйича сотиш баҳолари даражаси анча паст бўлганлиги учун, яъни 1 ц. учун ўртача 41-42 минг сўм, барча хўжаликлар фаолияти зарар билан якунланган. Зарарлилик даражаси 2 баробарга тафовут қилади.

Таъкидланганидек «Измир» тамаки навининг ҳосилдорлиги «Дюбек» навига нисбатан пастроқ бўлиб, уни етиштирадиган 12 та хўжаликда тафовут бор йўғи 2,7 ц/га ни ёки 33,7% ни ташкил қилади. Бу навда ҳосилдорлик ошиши бир хил меҳнат унумдорлиги даражасида олинган, лекин маҳсулот таннархи, ҳосилдорлиги 8,0 центнер бўлган 5 та хўжаликда 11,5 минг сўмга ёки 9,8% га паст бўлган. «Измир» навида сотиш баҳолари юқорилиги хўжаликлар фаолиятининг фойда билан якунланганлигидан далолат беради.

Ўртача сотиш баҳоси ҳосилдорлик ошиб бориши билан 1 ц. ҳисобига 129,5 минг сўмдан 138,4 минг сўмгача ёки 6,9% атрофида тебраниб турган. Ҳосилдорлик ошиб бориши билан хўжаликлар фаолиятининг рентабеллик даражаси ҳам ошиб борган ва I гуруҳдаги 10,8 % дан III гуруҳдаги 31,3 % га ўзгарган.

Умуман, хўжаликларда тамаки ҳосилдорлигининг нав ва гуруҳлар бўйича таҳлили қўйидаги хулосаларни юзага келтиради:

- ишлаб чиқарилаётган иккала тамаки навида ҳам ҳосилдорликнинг ошиб бориши, таннархнинг пасайишига олиб келган. Бу рақам «Дюбек»да – 29,5%, «Измир»да -9,8% бўлган;

- таннархни пасайтириш иккала навда ҳам асосан меҳнат ҳақини пасайтириш ҳисобига амалга оширилган, яъни «Дюбек»да -25,2% га ва «Измир»да -35,6% га;

- тамаки етиштириш иқтисодиётини ривожлантириш меҳнат унумдорлигини ошириш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Тамаки меҳнатни кўп талаб қиладиган экин бўлганлиги учун меҳнат

унумдорлиги пастлиги ишларни механизациялаш даражасининг пастлиги билан тавсифланади.

Тамаки ҳосилдорлиги ва хом ашё сифатини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири бу тамаки етиштириш технологиясини такомиллаштириш ҳисобланади.

Маълумки, ферментланган тамаки барглари хом ашёнинг кимёвий таркиби билан аниқланадиган сифат кўрсаткичлари даражаси билан баҳоланади. Бу кўрсаткичлар асосан тамаки етиштириш технологияси ва таъкидланганидек, тупроқ-иқлим шароитлари билан белгиланади. Ташқи шароитлар ва агротехника таъсири остида тамакининг асосий морфологик белгилари (ўсимлик баландлиги, барглар катталиги, уларнинг сони ва ҳ.к.), кимёвий таркиби ва тамаки хом ашёсининг товарлилик хоссалари ўзгаради.

Тамакининг ташқи шароитга бўлган талабчанлиги уни фақат маълум типдаги тупроқ ва тупроқ-иқлим шароитларида етиштириш имконини беради. Тамаки етиштиришга ярайдиган тупроқ енгил механик таркибга ва ғовак тузилишга эга бўлиши зарур. Хушбўй типдаги тамаки баргларининг шаклланиш ва етишиш давридаги мақбул ҳарорат 24-28 С⁰ ташкил этади.

Зарафшон водийси тамакичилик хўжаликлари бу шароитларга етарли даражада эга бўлиб, тамаки ҳосилдорлиги ва хом ашё сифати асосан тамаки етиштириш технологияси ва агротехника даражаси билан белгиланади.

Ҳозирда, республика тамакичилик хўжаликларида саноат асосида «Дюбек» типдаги тамаки кенг миқёсда 1963 йилдан бошлаб етиштирилиб келиниб, асосан «Дюбек-2898» нави районлаштирилган.

Мавжуд технологияга кўра тамаки кўчат услубида етиштирилиб, бунда ҳосил миқдори ва олинадиган тамаки хом ашёси сифати кўп жиҳатдан тамаки кўчатини экиш муддати ва қалинлигига боғлиқ. Бу муаммо Самарқанд вилояти Ургут тумани хўжаликлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, хўжаликлар кўчат экишнинг оптимал муддатларига риоя қилмаслиги натижасида доимий равишда сезиларли йўқотишларга дуч келишмоқда.

Қўйидаги 3.3-жадвалда тамаки кўчати экиш муддатларининг самарадорлик даражаси ва кўрсаткичларига таъсири келтирилган бўлиб, кейинги жадвалларда «ЎзБАТ» қўшма корхонаси илмий-тадқиқотлари натижалари ҳамда Ургут тумани тамаки етиштирувчи хўжаликлари иқтисодий маълумотларидан фойдаланилди.

Ҳозирда туманда тамаки кўчатларини далага кучириб ўтқозиш майнинг иккинчи ўн кунлигида бошланиб, июннинг иккинча ўн кунлигида яқунланмоқда. Лекин, бу даврда ҳаво ва тупроқ ҳарорати кескин кутарилиб, ҳавонинг нисбий намлиги 30% гача ва тупроқнинг ҳайдаладиган қатлами намлиги даражаси 9-10% гача пасаяди. Бундай шароитларда тамаки кўчатининг тутувчанлиги пасайиб, кўчатлар сийраклашади ҳамда ривожланишдан орқада қолиши натижасида барглارнинг етишиш муддатлари чўзилади. Булар эса ўз навбатида, тамаки ҳосилдорлиги ва хом ашё сифат кўрсаткичларини сезиларли даражада пасайтиради.

3.3-жадвал

Тамаки экиш муддатларининг ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигига таъсири (Ургут тумани Иттифок номли ш-х) (2003 йил)

Кўрсаткичлар	Тавсия бўйича	Амалда	Фарқи	Тавсия бўйича	Амалда	Фарқи
	«Дюбек» нави			«Измир» нави		
Экиш муддатлари	20,04	10,05-20,06	х	10,04	10,05-20,06	х
Ҳосилдорлик, ц/га	37,8	10	27,8	13,3	5,6	7,7
Сифатли маҳсулот салмоғи, % (I ва II нав)	77,5	70,7	6,8	53,7	4,9	48,8
1 га пул тушуми, минг сўм	2075,5	537,3	1538,3	2,0	736,9	1545,2
Бир гектарга олинган қўшимча:						
Центнер	27,8	х	х	7,7	х	х
Сўм	1538,3	х	х	1545163	х	х
Шу жумладан:		х	х		х	х
Ҳосилдорлик ошиши ҳисобига	1484682	х	х	1005576	х	х
Сифат ўзгариши ҳисобига	53585,7	х	х	539586	х	х
Харажатлар рентабеллиги, %	56,4	11,2	45,2 п.	58,4	24,4	34 п.

Манба: «ЎзБАТ» ҚК ва Ургут тумани Иттифок ш-х маълумотлари асосида

Тамакини оптимал агротехник муддатларда экишни ташкил қилиш мавсум давомида қўшимча иш кучини талаб қилади. Лекин, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган Ургут тумани шароитида бу муаммо сезилмайди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, тамаки кўчатини далага ўтқазишнинг амалда қўлланилиб келинаётган муддатлари самарадорлик даражасига салбий таъсир кўрсатган.

Тамаки кўчатларини эртароқ экишнинг афзаллиги шунда намоён бўладики, юқорида айтганимиздек 20 апрелда экилган «Дюбек» тамаки навининг ҳосилдорлиги ундан 40 кун кейин экилган тамакига қараганда 14,0 центнер ёки 158,8% га ва шунингдек юқори товар навлар чиқиши ҳам мос равишда 30,4 пунктга кўп. Ўз навбатида сифатли маҳсулотнинг кўпайиши тамаки етиштирувчи хўжаликларга катта молиявий имкониятлар яратиб беради. Шундай қилиб, бир гектар ерга тўғри келган фойда 748,06 минг сўмни ташкил этиб, бу кеч экилган тамакининг бир гектар ерга тўғри келган фойдасидан 437,9 минг сўмга ёки 2,4 мартага кўпдир.

Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, «Дюбек» типигаги тамаки кўчатларини далага ўтқазишни апрел ойининг иккинчи ўн кунлигида ташкил этилганда ҳосилдорлик 37,8 центнерга ва 1-2 нав хом ашё чиқими 77,5% га ортиб, рентабеллик даражаси 56,4 % ни ташкил этган.

«Измир» типигаги тамаки кўчатларини эртароқ далага кучириб ўтқазишда самарадорлик даражаси кескин ошиши аниқланди. Экишни апрель ойининг 1-ўн кунлигида ўтқазиш ҳосилдорлики 13,3 центнерга (кеч экилганидан 4,5 центнерга кўп), юқори навлар чиқишини 31,6 дан 53,7% га ошириш имконини беради. Бу навда 1 га ерга тўғри келган фойда мос равишда 355,2 минг сўмдан 841,2 минг сўмга, яъни 486,0 минг сўмга ёки 2,4 мартага кўп олинган. Натижада рентабеллик 41,8 дан 58,4% га ёки 16,6 пунктга ошган.

Бунда хўжаликларда оилалар томонидан тамаки экишни олдинроқ амалга оширишни ташкил этиш учун ерни экишга тайёрлаш ишларини ўз

вақтида, қатъий график ҳамда оилалар буюртмалари асосида ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Маҳсулот сифатининг умумий натижага кўрсатадиган ижобий таъсири таҳлили қўйидагича хулоса қилиш имконини беради:

- энг аввало иккала тамаки навида ҳам кўчатларни эртароқ, яъни белгиланган вақтда ўтқозиш унинг сифатини яхшилашга ёки юқори навли тамаки барги салмоғининг кўпайишига олиб келади;

- кўчатларни ўз вақтида экиш тамаки ҳосили ортишини таъмин этади. Кузатиш натижалари кўрсатишича, эрта экилган «Дюбек» навида бу ўсиш суръати 73,5% ва 58,0% ни ташкил этган бўлса, «Измир» навида эса мос равишда 57,8% ва 36,4% ни ташкил этган;

- маҳсулот сифатининг яхшиланиши баҳоси ошишига самарали таъсир кўрсатган. Яъни бир центнер тамакининг сотиш баҳоси биринчи ўн кунликда 171,6 минг сўмни ташкил этган бўлса, кечкисида 136,9 минг сўмга тенг бўлган;

- маҳсулот бирлиги таннархининг ўсиш суръатидан қатъий назар бир гектар ҳисобига олинган фойдада ижобий натижа бўлган ва бу рентабелликни оширишга олиб келган.

3.4-жадвал

Тамаки экиш схемаларининг ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигига таъсири (2003 й.)

Кўрсаткичлар	«Дюбек» нави		«Измир» нави	
	Тавсия этилаётган: 60х7	Хакикатда хўжаликда (схемасиз)	Тавсия этилаётган: 30х7	Хакикатда хўжаликда (схемасиз)
Ҳосилдорлик, ц/га	52,6	33,7	13,2	6,2
Юқори навлар чиқиши, салмоғи, (%)	83,8	41,1	32,7	3,6
Бир га пул тушуми, сўм	2980833,2	1582672,5	2231982,7	778892,7
Бир гектарга қўшимча:				
Центнер	18,9	х	7	х
Сўм	1398160,6	х	145390,0	х
Харажатлар рентабеллиги, (%)	41,6	18,3	31,7	-13,1

Манба: «ЎзБАТ» ҚҚ ва Ўргут тумани Хамза номли ш-х маълумотлари асосида.

Ҳозирги пайтда туман хўжаликларида «Дюбек» типдаги тамаки 60x13-60x15 см схемада экиб келинмоқда. «ЎзБАТ» қўшма корхонаси ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижаларидан кўриниб турибдики, энг юқори самарадорлик даражасига 60x7 см схемада кўчат экилганда эришиш мумкин бўлган (3.4-расм).

Тамаки меҳнатни кўп талаб қиладиган экин бўлганлиги учун экиш схемасини тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади.

«Дюбек» нави экиш схемалари маълумотлари таҳлилидан шундай хулоса қиламиз:

- кўчатлар зичлиги, яъни уларнинг энг кам ораликда экилиши бир гектар ҳисобига умумий кўчатлар сонининг кўпайиши ва пировард натижада ҳосилдорликнинг 15,1 ц/га (60x15 га нисбатан) ёки 40,3 % га ошишига олиб келади.

- юқори нав чиқишини ҳам мос равишда 7,3% га оширишга сабаб бўлган.

- навнинг яхшиланиши, унинг сотиш баҳоларининг ошишида яққол кўринади, яъни 1 кг тамакининг ўртача сотиш баҳоси 566,7 сўмни ташкил этган бўлиб, у 20 сўм ёки 3,7 %га кўпдир.

- бир гектарга қилинган харажатлар ўсиш суръатидан (1,321) бир гектардан олинган ялпи пул тушумининг ўсиш суръатининг (1,455) тезлиги ҳисобига, мос равишда бир гектар ердан олинган фойда 3 баробарга яъни 630570,4 сўмга ошиб, рентабеллик даражаси 41,6% ни ташкил қилган.

Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, «Измир» тамаки навини парваришlashда самарадорлик даражаси кўчат қалинлашган сари ва суғоришлар сонининг камайиб боришига мутаносиб равишда ошиб боради. Энг юқори самарадорлик даражасига 30x7 см экиш қалинлигида ҳамда суғорилмасдан етиштирилганда эришилган ва бунда ҳосилдорлик 13,2 центнерни, юқори сифатли маҳсулот салмоғи 32,7% ни ташкил қилган. Бунда ҳосилдорлик 1 ва 2 марта суғоргандагига нисбатан бирмунча паст бўлса-да, юқори сифатли

махсулот салмоғи ошиши ҳисобига (20,3% ва 12,4%) 1 центнернинг ўртача сотиш баҳоси нисбатан юқори бўлган (169089,6 сўм). Рентабеллик даражаси амалдаги -13,1%дан 31,7% га ошган.

«Измир» тамаки навининг ўзига хос хусусиятларини биз юқорида кўриб чиққан эдик. Бу жиҳатлар экиш схемаларида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, улар қўйидагилар:

- «Дюбек» навида қатор оралиғи бир хил бўлган ҳолда, кўчатлар калинлиги орқали самарадорликка эришиш кўзда тутилган бўлса, «Измир»да кўчат оралиғи ўзгармаган ҳолда қатор оралиғини қисқартириш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш мумкин, яъни 30х7 схемада ҳосилдорлик 3-4 центнерга ошган.

- экиш схемаси ўз навбатида маҳсулот сифатига ҳам ижобий таъсир этиб, олий нав чиқиши мос равишда 5-6 марта ошган;

- олинган пул даромади ўртача 1 гектарга (50 х 7 га нисбатан) 1104986 сўмга ёки 2 баробарга ошган;

- пул даромадида ўсиш суръати билан харажатлар ўсиш суръат орасидаги сифат ўзгаришлар ҳисобига содир бўлган ижобий фарқ рентабелликни ошишига имкон берган.

Минерал ўғитлар тамакичиликда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўғитлардан фойдаланишда оптимал даражани топиш ҳосилдорлик ва хом ашё сифати ўртасидаги тескари корреляцион боғланиш оптимал нуқтасига эришиш имконини беради. Бу нуқтада ҳар гектар экин майдони ҳисобидан олинадиган ялпи ва соф даромад максимум даражага кўтарилиши мумкинлиги «ЎзБАТ» қўшма корхонасида фаолияти давомида исбот қилинган (3.5-жадвал).

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, минерал ўғитлардан илмий асосланган нисбатларда фойдаланиш тамакичилик иқтисодий самарадорлиги ортишини таъмин этади. Жумладан:

- тамакининг «Дюбек» навида минерал ўғитларни оптимал нисбатларда солиш, ўғитсиз майдонларга нисбатан 2 баробарга, яъни 12,3 ц/га дан 23-27 ц/га гача ошириш имконини беради.

3.5-жадвал

Минерал ўғитлар қўллашнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири (Ургут тумани Акробод номли ш-х) (2003 й.)

Кўрсаткичлар	«Дюбек» тамаки нави		«Измир» тамаки нави	
	Тавсия этилаётган N-P-K	Ҳақиқатда хўжаликда	Тавсия этилаётган N-P-K	Ҳақиқатда хўжаликда
Микдор, кг-га	90-120	ўғитсиз	30-50	ўғитсиз
Ҳосилдорлик, ц/га	26,4	12,3	12,6	4,6
Юқори навлар чиқиши, салмоғи, (%)	89,1	81,7	11,2	3,8
Бир га ҳисобига пул тушуми, (минг сўм)	1635, 9	698,1	1732	617,2
Бир гектарга қўшимча:				
Центнер	14,1	х	8	х
Сўм	937905	х	1114828	х
Харажатлар рентабеллиги, %	47,3	26,9	52,8	22,0

Манба: «ЎзБАТ» ҚҚ ва Ургут тумани Акробод ш-х маълумотлари асосида.

- сифат ўзгаришлар эса, яъни юқори навлар чиқиши, ўғитсиз майдонга нисбатан 5-9 % кўтарилади, яъни 81,7%дан 86-90%гача.

- сотиш баҳоларидаги ўзгаришлар минерал ўғитларнинг оптимал нисбати (N-P-K) (90-120-120 кг) бўлганда ижобий бўлган, яъни 1 кг тамакининг баҳоси 629,4 сўм ва юқори навлар (I ва II навлар) чиқиши 90,5% ни ташкил қилган. Бу ўғитланмаган майдонга нисбатан мос равишда 61,5 сўм ёки 9,8 % га кўп;

- худди шу нисбатда ўғит солинганда 1 гектарга тўғри келган тушум ҳам, ўғитсиз майдонга нисбатан 1,4 баробарга ошган;

- рентабеллик даражаси 45,4% ни ташкил этиб, бу ўғитланмаган майдонига нисбатан 18,5 пунктга ошган.

«Дюбек» нави тамакикорлар томонидан узоқ йиллар томонидан етиштириб келинаётганлиги туфайли унинг технологияси, улар томонидан яхши ўзлаштирилган. Шунинг учун оптимал ўғитланган ва ўғитланмаган майдондаги кўрсаткичлар ўртасидаги тафовут «Измир» навига нисбатан кам.

«Измир» навида минерал ўғит солишнинг оптимал варианты фосфор ва калий нисбатининг ошиб бориши билан тавсифланади:

- «Измир» навидаги тамаки асосан паст унумдор ерларда экишга мулжалланганлиги сабабли, унинг ҳосилдорлиги ўсиши билан унинг товарлилик хусусиятлари ва натижада айрим молиявий кўрсаткичлар ўртасида тескари мутаносиблик мавжуд. Ҳосилдорлик 10,1 дан 14,5 центнерга ўсиши баробарида олий нав чиқиши мос равишда 22,5% дан 7,1 % га камайган;

- сифат ўзгаришлари яхшиланиши ҳисобига сотиш баҳолари ошиб борган, яъни 1 кг учун 1233,9 сўмдан 1406,3 сўмга ёки 14,0 % га ўзгарган.

«Измир» навини етиштириш агротехникаси талабларидан келиб чиққан ҳолда уни паст унумли, азот миқдори кам, ўтмишдош экинларга органик ва минерал ўғитлар солинмаган майдонларни танлаб экиш маҳсулот сифатини ва мос равишда, унинг ўртача сотиш баҳосини ва ишлаб чиқариш самарадорлик даражаси ошишига асос яратиб берган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бизда етиштириладиган Шарқ типидagi тамакилар учун бир вақтнинг ўзида ҳам ҳосилдорлигини, ҳам маҳсулот сифатини ошириб бўлмайди. Миқдор ва сифатнинг мутаносиб нуқтасига эришиш иқтисодий самарадорликнинг юқори даражасида бўлишлигини таъминлайди.

3.2. Тамакичиликда меҳнат унумдорлигини ошириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш

Тамаки меҳнат сиғими юқори бўлган экин бўлиб, унинг тарихан жойлашиши ҳудудлари ҳам меҳнат ресурслари билан юқори даражада таъминоти билан ажралиб туради. Тамакичиликда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш тизими узоқ йиллар давомида қиймат шаклида юқори меҳнат унумдорлиги даражасини таъминлаб келган. «Дюбек» навидаги тамаки етиштиришдаги иқтисодий таназзул тармоқда моддий манфаатдорлик ва меҳнат унумдорлиги даражасини пасайишига олиб келган.

Самарқанд вилояти Ургут тумани хўжаликларида меҳнат унумдорлиги даражасидаги ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, таҳлил қилинаётган даврда 1 гектарга ва 1 центнерга сарфланган бевосита меҳнат сарфи пасайиб борган. Агар 2001 йил 1 гектар тамаки экин майдонига 2324,4 киши кунни сарфланган бўлса, 2003 йил бу кўрсаткич 1828,3 киши кунни ташкил қилгани ҳолда 2004 йил 2947,2 киши кунга тенг бўлган («Дюбек» нави бўйича). «Измир» нави бўйича ҳам шундай тенденция кузатилиб, 1 гектарга сарфланган бевосита меҳнат сарфи 2001 йил 1319,6 киши кунини ташкил қилган бўлса, 2004 йил бу кўрсаткич 1203,6 киши кунни ташкил қилган. Тармоқда ўртача 1 ишчига тўғри келган экин майдони таҳлил қилинаётган даврда «Дюбек» ва «Измир» навлари бўйича ҳам ошиб бориб, 2001 йил мос равишда 0,12 ва 0,22 гектарни ташкил қилган ҳолда 2004 йил бу кўрсаткич 0,13 ва 0,26 гектарни ташкил қилган. Тармоқда ўртача 1 ишчи ҳисобига ишлаб чиқарилган тамаки миқдори ёки натура кўринишидаги меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари динамикасида «Измир» нави бўйича турғун ижобий ўзгаришни кўришимиз мумкин (3.6-жадвал). Агар «Дюбек» тамаки нави бўйича 1 ишчи ҳисобига ишлаб чиқилган тамаки миқдори 2001 йилда 1,8 центнерни ташкил қилган бўлса, 2003 йилда ушбу кўрсаткич 1,4 центнерни ташкил қилгани ҳолда 2004 йил 3,3 центнерга тенг бўлган.

«Измир» тамаки нави бўйича ушбу кўрсаткич 2001 йил 1,6 центнерни ташкил қилган бўлса, 2004 йил 2,1 центнерга ортган.

3.6-жадвал

Самарқанд вилояти Ургут туман хўжаликларида тамаки навлари бўйича меҳнат унумдорлиги ўзгариши

Кўрсаткичлар	2001 йил		2002 йил		2003 йил		2004 йил	
	«Дюбек» нави	«Измир» нави	«Дюбек» нави	«Измир» нави	«Дюбек» нави	«Измир» нави	«Дюбек» нави	«Измир» нави
Тамаки ҳосилдорлиги, ц/га	15,0	7,6	17,6	9,2	9,1	5,8	25,0	7,9
Тамакичиликда сарфланган киши-кунлар								
а) Бир гектарга	2324,4	1319,6	3261,0	1323,6	1828,3	967,7	2947,2	1203,6
б) Бир центнерга	155,3	173,9	185,2	144,0	200,5	165,4	117,9	152,4
Соҳада банд бўлган бир ишчига тамаки майдони юкламаси, (га)	0,12	0,22	0,09	0,22	0,16	0,29	0,13	0,26
Бир ишчи ҳисобига ишлаб чиқарилган тамаки, (ц.)	1,8	1,6	1,5	2,0	1,4	1,7	3,3	2,1
Соҳада бир ишчига тўланадиган ойлик иш ҳақи, (м.сўм)	4,45	10,32	3,37	11,67	3,51	10,16	5,37	8,2
Бир киши кунига иш ҳақи, (сўм)	187,4	434,4	142,0	491,3	147,9	427,8	226,2	345,3

Манба: Ургут тумани ширкат хўжаликлари ҳисобот маълумотлари асосида

Тамакичиликда «Измир» нави бўйича меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларининг нисбатан юқорироқ эканлиги унинг баъзи технологик хусусиятлари (кам парвариш талаб қилиши) ҳамда, асосан моддий манфаатдорлик юқори эканлиги билан изоҳланади. Ушбу икки нав бўйича меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари ва уларнинг самарадорликка таъсирини хўжаликларни қиймат кўринишидаги меҳнат унумдорлиги даражаси бўйича гуруҳлаш натижаларидан кўришимиз мумкин (3.7-жадвал).

Таҳлилни Ургут тумани хўжаликларида меҳнат унумдорлиги, яъни 1 киши-соатга тўғри келган маҳсулот қиймати бўйича гуруҳлаш маълумотлари натижаларига асосан кўриб чиқадиган бўлсак, шу нарса маълум бўладики, 1 киши-соатига 21,8 сўм маҳсулот ишлаб чиқарадиган 11 хўжаликда («Дюбек»

нави бўйича) 1 центнер маҳсулотнинг меҳнат сиғими, меҳнат унумдорлиги 61,1 сўмга тенг бўлган III гуруҳнинг 6 хўжалигига нисбатан 1383,8 киши-соатига ёки 2,76 мартага кўпдир.

3.7-жадвал

Самарқанд вилояти Ургут туманида тамаки етиштиришда меҳнат унумдорлиги ва унинг самарадорликка таъсири (2001-2004 йиллар)

Хўжаликларни меҳнат унумдорлиги даражаси бўйича гуруҳлаш, сўм-киши соат	Гуруҳдаги хўжалиklar сони	Ўртача 1 ц. маҳсулотнинг меҳнат сиғими, киши соат	Бир киши соатга ишлаб чиқилган маҳсулот, сўм	Бир киши соатга ишлаб чиқилган маҳсулот, кг	Бир киши соат ҳисобига олинган фойда, сўм	Рентабеллик %
«Дюбек» тамаки нави бўйича						
I гуруҳ: (29,5 гача)	11,0	2168,0	21,8	0,046	-12,9	-37,2
II гуруҳ: (29,6-51,2)	5,0	1344,5	34,7	0,074	-13,6	-28,1
III гуруҳ: (51,3 дан юқори)	6,0	784,2	61,1	0,128	-27,2	-30,8
«Измир» тамаки нави бўйича						
I гуруҳ: (117,9 гача)	5,0	1358,9	67,3	0,052	1,9	3,0
II гуруҳ: (118-198,6)	4,0	806,2	144,1	0,107	27,4	23,5
III гуруҳ: (199,0 дан юқори)	2,0	426,5	255,9	0,209	65,1	34,1

Манба: Ургут тумани ширкат хўжаликлари ҳисобот маълумотлари асосида.

I-гуруҳ хўжаликларида натура шаклидаги меҳнат унумдорлиги, III-гуруҳ хўжаликларига нисбатан қарийб 3 баробарга пастдир, яъни ҳам натура, ҳам қиймат шаклида меҳнат унумдорлиги мутаносиб ўсиб борган. Лекин, моддий-пул харажатларининг ўсиши ҳисобига, меҳнат унумдорлиги ҳар қанча ошмасин, 1 киши соат ҳисобига тўғри келган зарар қарийб 2 баробар кўпайган ва мос равишда барча хўжаликларда зарарлилик даражаси -28,1 дан -37,2% гача ташкил топган.

Сотиш баҳолари бўйича иккала нав ўртасида 3-3,5 баробар тафовут («Измир» фойдасига) мавжуд бўлиб, меҳнат унумдорлиги («Измир» нави бўйича) 67,3 сўм бўлган I-гуруҳ хўжаликларига (5 та хўжалик) нисбатан

меҳнат унумдорлиги 255,9 сўм ёки 3,8 мартага кўп бўлган III-гуруҳнинг 2 хўжалигида натура шаклидаги меҳнат унумдорлиги ҳам 4 баробар кўплиги кузатилди. Шунингдек, ушбу хўжаликларда меҳнат сиғими 3 баробарга кам бўлиб, 1 киши-соатга тўғри келган фойда эса, (объектив ва субъектив омиллар таъсирида) мос равишда 1,9 сўмдан 65,1 сўмгача ёки 34 баробарга ошган. Шунга мос равишда рентабеллик даражаси ҳам 3,1 % дан 34,1 %га ёки 31,3 пунктга ошган.

Тамакичилик хўжаликларида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи таҳлили кўйидаги хулосаларни изоҳлашга имкон беради:

- меҳнат унумдорлиги даражаси «Измир» навида «Дюбек» навига нисбатан ўртача 3-4 баробарга юқори, меҳнат сиғими эса 1,6-1,8 баробарга пастлиги билан ажралиб туради;
- натура шаклидаги меҳнат унумдорлиги ҳам гуруҳлар бўйича ўртача «Измир» тамаки навида «Дюбек» навига нисбатан 1,1-1,6 марта юқорирок натижага эришилган;
- иккала навда ҳам, I-гуруҳ хўжаликларида, меҳнат унумдорлиги ва фойдани ошириш имкониятлари мавжуд;
- «Дюбек» тамаки навида рентабелликни оширишнинг асосий имкониятларидан энг муҳими таннархни пасайтириш ва сотиш баҳосини оширишдир.

Юқорида таъкидлаганидек, тамакини парваришlash ва тамаки хом ашёси етиштириш кўплаб қўл меҳнати талаб қиладиган агротехник жараёнларни ўз ичига олиб барча ишлар деярли қўлда бажарилади, фақатгина ерни экишга тайёрлаш ишлари механизациялашган. Айни шу жиҳатдан бевосита тамаки парваришlash билан шуғулланувчи деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини таъмин этиш ва етиштирган тамаки хом ашёси учун ўз вақтида келишилган ҳақни тўлаб боришни йўлга қўйиш долзарблик касб этади.

Тамаки етиштирувчи деҳқон ҳақини ўз вақтида бермасдан ва уларга зарурий хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиб енгилликлар яратмасдан туриб, сифатли тамаки хом ашёси тайёрлашга эришиш мумкин эмас. Бугунги кунда деҳқонлар мавжуд ширкат хўжаликлари доирасида фаолият кўрсатаётган бўлиб, ушбу хўжаликлар аксарият ҳолларда катта миқдордаги кредитор қарзларга эга. Айни шу қарзларнинг мавжудлиги тамаки етиштирувчи деҳқонларнинг меҳнати эвазига етиштирилган тамаки учун тўланадиган ҳақнинг ўз эгасига етиб боришида асосий тўсиқлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ўз вақтида ва тўлиқ ҳақини олиш имкониятига эга бўлмаган деҳқонда тамаки етиштириш ва уни хўжалик орқали сотишдан манфаатдорлик йўқола боради.

Юқоридаги салбий ҳолатларни бартараф этиш борасида «ЎзБАТ» қўшма корхонаси томонидан қатор тадбирлар амалга оширилган. Жумладан, компания ташаббуси билан илгари сурилган ғоя Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қўллаб қувватланиб, етиштирилган тамакига ҳақ тўлашнинг махсус тизими ишлаб чиқилган¹⁹. Ушбу тизимга биноан тамаки етиштирувчи оилаларга халқ банкининг туман бўлимларида топширилган тамаки учун пул ўтказиш мақсадларига мўлжалланган ҳисоб ракамлари очилган. Ушбу тизим дунёдаги кўпчилик тамаки етиштирувчи давлатларда синовдан ўтган ва ҳозирда ҳам самарали амал қилмоқда. Ушбу тизимга кўра, ҳозирги кунда 1 кг тамаки учун белгиланган баҳонинг 40% деҳқонга ва 60% и ширкат хўжалигига тегишли деб келишилган ҳолда, оилаларга тегишли бўлган 40% маблағ уларга ва 60% маблағ ширкат хўжаликларига «ЎзБАТ» компанияси томонидан ўз вақтида тўланмоқда.

Тамаки етиштириш, кўчат тайёрлаш 100 фоиз оилаларда ва оилалар ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат ва маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Бунда хўжаликлар уруғлик, ўғит, кимёвий, воситалар билан ёрдам бериши мумкин. Аммо, ўтказилган монографик тадқиқотлар

натижалари кўрсатишича, сўровлар ўтказилган оилаларда, уруғ етказиб беришни (сотишни) ҳисобга олмаганда барча технологик жараёнлар оилалар меҳнати ва маблағлари ҳисобидан амалга оширилган.

Ҳисоб-китоблар кўрсатишича 1 гектар майдон учун зарур бўлган кўчат, захира фондини ҳам ҳисобга олганда 100 м² майдонда етиштирилиш лозим. Мавжуд меъёрий харажатлар, бевосита сўров ва монографик ўрганишлар натижасига таянган ҳолда парник харажатлари ҳисоблаб чиқилди ва кўрсаткич 18886,55 сўмни ташкил этди (1-илова).

Келтирилган меъёрий харажатлардан кўринадики, кўчат узиш жараёни анча давомий бўлиб, унга жами сарфланиши лозим бўлган харажатларнинг 24,4 % сарфланиши белгиланган. Бундан кейин озуқа аралашмаси тайёрлаш, ўтоқ қилиш, маҳаллий ўғит солиш каби харажатлар эгаллаб, улар мос равишда 14,8 %, 12,7 % ва 5,9 % ни ташкил қилади. Агар бу меъёрий харажатларни юқорида таклиф этилаётган 1 гектар учун ҳисоблайдиган бўлсак, у ҳолда жами харажатлар 100 м² майдон учун 23608,19 сўмни ташкил этади. Ушбу харажатлар фақат парник учун сарфланадиган бевосита меҳнат харажатларидан иборат.

Тамакини далага олиб чиқиб экиш ва парваришлаш билан боғлиқ барча харажатлар ҳам оилалар томонидан амалга оширилади. Хўжаликлар кўрсатадиган хизмат фақатгина ерни экишга тайёрлаш билан боғлиқ бўлиб, қолган барча технологик жараёнлар қўлда оила аъзолари томонидан амалга оширилади.

Тамаки парваришлаш учун технологик жараёнлар бўйича жами 1 гектар учун 69655,88 сўмлик бевосита меҳнат ҳақи харажатлари ҳисоблаб чиқилди. Бу ерда тамакини чопиқ қилиш ва суғориш нормаларини белгилашда илмий тавсиялар ва амалда қўлланилаётган жараёнлар ҳисобга олинди (2-илова).

Тамаки хом ашёси етиштиришда энг кўп меҳнат талаб қиладиган жараён бу баргларини йиғиб олиш ва қайта ишлаш ҳисобланади. Ургут тумани

хўжаликлари 2002 йил ҳисоб-китоблари бўйича иш ҳақи харажатлари салмоғи 81 фоизни ташкил этмоқда. Ушбу жараён тўлиқ қўлда ва оила аъзолари меҳнат қуроллари, маблағлари эвазига амалга оширилади.

Ҳисоб- китоблар натижасида тамаки барглари йиғиб олиш ва қайта ишлаш жараёнида 1 га майдонга жами 489303,5 сўмлик иш ҳақи сарфи ҳисобланди (3-илова).

Ҳисоб–китоблар пайтида технологик карталар ва илмий тавсияларда кўзда тутилган ва бугунги кунда Ургут тумани хўжаликларида мавжуд ва амалга оширилаётган ишлар ҳисобга олинди. Мавжуд технологик карталарда кўзда тутилган ва Ургут тумани хўжаликларида қўлланилмаётган баъзи технологик жараёнлар тушириб қолдирилди. Шунингдек, намланган тамакини навларга ажратиш ва тойлаш технологик жараёни оддий усулда амалга оширишда қўлланиладиган меъёрлардан фойдаланилди.

Бир гектар майдонда тамаки хом ашёси етиштириш учун сарфланиши лозим бўлган бевосита меҳнат харажатлари (1 ва 2-иловалар) ҳисоблаб чиқилган бўлиб, парник тайёрлашдан тортиб тамакини топширишгача бўлган жараёнда 1 гектарга жами 778518,84 сўмлик иш ҳақи харажатлари сарфланиши ҳисобланди.

Тамаки хом ашёси етиштиришда сарфланадиган билвосита меҳнат харажатлари мазкур ҳисоб – китобларда бир гектар экин майдони учун 5721,76 сўмни ташкил этади (4-илова). Бу ерда 20 фоиз жорий мукофот ва 20 фоиз қўшимча иш ҳақи белгиланиб жами бир гектар майдон учун ушбу кўрсаткич 8010,48 сўмни ташкил этади.

Шундай қилиб тамаки хом ашёси етиштиришдаги бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари (иш ҳақи) 786529,3 сўмни ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан белгиланган 15 фоизлик кўзда тутилмаган харажатлар билан 86501,54 сўмни ташкил этади.

Мавжуд қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар бўйича иш ҳақи фондига нисбатан белгиланган 37,2 фоизлик бюджетдан ташқари фондларга

ажратмаларни ҳам қўшиб ҳисобланганда жами иш ҳақи харажатлари ажратмалари билан бирга 1079118,2 сўмни ташкил этади (4-илова).

Қишлоқ хўжалиги корхоналари бошқарув аппарати ходимлари (бевосита тамакичиликка боғлиқ бўлганлари) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 1998 йил 14 январдаги 13-сон буйруғи билан тасдиқланган бошқарув аппарати ходимлари меъёрига асосан аниқланади ва барча ҳисоб-китоблар 1000 гектар сувли ерга эга хўжаликлар учун амалга оширилди.

Хўжалик раҳбари хизмат енгил автомашинасига сарфланадиган ёқилғи сарфи 300 иш кунига 20 литрдан бензин ҳисобланиб 1170 сўмни ташкил этади. Хўжаликда алмашлаб экиш тизимида тамаки ҳиссаси 40% атрофида эканлигини ҳисобга олган ҳолда ва экин майдонларига такрорий экинлар экилиши мумкинлигини ҳам назарда тутган ҳолда 1 гектарга тўғри келадиган 1170 сўмлик ёқилғи сарфи 0,4 коэффициент билан таннархга олиб борилди ва бир гектар учун ушбу харажат тури 468 сўмни ташкил этади. Шундай қилиб жами моддий техник воситалар сарфи 1 гектар тамаки экин майдони учун 83992,9 сўмни ташкил этди (5-илова).

Тамаки етиштиришда фойдаланиладиган асосий фондлар амортизацияси харажатлари, мавжуд меъёрлар асосида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1 январь 1997 йилдаги 469-сонли қарорига мувофиқ белгиланган асосий фондлар йиллик амортизацияси меъёрлари асосида ҳисоб-китоб қилинади (6-илова).

Мазкур ҳисоб-китоблардаги Т-4а, МТЗ-80 ва Т-28 тракторлари баҳоси қолдиқ баҳоларда олинган. Чунки охирги 7-8 йил давомида Ургут тумани қишлоқ хўжалиги корхоналари деярли янги тракторлар сотиб олмаган бўлиб, ҳайдов ва чопиқ тракторларининг кўпчилик қисми ўз амортизация муддатини ўтаб бўлишган ёки кичик қолдиқ қийматларга эга. Демак, ҳар бир алоҳида хўжаликда ушбу кўрсаткичлар ўзгариши мумкин.

Ҳисоб-китобларимизда Т-4а трактор 1000 гектар учун меъёр бўйича 7 тани ташкил этиши лозим ва йиллик амортизация суммаси 1 га экин майдонига (15 % лик йиллик ажратма билан) 513 сўмни, МТЗ-80 – 270 сўмлик, Т-28 бўйича эса 150 сўмни ташкил этди.

Бизнинг ҳисоб-китобларимизда қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳисоб-китоблардан фарқли равишда, тамаки етиштирувчи оилалар ихтиёридаги ва тамаки етиштиришда фойдаланиладиган асосий воситалар ва инвентарларга ҳам мавжуд меъёрлар асосида амортизация ажратмалари белгиланди. Ушбу тадбир, агарда хўжаликлар томонидан ушбу амортизация ажратмалари қопланса, тамаки етиштирувчи оилалар иқтисодига ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Тамаки етиштирувчи хўжаликларда оқар сувдан фойдаланиш, имкониятлари чегараланган ҳудудлар учун насос харажатлари ҳисоблаб чиқилди (7-илова).

Туманда тамаки майдонларини суғориш мақсадида асосан 18 НДС русумдаги насослардан фойдаланаётган бўлиб, уларнинг ўртача қолдиқ қиймати 101000 сўмни ташкил этади. Бир гектар тамакини суғориш учун меъёр бўйича ўртача 5000 м. куб метр сув сарфланиши лозим. Аммо, далага етиб боргунча йўқоладиган сув сарфини ҳисобга олган ҳолда (0,3) 6500 м³ сарфланиши кўзда тутилди. Электр энергияси сарфи 140220,0 сўмни ташкил этади. Жами амортизация ва электр энергияси харажатлари бир гектар экин майдони учун 151020 сўмни ва насосни ишлатиш учун йиллик иш ҳақи харажатлари ажратмалари билан биргаликда 89564 сўмни ташкил этади.

Ургут тумани бўйича 2003 йил учун ягона ер солиғи миқдори ўртача 22000 сўмни ташкил этиб, такрорий экинларни ҳам ҳисобга олиб, тамакига 0,9 коэффициент билан олиб борилди ва 19800 сўмни ташкил этди.

Юқоридаги ҳисоб-китоблар бўйича олинган якуний кўрсаткичлар 3.8-жадвалда ўз аксини топган.

3.8-жадвал

**Тамаки етиштирувчи оилалар ва ширкат хўжаликларининг тамаки хом ашёси етиштириш жами харажатидаги салмоғи
(1 га майдон учун сўм, «Дюбек» нави)**

Харажат турлари	Жами	Шу жумладан		Харажат таркибида, (%)	
		Оилаларга тегишли	Хўжаликка тегишли	Оилалар улуши	Хўжалик улуши
Жами иш ҳақи сарфи	1079118,0	1068127,8	10990,36	99,0	1,0
Ш.ж. –37,2 % иш ҳақиға нисбатан ажратма	292588,9	-	292588,9	-	100,0
Амортизация сарфи	33550,5	32040,0	1510,5	95,5	4,5
Моддий-техник воситалар сарфи	83992,9	5000,0	78992,9	6,0	94,0
Насос харажатлари	240584,0	-	240584,0	-	100,0
Жами солиқлар	19800,0	-	19800,0	-	100,0
Жами 1 га экин майдонига харажат	1749635,0	1105167,8	644466,7	63,2	36,8
Бир кг тамакига тўғри келадиган сарф харажат	455,3	287,6	167,7	63,2	36,8

Манба: Тамаки етиштириш технологик харитаси ва меъёрий ҳужжатлар асосида.

Тамаки етиштирувчи оилалар ва ширкат хўжаликларининг тамаки хом ашёси етиштириш жами харажатидаги салмоғини илмий асослаш мақсадида 1 кг тамаки хом ашёсини етиштириш учун сарфланадиган харажатлар таркибини таҳлил қиламиз.

Жами бир гектар экин майдонига сарфланадиган харажатлар асосий қисми яъни, 63,2 %и оилалар зиммасига ва 36,8 % хўжаликлар зиммасига тўғри келмоқда.

Бу ерда бир гектарга тўғри келадиган харажатлар миқдори 3.3-бўлимдаги вариантлар бўйича: оқар сувда, 50% насосда ва 100 % насослар ёрдамида тамаки суғорадиган хўжаликлар бўйича ўртача кўрсаткич олинган ва насос харажатларига мутаносиб равишда алоҳида хўжаликларда харажатлар нисбати бир мунча ўзгариши мумкин (3-5% атрофида).

Ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, амал қилаётган 40 ва 60% лик тақсимот тамаки етиштирувчи оилалар манфаатларини ҳисобга олмаган

ҳолда белгиланган ва тамаки етиштирувчи оилалар норозиликларига сабаб бўлмоқда.

Етиштирилаётган тамаки учун сарф бўлаётган меҳнатнинг деярли 80 – 85 фоизи тамаки етиштирувчи оилалар ҳисобига тўғри келмоқда. Маҳсулот баҳоси ва бозордаги рақобатбардошлиги унинг сифатига боғлиқлиги, маҳсулот сифат кўрсаткичи шаклланишида оила меҳнати ҳал қилувчи аҳамиятга эгалигини ва жами тамаки етиштириш харажатларидаги оилалар ҳиссаси 60 фоиздан ортиқ эканлигини ҳисобга олиб, хом ашё учун тўланаётган маблағнинг оилалар ҳисобига ўтказиладиган қисмини ошириш мақсадга мувофиқ (3.9-жадвал).

Бунда тамаки етиштирувчи деҳқонларга ҳисобланган иш ҳақи ҳисобидан тўланиши лозим бўлган даромад солиғи хўжаликлар томонидан амалга оширилишини кўзда тутиш лозим.

3.9-жадвал

Тамаки учун тўланадиган ҳақ тақсимотининг тавсия этилаётган тизими (2003 йил «Дюбек» ҳосили ҳисобидан ўртача) (Тавсия)

Бир кг тамакига тўланадиган ҳақ		Шундан			
		Тамаки етиштирувчи оилалар улуши		Ширкат хўжаликлари улуши	
Сўм	Фоиз	Сўм	Фоиз	Сўм	Фоиз
496	100	248	50,0	248	50,0

Манба: Ҳисоб-китоблар асосида муаллиф тавсияси.

Демак, бизнинг фикримизча, тамаки учун тўланадиган ҳақнинг 50 фоизи тамаки етиштирувчи деҳқон қўлига ҳеч қандай чегиримларсиз етиб бориши лозим. Баъзи кўзда тутилмаган вазиятларни ва хўжаликнинг маълум фойда миқдорини ҳисобга олган ҳолда тамаки етиштирувчи оилаларнинг ҳисоб рақамига ўтказиладиган маблағ энг камида 45 фоизгача ташкил этиши керак.

Шу билан бирга, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатга ҳақ тўлашнинг иқтисодий самарадорликка таъсирини ўрганиш зарур. Қўйида

туман хўжаликларининг меҳнат ҳақи бўйича гуруҳлаш маълумотлари келтирилган (3.10-жадвал).

3.10-жадвал

Ургут тумани хўжаликларини меҳнат ҳақи даражаси бўйича гуруҳлаш натижалари (2000-2004 йй.)

Бир киши кунига тўғри келган меҳнат хақи бўйича хўжаликлар гуруҳлаш, сўм	Гуруҳдаги хўжаликлар сони	Бир киши кунига тўғри келган, сўм			100 сўм лик ялпи даромадга сарфланган киши куни	Меҳнат хақининг ялпи даромаддаги салмоғи, %
		Ялпи даромад	Меҳнат хақи	соф даромад		
«Дюбек» тамаки нави бўйича						
I гуруҳ: 193,4 гача	13	95,8	142,5	-32,7	1,04	-
II гуруҳ: 193,5-292,3	4	38,7	279,4	-185,1	2,58	-
III гуруҳ: 292,4 дан юқори	4	195,8	358,8	-105,5	0,51	-
«Измир» тамаки нави бўйича						
I гуруҳ: 321,7 гача	4	255,0	226,4	28,6	0,39	88,8
II гуруҳ: 321,8-509,5	2	864,2	451,6	412,7	0,12	52,3
III гуруҳ: 509,6 дан юқори	6	869,0	661,0	208,1	0,12	76,1

Манба: Ургут тумани ширкат хўжаликлари ҳисобот маълумотлари асосида.

«Измир» навида «Дюбек»ка нисбатан 1 киши/кунига тўланган меҳнат ҳақи ҳам 2 баробарга яқин юқорилиги билан тавсифланади. Шунинг таъкидлаш лозимки, «Дюбек» навида яратилган соф маҳсулот ёки ялпи даромад ҳатто меҳнат ҳақини қоплашга ҳам етмайди. Шунинг учун бу навда барча хўжаликларда зарарлилик даражаси анча юқори бўлган. «Измир» нави сотиш баҳоларининг баландлиги, бу навни экадиган хўжаликларнинг фойда билан чиқишини таъминлаган. Бу гуруҳларда меҳнат ҳақи ошиб бориши билан фойда ёки соф даромаднинг ошиб бориши бир хил ёки тўғри мутаносибликда.

Демак, хўжаликларда меҳнат ҳақи даражасининг молиявий натижаларга таъсири кўрсатадики:

- иккала навда ҳам самарадорлик, яъни маҳсулот таннархини пасайтириш пахтачиликдаги каби меҳнат ҳақини пасайтириш ҳисобига амалга оширилмайди;
- «Измир» навида меҳнат ҳақининг ўсиб бориши, гуруҳлар бўйича уларнинг ялпи даромаддаги салмоғининг 52,3-88,8 % атрофида тебраниб туришини ва натижада соф даромаднинг ҳам тўғри мутаносибликда ўсишини таъминлаган.

Бозор иқтисодиёти меҳнат унумдорлигининг ўсиши меҳнат ҳақининг ўсишидан илгарилаб кетишини рағбатлантиради. Фақат шундай ҳолатдагина истеъмолнинг доимий ўсиб боришига ва жамғаришга реал шароит яратади. Меҳнат унумдорлиги ўсишининг меҳнат ҳақиға нисбатан устунлиги хўжалик ичидаги истеъмол ва жамғариш ўртасидаги диалектик зиддиятни ҳал этади.

3.11-жадвал

Самарқанд вилояти Ургут туманида тамаки навлари бўйича меҳнат унумдорлиги ва меҳнатга ҳақ тўлашдаги ўзгаришлар (2001-2004 йй.)

Кўрсаткичлар	Йиллар бўйича								2004 йилда 2001 йилга нисбатан ўзгариши			
	2001 йил		2002 йил		2003 йил		2004 йил		«Дюбек» нави		«Измир» нави	
	«Дюбек» нави	«Измир» нави	«Дюбек» нави	«Измир» нави	«Дюбек» нави	«Измир» нави	«Дюбек» нави	«Измир» нави	(+, -)	%	(+, -)	%
Меҳнат унумдорлиги, 1 киши кунига, сўм	235	626,6	224	902,6	269,4	831,2	416,5	638,0	181,5	177,2	11,4	101,8
Меҳнат ҳақи 1 киши кунига, сўм	187,4	355,3	142	491,3	147,9	427,8	226,2	345,3	38,8	120,7	-10,0	97,2
Нисбатлар коэфф.	1,3	1,8	1,6	1,8	1,8	1,9	1,8	1,8	0,5	138,5	0,01	102,7
100 сўм ялпи маҳсулотга тўғри келувчи ҳаражат, сўм	113,3	75,4	148,9	70,7	151,5	106	129,7	86,3	16,4	114,5	10,9	114,5
100 сўм ялпи маҳсулотга меҳнат сарфи, киши кунига	0,43	0,16	0,45	0,11	0,37	0,12	0,24	0,16	-0,19	55,8	-0,01	98,0
Рентабеллик даражаси, %	-11,7	32,6	-32,8	41,5	-34	-5,6	-22,9	15,9	-11,2	X	-16,7	X

Манба: Ургут тумани ширкат хўжаликлари ҳисобот маълумотлари сосида

Таҳлиллар кўрсатишича Ургут тумани хўжаликларида 2004 йилда 2001 йилга нисбатан «Дюбек» ва «Измир» навларида меҳнат унумдорлиги, (1 киши-кунига тўғри келган даромад) мос равишда 181,5 ва 11,4 сўмга ёки 177,2 ва 101,8 % га ошган (3.11-жадвал).

Меҳнат ҳақида эса «Измир» тамаки навида камайиш тенденцияси мавжуд, яъни -10,0 сўмга ёки 2,8% га камайган. «Дюбек» тамаки навида аксинча 2001 йилдаги 187,4 сўмдан 2004 йилда 226,2 сўмга ёки 38,8 сўмга яъни 20,7% га ошган.

Меҳнат унумдорлиги ва меҳнат ҳақи ўсишининг нисбати уларнинг нисбатлар коэффиценти орқали анча ойдинлашади. Бу коэффицент «Дюбек» ва «Измир» да мос равишда +0,5 ва +0,01ни ёки 38,5 ва 2,7%ни ташкил этади. 100 сўмлик ялпи маҳсулот таннархи ҳам навлар бўйича мос равишда +16,4 ва 10,9 сўмга ёки 14,5%га ошган.

Рентабеллик (зарарлилик) даражаси «Дюбек» навида -11,7% дан -22,9% гача тушган бўлса, «Измир» навида эса +32,6% дан 15,9% гача камайган.

Меҳнат унумдорлиги ва меҳнат ҳақи динамикасидаги ўзгаришлар таҳлили кўрсатишича:

- меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан таннарх ўзгармасдан қолса ҳам ёки таннарх ўсиб борса ҳам фаолият фақат меҳнат унумдорлигини ошиши билан эмас, балки меҳнат унумдорлиги ва меҳнат ҳақи ўсиши суръатининг нисбатига боғлиқ.

- нисбатлар коэффицентининг ўсиб бориши билан таннархнинг пасайиши ва рентабелликнинг ошишига мос келади, ва аксинча нисбатлар коэффицентининг пасайиши таннархнинг ошишига ва рентабелликнинг пасайишига олиб келади;

- меҳнат унумдорлиги ва меҳнат ҳақи ўсиш суръатлари ўртасидаги нисбат таннарх ва рентабелликка бевосита таъсир этиб, жамғариш суръатига ва такрор ишлаб чиқариш жараёнига шароит яратади.

3.3. Тамаки ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини ошириш имкониятлари

Тамакичилик тармоғи узоқ йиллар давомида нисбатан юқори самарали тармоқ бўлиб келган. Республикамиз тамакичилик ҳудудларининг меҳнат ресурслари билан етарли даражадаги таъминоти, қулай табиий-иқлим шароитлари, ширкат хўжаликларида меҳнатни ташкил этишда оила пудрати жорий этилганлиги (чунки тамаки асосан оила шароитида етиштирилади) ва бошқа қатор омиллар тармоқда доимий равишда юқори даражада ялпи ва соф даромаднинг шаклланиб келинишини таъминлаган.

Ҳар қандай қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари шу жумладан, тамаки хом ашёси ишлаб чиқариш учун маълум миқдорда меҳнат ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат предметлари (уруғлик, ўғитлари, кимёвий моддалар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқалар) сарфланади. Маҳсулот таннархи айнан шу харажатларнинг миқдорига бевосита боғлиқ бўлиб, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш ва сотиш учун сарфланган барча меҳнат ва моддий харажатларнинг қиймат кўринишидаги ифодасидан иборат. Ушбу кўрсаткич маҳсулот етиштирувчига 1 кг ёки 1 центнер тамаки хом ашёси етиштириш ва сотиш неча сўмга тушганлигини кўрсатади ва тамаки етиштириш фойдалилик даражасини белгилайди.

Қўйида Самарқанд вилояти Ургут тумани хўжаликларида тамаки етиштириш харажатларининг моддалар бўйича таркибини кўриб чиқамиз (3.12-жадвал).

Таҳлил қилинаётган йилларда Ургут туманидаги тамаки етиштирувчи хўжаликлар бўйича ишлаб чиқариш харажатлари таркибида сезиларли ўзгаришлар бўлган.

Тамакичиликда меҳнат ҳақи харажатлари 2001 йилда жами харажатларнинг 67,7 % ини ташкил қилган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 55,8% га тушиб қолган.

3.12-жадвал

**Самарқанд вилояти Ургут туманида тамаки ишлаб чиқариш
харажатлари таркиби ўзгариши (минг сўм)**

Кўрсаткичлар	Йиллар						2003 йил 2001 йилга нисбатан, (%)
	2001		2002		2003		
	Жами	(%)	Жами	(%)	Жами	(%)	
Жами харажатлар	6757323	100	4088188	100	4284756	100	х
Ш.ж: Меҳнат ҳақи	4572894	67,70	2341323	57,30	2391550	55,80	-11,86
Ўғитлар	84626	1,30	37640	0,90	22962	0,50	-0,72
Амортизация	31020	0,50	54088	1,30	68727	1,60	1,14
Уруғлик	3056	0,00	16065	0,40	3167	0,10	0,03
Иш ва хизматлар	320965	4,70	271649	6,60	392999	9,20	4,42
ЁММ	178852	2,60	190151	4,70	169377	4,00	1,31
Сугурта тўловлари	396	0,00	65948	1,60	14665	0,30	0,34
Умум харажатлари	и-ч 530691	7,90	436809	10,70	460323	10,70	2,89
Бошқа тўғри харажатлар	1034818	15,30	674515	16,50	760986	17,80	2,45

Манба: Ургут тумани ширкат хўжаликлари маълумотлари асосида тузилган

Харажат моддалари салмоғи бўйича энг сезиларли ўзгариш иш ва хизматлар бўйича бўлиб, ушбу кўрсаткич 2003 йилда 2001 йилга нисбатан 4,4 % га ошган. Умуман олганда, меҳнат ҳақи ва ўғит харажатлари салмоғи камайган ҳолда бошқа барча харажат моддалари салмоғи 2003 йилда 2001 йилга нисбатан ошган. Агар ўғит харажатлари салмоғининг камайиши тамаки экин майдони таркибида нисбатан кам минерал ўғит қўлланиладиган «Измир» навидаги тамаки майдонлари ошиши билан изоҳланса, меҳнат ҳақи харажатлари салмоғининг пасайиши қисман меҳнат ҳақида нисбатан ижтимоий ажратмалар салмоғининг пасайиши билан изоҳланади.

Ургут туманининг табиий ва иқтисодий шароитларини ҳисобга олиб, ҳамда тамаки етиштириш харажатларидаги фарққа қараб шартли равишда 3 гуруҳга бўлиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ:

- тўлиқ оқар сувдан фойдаланган ҳолда деҳқончилик қилувчи хўжаликлар;

- 50 фоиз атрофида насослар ёрдамида экинларни суғориб деҳқончилик қилувчи хўжаликлар;

- 100 фоиз насослар ёрдамида экинларни суғориб деҳқончилик қилувчи хўжаликлар.

Ушбу гуруҳлар бўйича хўжаликларнинг тамаки етиштириш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари қўйидаги 3.13-жадвалда келтирилган.

3.13-жадвал

Ургут тумани хўжаликларида ҳудудлар бўйича тамаки ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари (2001-2004 йй.)

Суғориш усулига мос ҳудудлар	Хўжаликлар сони	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялпи ҳосил, (тонна)	Харажатлар		Жами пул тушуми, (млн сўм)	Бир ц. тамакининг сотиш баҳоси, (минг сўм)	Фойда (зарар-), (млн сўм)	Рентабеллик, %
				Жами (млн сўм)	1 ц.га (минг сўм)				
100% оқар сувда суғориладиган	5	13,2	4038,6	2612,6	64,7	1871,8	46,4	-740,8	-28,4
50% насосда суғориладиган	5	12,0	2860,4	2288,2	80,0	1622,3	56,7	-665,9	-29,1
100% насосда суғориладиган	11	8,8	3924,4	3554,9	90,6	3192,6	81,4	-362,3	-10,2

Манба: Ургут тумани ширкат хўжаликлари маълумотлари асосида.

Ушбу гуруҳларга кирувчи хўжаликларда тамаки хом ашёси етиштириш таннархи, насос харажатлари ва тамаки ҳосилдорлиги даражасига қараб бири-биридан бир мунча фарқ қилади. Масалан Ургут тумани «Меҳнатобод» ширкат хўжалигида 2002 йилда 1 кг тамаки таннархи 301,7 сўмни ташкил этган бўлса, А.Навоий номли ширкат хўжалигида бу кўрсаткич 380,0 сўмни, М.Улуғбек номли ширкат хўжалигида 387 сўмни ташкил этган (3.14-жадвал).

Жадвал маълумотлари таҳлилидан кўринадики, оқар сувдан фойдаланиб деҳқончилик қиладиган «Меҳнатобод» хўжалигида асосий харажатларнинг 81,3 % ёки 63867,0 минг сўми иш ҳақиға тўғри келган.

3.14-жадвал

**Самарқанд вилояти Ургут тумани сув таъминоти бўйича зоналарида
тамаки етиштириш харажатлари ўзгариши**

Кўрсаткичлар	«Меҳнатобод» ш-х, 100 % оқар сув		А.Навоий номли ш-х, 50 % насосда		М.Улуғбек номли ш-х, 100 % насосда	
	сумма	%	сумма	%	сумма	%
Жами харажатлар (минг сўм)	78563,0	100	157137,0	100	97526,0	100
Шу жумладан: Иш ҳаки	63867,0	81,3	94558,4	60,2	52038,0	53,3
Уруғлар	20,0	0,02	33,6	0,02	19,0	0,02
ЁММ	4262,0	5,3	6355,4	4,0	4570	4,7
Насос харажатлари	х	-	2400	1,5	4574	4,7
Иш ва хизматлар	937,3	1,2	8989,9	5,7	6134,8	6,3
Бошқа харажатлар	9476,7	12,1	44799,7	28,5	30190,2	30,9

Манба: Ургут тумани ширкат хўжаликлари маълумотлари асосида (2004 йил).

Тамаки экин майдонлари 50% ва 100% насослар ёрдамида суғориладиган А.Навоий ва М.Улуғбек номли ширкат хўжаликларида бу рақам мос равишда 60,2% ва 53,3 % ёки 94558,4 ва 52038,0 минг сўмни ташкил этган. Бу иккала хўжаликда «Меҳнатобод» ш/х.дан фарқли ўлароқ насос харажатлари бўлиб, у мос равишда 1,5% ва 4,7 % ни ёки 2400 ва 44574 минг сўмни ташкил этган. Шунингдек, бошқа харажатлар ҳам мос равишда 28,5% ва 30,9% ни ёки 44799,7 ва 30190,2 минг сўмни ташкил этган бўлиб, бу «Меҳнатобод» ш/х.дагига нисбатан 2,5-3,0 баробарга ортиқ демакдир.

Фаолияти монографик ўрганилган юқоридаги хўжаликларда тамаки харажатлари таҳлилидан келиб чиқиб, уларнинг айрим иқтисодий кўрсаткичларига таъсир этганлигини 3.15-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

Маълумки қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан тамаки ҳосилдорлигига кўплаб омиллар билан бир қаторда суғориш усули ҳам катта таъсир кўрсатади. Жадвал маълумотларидан кўринадики, оқар сувда тамаки етиштираётган «Меҳнатобод» ширкат хўжалигида ҳосилдорлик 28,0 ц/га ни

ташкил этган. Бу ўз навбатида А.Навоий номли (50% насосда) ва М.Улуғбек номли (100% насосда) ширкат хўжаликлари кўрсаткичига нисбатан мос равишда 1,9 ва 1,6 марта кўпдир. Ҳосилдорликдаги бундай фарқлар тамаки таннархига ўзининг катта таъсирини кўрсатади. Биргина суғориш харажатларини тежаш ҳисобига «Меҳнатобод» ширкат хўжалигида 1 ц. тамакининг таннархи 30,2 минг сўмни ташкил этиб, юқоридаги хўжаликларга нисбатан мос равишда 7,8 минг сўмга ва 8,5 минг сўмга ёки 20,5% га ва 22,0% га камдир.

3.15-жадвал


Самарақанд вилояти Ургут тумани хўжаликларида тамаки ҳосилдорлиги ва таннархи ўзгариши

Кўрсаткичлар	«Меҳнатобод» ш-х, 100% оқар сув	А.Навоий номли ш-х, 50% насосда	М.Улуғбек номли ш-х, 100% насосда
Экин майдони (га)	28	265	140
Ялпи ҳосил т.	260,4	389	252
Жами ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм	78562,68	147820	97524
Ҳосилдорлик ц.га	28	14,6	18
Бир кг тамаки таннархи сўм	301,7	380	387

Манба: Ургут тумани ширкат хўжаликлари маълумотлари асосида (2004 йил).

Тамаки маҳсулотлари сифат кўрсаткичларини яхшилашга бўлган интилиш биринчи навбатда тармоқда тамаки хом ашёсининг асосий истеъмолчиси бўлган “ЎзБАТ” қўшма корхонасининг «Измир» тамаки навини етиштиришни кенгайтиришга интилиш сиёсати орқали намоён бўлмоқда. Шу билан биргаликда ушбу корхона тармоқда етиштирилган хом ашёнинг деярли ягона истеъмолчиси бўлгани боисдан монополистик сиёсат ўтказиши тамакичилик соҳасига салбий таъсир этмоқда.

Ургут тумани ширкат хўжаликлари бўйича тамаки баргининг сотишнинг товар навлари бўйича динамикаси келтирилган. Кўриниб турибдики, хўжаликлар етиштирган тамаки баргини асосан 2 ва 3-товар навига сотган ёки «ЎзБАТ» қўшма корхонаси томонидан 2 ва 3-навга қабул қилинган.



Манба: Ургут тумани ширкат хўжаликлари ҳисобот маълумотлари асосида.

3.1-расм. Ургут тумани хўжаликлари бўйича тамаки баргининг товар навлари бўйича сотиш динамикаси(2001-2004 йиллар)

Бизнинг фикримизча, бу ерда сифат кўрсаткичларининг бу даражада паст бўлишининг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд бўлиб, булар деҳқончилик маданиятининг бузилиши ва агротехника қоидаларига риоя қилмаслик ва тармоқда яккаҳоким бўлган тайёрлов ташкилотининг ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сифат сиёсатини ўтказишидир.

Тамакичиликда рентабелликни оширишнинг асосий омили бу сотиш баҳоларини оширишдир. Ҳозирги шароитда тармоқда тамаки баҳосини ошириш моносоник ҳолат нуқтаи назаридан имкони йўқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, хўжалиklar ички имкониятларидан фойдаланишлари ва маҳсулот сифатини яхшилаш орқали тамаки барги ўртача сотиш баҳоларини оширишлари лозим.

3.16-жадвал

Тамакичиликда харид баҳо ўртача харажатлар плюс фойда тамойили асосида ўрнатилмоқда. Бунда асос сифатида 1 гектар ерга қилинадиган харажатлар олиниб, меъёрий ҳосилдорлик даражаси қўлланилади. Технологик хариталарга биноан тамаки ҳосилдорлиги «Дюбек» нави учун 25-32 ц/га бўлса, «Измир» навида бу кўрсаткич 10-12 ц/га ни ташкил қилади. Амалда эса, ҳосилдорлик анча паст бўлиб, «Дюбек»да ўртача 12-15 ц/га ни ва «Измир»да 5,5-9 ц/га ни ташкил қилмоқда.

Демак, баҳо белгилаш тамойили монопсон бозор шароитлари учун услубий жиҳатдан тўғри ва ижтимоий адолатли бўлса ҳам, иқтисодий жиҳатдан хўжаликларда самарадорлик даражасини таъминлай олмайди.

Хўжаликлар бўйича тамаки хом ашёси сотиш баҳолари даражасида табақаланиш кузатилади (3.16-жадвал). Маълумотларни иқтисодий гуруҳлаш услубидан фойдаланиб таҳлил қилиш натижалари кўрсатадики, хўжаликларда сотишдан тушган ялпи пул тушуми тақсимооти «60 % хўжаликларга ва 40% тамаки етиштирувчиларга» тартибида амалга оширилган.

«Дюбек» нави бўйича гуруҳларда ҳосилдорликнинг ошиб бориши (I гуруҳдаги 12,7 ц/га дан III гуруҳдаги 15,9 ц/га.ча) сотиш баҳоларининг ошиб бориши билан мутаносибликда юз берган. Мос равишда ҳосилдорликнинг 3,2 ц/га ёки 25,2% ошиши сотиш баҳоларининг 1 центнер ҳисобига 37,6 минг сўмдан 44,3 минг сўмга ёки 17,8 %га ошишига олиб келган. Яъни, ҳосилдорликнинг ошиши, ундаги сифат ўзгаришларининг яхшиланишидан далолат беради.

Сотиш баҳоси ошиб бориши, иккала навда ҳам 1 центнерга маҳсулотга тўғри келган меҳнат ҳақи мос равишда «Дюбек»да 23,8 минг сўмдан 25,9 минг сўмга (8,8%) ва «Измир»да эса 29,4 минг сўмдан 98,6 минг сўмга (3,4 марта) ошишига олиб келган. Лекин, 1 центнер тамакининг таннарни «Дюбек» навида 59,8 минг сўмдан 52,7 минг сўмга ёки 11,9 % га пасайгани ҳолда, «Измир»да 67,7 минг сўмдан 119,0 минг сўмга ёки 75,8% га ошган.

3.17-жадвал

Шунинг учун, зарар миқдори «Дюбек» навида 22,2 дан 8,5 минг сўмгача ва зарарлилик даражаси 37,1% дан 16,0% га тушган. «Измир» навида эса 16,0 минг сўм зарардан 54,8 минг фойдага чиққан ҳолда, рентабеллик -23,6%дан +54,8%га кўтарилган.

Таҳлил натижалари кўрсатадики, ўрганилган даврда тамаки ишлаб чиқарувчилар фаолиятида маҳсулот сифатини ошириш стратегик нуқтаи назардан энг муҳим масала ҳисобланади. Чунки III гуруҳ хўжаликлари самарадорликнинг асосий кўрсаткичи рентабеллик асосида баҳо берадиган бўлсак II гуруҳ хўжаликларидан биров пастроқ натижага эришган. Аммо маҳсулот таннархининг (119 минг сўм) ошишига асосан меҳнат ҳақи харажатларининг (98,6 минг сўм) кўпайиши таъсир қилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ишловчиларнинг моддий рағбатлантириш учун қилинган харажатлар пировард натижада умумий самарадорликни оширишга таъсир қилувчи бошқа омилларни ҳам ҳаракатга келтирувчи асосий манба ҳисобланади ва тармоқни самарали ривожлантиришга асос бўлади.

Туман хўжаликларида тамаки етиштириш рентабеллиги ва унга таъсир қилувчи омиллар ўзгаришидан шу нарса кўринадики, 2001-2004 йилларда «Дюбек» тамаки нави ҳосилдорлиги 17,6 ц/га дан 2003 йилда 9,1 ц/га тушгани ҳолда, 2004 йилда 25,0 центнерни ташкил қилган бўлса, «Измир» тамаки навида бу кўрсаткич 7,9 ц/га ни ташкил қилган (3.17-жадвал). 1 ц. тамаки таннархи «Дюбек»да 41,3 минг сўмдан 44,7 минг сўмгача, «Измир»да 107,0 минг сўмдан 120,6 минг сўмгача ошиб борган. Лекин, 1 ц. маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси «Дюбек» навида 31,6%га ўсган бўлса, «Измир» навида 16,8%га пасайганлиги кузатилган.

Ушбу иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши, ўз навбатида рентабеллик даражасига таъсирини ўтказган. Жумладан, «Дюбек» навида 2001 йилда рентабеллик даражаси -11,7% бўлган бўлса, 2004 йилда 10,9%ни ташкил этган. «Измир» навида ўртача сотиш баҳоси камайгани ҳисобига рентабеллик даражаси 32,6 %дан -1,1 % зарарга тушиб қолган. Ўз навбатида қишлоқ

хўжалигининг муҳим ишлаб чиқариш ресурси ҳисобланган ердан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи 1 га ер майдони ҳисобига яратилган фойда миқдори даражаси ҳам ўрганилган даврда навлар бўйича турлича бўлганлигини кўриш мумкин. Тадқиқот натижалари кўрсатадики, «Дюбек» нави бўйича кейинги йилларда бу кўрсаткич оз бўлсада ижобий тарафга ўзгарган, яъни 2004 йилда 1 га ерга тамаки экиш ишлаб чиқарувчига 122 минг сўм фойда келтирган, олдинги йилларда эса хўжаликлар фойда олишга эриша олишмаган. «Измир» навида мос равишда бу кўрсаткичнинг салбий тарафга ўзгарганлигини кўриш мумкин. Бу нав тамаки етиштиришдан хўжаликлар кейинги йилларда фойда олишмаган, яъни 2004 йилда 1 гектар тамаки етиштириш хўжаликка фойда ўрнига 10,8 минг сўм зарар келтирган. Бир қатор омиллар таъсири тамаки ишлаб чиқаришда рентабелликнинг пасайиб кетишига сабаб бўлган ва ишлаб чиқарувчиларнинг бозор шароитида фаолият юритишларининг қийинлашувига сабаб бўлган.

3-бўлим бўйича хулоса

Амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда қуйидагича хулосалар қилиш мумкин:

- республикада етиштирилиб келинаётган «Дюбек» ва «Измир» тамаки навларида ҳосилдорликнинг ошиб бориши, маҳсулот таннархининг пасайишига олиб келган. Хусусан, «Дюбек» ва «Измир» тамаки навларида мос равишда ҳосилдорлик 2,3 ва 1,3 марта ошганда таннарх 29,5% ва 9,8% га пасайган. Лекин, иккала навда ҳам таннарх меҳнат ҳақи пасайиши ҳисобига амалга ошган. Ҳолбуки бу жараён тамаки етиштиришни интенсивлаштириш ва тармоқда меҳнат унумдорлигини ошириш орқали амалга оширилиши лозим эди.

Тамаки меҳнатни кўп талаб қиладиган экин бўлганлиги учун меҳнат унумдорлиги даражасини пастлиги ишларнинг механизациялаш даражасининг пастлиги билан тавсифланади.

- ферментланган тамаки барглари хом ашёнинг кимёвий таркиби билан аниқланадиган сифат кўрсаткичлари даражаси билан баҳоланади. Бу кўрсаткичлар асосан тамаки етиштириш технологияси ва тупроқ-иқлим шароитлари билан белгиланади.

Мавжуд технологияга кўра тамаки кўчат услубида етиштирилиб, бунда ҳосил миқдори ва олинадиган тамаки хом ашёси сифати кўп жиҳатдан тамаки кўчатини экиш муддати ва қалинлигига боғлиқ. Иккала навда ҳам кўчатларни эртароқ, яъни белгиланган меъёрий вақтда ўтқазиш унинг сифатини яхшилашга ёки юқори навли тамаки барги салмоғининг кўпайишига олиб келган ва ҳосилнинг қўшимча ўсиш суръатини тезлаштирган.

Эрта экилган «Дюбек» навида бу ўсиш суръати 73,5% ва 58,0% ни ташкил этган бўлса, «Измир» навида эса мос равишда 57,8% ва 36,4% ни ташкил этган. Сифатнинг яхшиланиши сотиш баҳосининг ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатган;

- тамакичиликда кўчат қалинлиги ва умумий кўчатлар сонининг кўплиги пировард натижада ҳосилдорлик ошишига таъсир кўрсатади. «Дюбек» навида кўчатлар зичлиги, яъни уларнинг энг кам (60х7) ораликда экилиши 1 гектар ҳисобига умумий кўчатлар сонининг кўпайиши ва пировард натижада ҳосилдорликнинг 15,1 ц/га (60х15 га нисбатан) ёки 40,3 % га ошишига олиб келади. Юқори нав чиқиши ҳам мос равишда 7,3% га ошган. Навнинг яхшиланиши, унинг сотиш баҳоси ошишида кўринади, яъни 1 кг тамакининг ўртача сотиш баҳоси 566,7 сўмни ташкил этган бўлиб, у 20 сўм ёки 3,7 %га кўпдир. Рентабеллик даражаси 41,6% ни ташкил қилган.

«Измир» тамаки навида самарадорлик даражаси кўчат қалинлашган сари ва суғоришлар сони камайиб бориши билан ошиб боради. Энг юқори самарадорлик даражасига 30х7 см экиш қалинлигида ҳамда суғорилмасдан етиштирилганда эришилган ва ҳосилдорлик даражаси 13,2 ц/га ни, юқори навлар чиқиши 32,7% ни ва бир центнер маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси

нисбатан юқори бўлиб 169089,6 сўмни ташкил қилган. Рентабеллик даражаси амалдаги -13,1%дан 31,7% га чиқиш имконини берган;

- минерал ўғитлардан фойдаланишнинг оптимал даражасига эришиш ҳосилдорлик ва хом ашё сифати ўртасидаги тескари корреляцион боғланишнинг оптимал нуқтасига эришиш имконини беради. Тамакининг «Дюбек» навида минерал ўғитларни оптимал нисбатларда солиш, ўғитсиз майдонларга нисбатан 2 баробарга, яъни 12,3 ц/га дан 23-27 ц/га гача ошириш имконини беради. Сифат ўзгаришлар эса, яъни юқори навлар чиқиши, ўғитсиз майдонган нисбатан 5-9 % кўтарилади, яъни 81,7%дан 86-90%гача.

«Измир» тамаки навида минерал ўғит солишнинг оптимал варианты фосфор ва калийнинг нисбатининг ошиб бориши билан тавсифланади. Бу ерда «Измир» тамакиси асосан паст унумдор ерларда экишга мулжалланганлиги сабабли, унинг ҳосилдорлиги ўсиши билан унинг товарлилик хусусиятлари ва натижада айрим молиявий кўрсаткичлар ўртасида тескари мутаносиблик мавжуд. Ҳосилдорлик 10,1 дан 14,5 ц/га.га ўсиб бориши баробарида олий нав чиқиши мос равишда 22,5% дан 7,1 % га тушиб боради.

«Измир» навини паст унумли, азот миқдори, органик ва минерал ўғитлар кам майдонларни танлаб экиш, маҳсулот сифатини ва мос равишда, унинг ўртача сотиш баҳоси ва ишлаб чиқариш самарадорлик даражаси ошишига сабаб бўлади;

- тамаки меҳнат сиғими юқори бўлган экин бўлиб, унинг тарихан жойлашиши ҳудудлари ҳам меҳнат ресурслари билан юқори даражада таъминланганлик билан изоҳланади. Меҳнат унумдорлиги даражаси «Измир» навида «Дюбек» навига нисбатан ўртача 3-4 баробарга юқори, меҳнат сиғими эса 1,6-1,8 баробарга паст. Натура шаклидаги меҳнат унумдорлиги ҳам ўртача «Измир» навида «Дюбек»ка нисбатан 1,1-1,6 марта юқорироқ натижага эришилган;

- етиштирилаётган тамаки учун сарфланаётган меҳнат харажатларининг деярли 80 – 85 фоизи ва моддий харажатларнинг 60 фоиздан ортиғи тамаки етиштирувчи оилалар ҳисобига тўғри келмоқда. Тамакичиликда оила пудратининг кенг ривожланганлиги ва уларнинг пировард натижа билан боғлиқлигини ҳисобга олиб, бизнинг фикримизча, тамаки учун тўланадиган ҳақнинг 45-50 фоизи тамаки етиштирувчиларга ҳеч қандай чегиримларсиз ўтказилиши лозим;

- Самарқанд вилояти Ургут тумани хўжаликларини табиий ва иқтисодий шароитларини ҳисобга олиб, ҳамда тамаки етиштириш харажатларидаги фарққа қараб улар фаолиятини шартли равишда 3 гуруҳга бўлиб таҳлил қилиш тавсия қилинади. Яъни:

- тўлиқ оқар сувдан фойдаланган ҳолда деҳқончилик қилувчи хўжаликлар;
- 50 фоиз атрофида насослар ёрдамида экинларни суғориб деҳқончилик қилувчи хўжаликлар;
- 100 фоиз насослар ёрдамида экинларни суғориб деҳқончилик қилувчи хўжаликлар;

1-гуруҳ хўжаликларда «Дюбек» ва тамакининг ярим склет типигаги саноат навларини, 2-гуруҳ хўжаликларида «Дюбек» ва «Измир» навларини ҳамда 3-гуруҳ хўжаликларида асосан «Измир» навини етиштиришни жойлаштириш ҳудудлар бўйича хўжаликларнинг табиий шароитларига мос келади ва иқтисодий самарадорлик даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

- тадқиқотлар кўрсатишича, тамаки сифат кўрсаткичлари пасайиб бориши энг аввало соҳада деҳқончилик маданиятининг бузилиши ва агротехника қоидаларига риоя қилмаслик ва тармоқда яққаҳоким бўлган тайёрлов ташкилотининг ўз манфаатидан келиб чиққан ҳолда сифат сиёсатини ўтказишидир;

Республикаимиз, хусусан, асосий тамаки етиштириш зонаси бўлган Ургут тумани хўжаликларида ишлаб чиқариш ва сотиш рентабеллиги даражаси

мавжуд имкониятларга нисбатан анча паст даражада бўлиб, бу ерда самарадорликни ошириш асосий имконияти сифатида тамакикор деҳқон моддий манфаатдорлигини ошириш масаласи ҳал этилиши лозим.

ХУЛОСА

Тамакичилик хўжаликлари фаолиятлари самарадорлигини яқин ва узоқ истиқболда ошириш имкониятларини ҳар томонлама таҳлил қилиш натижаларидан қўйидаги хулосаларга келинди ва таклифлар берилди:

1. Бозор шароитида мамлакат агросаноат мажмуасининг муҳим тармоғи бўлган тамаки ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятларини тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб, харажатларни тежаш концепциясидан фойдаланган ҳолда ўрганиш, бунда иқтисодий самарадорлик даражаси ва кўрсаткичларини халқ хўжалиги ва тармоқ даражасида ўрганиш билан биргаликда корхона миқёсида ва алоҳида тадбирлар бўйича амалга ошириш имкониятларини очиб беради. Тамакичилик мажмуи тармоқлари фаолиятини иқтисодий самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар ва уларга таъсир этувчи омиллар бозор муносабатлари шароитига мос ўрганилмаганлигини ҳисобга олиб, тамакичиликда маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва сотишнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Истеъмол қилинган ресурслар қийматини ва улардан олинган пировард натижани акс эттирувчи умумлаштирувчи кўрсаткич – харажатлар рентабеллиги ва бошқа хусусий кўрсаткичлар ҳамда уларга таъсир этувчи омиллар ягона тизимга келтирилди. Бу омиллардан фойдаланишни такомиллаштириш имкониятлари таклиф қилинди.

2. Республикада қарийб 1 асрдан буён саноат асосида етиштирилиб келинаётган тамаки хом ашёсининг асосий қисми Ургут туманига тўғри келиб, унда қулай тупроқ-иқлим шароитлари ва моддий-техника базаси ҳамда шаклланган тамаки деҳқончилиги тизими маданияти мавжуд. Шунингдек, туманда аҳоли жойлашиш зичлигини ҳисобга олган ҳолда,

меҳнат сиғими юқори бўлган тамакичиликни ривожлантириш муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, Шарқ типига кирувчи «Дюбек» ва «Измир» хушбўй тамаки навлари етиштирилади. Тамаки ишлаб чиқаришнинг ички ҳудудлар бўйича жойлашиш шароитларини ўрганиш ва қиёсий маълумотлар асосида таҳлил қилиш натижасида Шарқ типигаги тамаки биологик навларини етиштириш талабларига кўра уларни табиий-иқтисодий ҳудудлар бўйича жойлаштириш зарурияти асосланди. Тамаки ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ернинг сифати, унинг ҳосилдорликка тасири ўрганилди. Бунда юқори унумдор (бонитет бали 74 дан юқори) ерларда «Дюбек» навини етиштирувчи хўжаликлар мавжуд имкониятлардан паст самара билан фойдаланилаётганлиги, шунингдек, «Измир» навини унинг агротехникасига зид равишда юқори унумдор, суғориладиган ерларда етиштирилиши аниқланди ва унинг самарадорликка таъсири даражаси ҳисобланди. «Измир» навини паст унумдор, азот миқдори кам ҳамда лалми ва шартли суғориладиган ерларда етиштириш, «Дюбек» навини эса нисбатан юқори унумдор ҳамда суғориладиган ҳудудларда етиштириш тавсия этилди. Шунингдек, тамакининг биологик навлари бўйича агротехник тадбирлар вариантларининг самарадорлик даражасига таъсири ўрганилиб, уларни кулллашни такомиллаштириш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

3. Тармоқда тамакикорлар томонидан тамаки тайёрлаш пунктларига топширилган ҳосил учун тўлов ўз вақтида хўжаликлар томонидан амалга оширилмаганлиги етиштирилган тамаки баргини оилалар томонидан нақд пулга ноқонуний фаолият юргизган харидорларга сотилишига олиб келган. Натижада амалда хўжаликлар экин майдонларида, улар ишлаб чиқариш фондлари воситасида етиштирилган тамаки хом ашёси расмий каналларни четлаб, ноқонуний равишда кўшни давлатларга олиб чиқиб кетилган. Ушбу каналлар орқали сотилган тамаки учун оилалар хўжаликлар томонидан тўланаётган қийматни олсаларда, хўжаликлар улуши яширин воситачилар қўлида тўпланган. Воситачилар ҳеч қандай сифат сиёсатини юргизмаган-

ликлари учун бу каналлар орқали сотилган тамаки ўта паст сифатга эга бўлиб, бу ўзбек тамакиси имиджининг унинг асосий истеъмолчиси бўлган Россия бозорида тушиб кетишига ва бозорни бошқа рақобатчи ишлаб чиқарувчилар томонидан эгалланишига олиб келди. Бозордаги ноаниқликлар ва хўжаликлар томонидан қўлланилган маъмурий жазо чоралари тамакикорларда моддий манфаатдорлик туйғусини пасайтириши натижасида тамаки ҳосилдорлиги ва унинг сифати кескин тушиб кетди.

4. Ҳозирда амалда тамаки хом ашёси бирламчи бозорида ягона харидор – «ЎзБАТ» ҚК фаолият юритиб келмоқда. Бундай ҳолат бозор иқтисодиёти тамойилларига мутлақо зиддир. Тамаки хом ашёсини сотишнинг биз таклиф этаётган янги моделида ҳозирда амал қилаётган шартнома асосида тамаки етиштириш ва сотиш тизими сақланиб қолган ҳолда бунга қўшимча равишда янги, аукцион қўринишидаги сотиш шаклини жорий қилиш кўзда тутилган. Ушбу аукционда хўжаликлар таркибида фаолият юритаётган пудратчи оилалар билан бир қаторда фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳам иштирок этишлари мумкин бўлади. Ушбу моделни қўллаш натижасида тамаки барги бирламчи бозорида эркин рақобат муҳити вужудга келади. Бу тизим йирик фермер хўжаликларига ижара пудрати асосида тамаки етиштириш имконини беради. Тамакикорлар ҳоҳлаган вақтда етиштирган маҳсулотларини сотиш имкониятига эга бўладилар. «Измир» навини етиштириш учун қулай бўлган унумдорлиги паст, лалми ҳамда шартли суғориладиган мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида етиштиришни кенг миқёсда тарқалишида, етиштирилган ҳосилни савдо уйларида эркин сотишга имкон яратади, шу орқали унинг хуфёна сотилишини олдини олади.

5. Корхоналар миқёсида самарадорлик даражасини ўрганишда 1 гектар ер майдонига тўғри келадиган маржинал даромад таҳлили амалга оширилди. Тамакичилик хўжаликлари учун мавжуд ресурслар салоҳиятидан фойдаланиб ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг илғор усуллари қўллаш жараёнида улар фаолиятининг зарарсизлик нуктаси аниқланди.

«Измир» тамаки навини етиштиришда зарарсизлик нуқтасига 1 гектарга 796 минг сўм ялпи маҳсулот ёки 6,1 центнер ҳосилдорликда, «Дюбек» навида эса бунга 16,4 центнер ҳосилдорликда эришилганлиги аниқланди.

6. Ургут тумани хўжаликларини табиий ва иқтисодий шароитларини ҳисобга олиб, тамаки етиштириш харажатларидаги фарққа ҳамда тамаки саноат навларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятини шартли равишда 3 гуруҳга бўлиб таҳлил қилиш ва баҳолаш тавсия қилинди. 1-гуруҳ хўжаликларда «Дюбек» ва тамакининг ярим склет типига саноат навларини, 2-гуруҳ хўжаликларида «Дюбек» ва «Измир» навларини ҳамда 3-гуруҳ хўжаликларида асосан «Измир» навини етиштиришни жойлаштириш таклиф қилинди.

7. Республикада етиштирилиб келинаётган Шарқ типига иккала («Дюбек» ва «Измир») навда ҳам ҳосилдорликнинг ошиб бориши, таннархнинг пасайишига олиб келган. «Дюбек» ва «Измир» навларида мос равишда ҳосилдорлик 2,3 ва 1,3 марта ошганда бу кўрсаткич ҳам 29,5% ва 9,8% га пасаяди. Лекин, иккала навда ҳам асосан меҳнат ҳақини пасайтириш ҳисобига амалга оширилган. Ҳолбуки бу жараён тамаки етиштиришни интенсивлаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Тамаки меҳнатни кўп талаб қиладиган экин бўлганлиги учун меҳнат унумдорлиги даражасини пастлиги ишларни механизациялаш даражасининг пастлиги билан характерланади.

8. Етиштирилаётган тамаки учун сарф бўлаётган меҳнат сарфининг деярли 80–85 фоизи ва моддий харажатларнинг 60 фоиздан ортиғи тамаки етиштирувчи оилалар ҳисобига тўғри келганлигини, оила пудратининг кенг ривожланганлиги ва уларнинг пировард натижа билан боғлиқлигини ҳисобга олиб, бизнинг фикримизча, тамаки учун тўланадиган ҳақнинг 50 фоизи тамаки етиштирувчиларга ҳеч қандай чегирилмасиз ўтказилиши лозим.

9. Тармоқда хўжаликлар томонидан етиштирилган тамаки барги асосан «ЎзБАТ» қўшма корхонаси тамаки ишлаб чиқариш ва тайёрлаш

бўлими томонидан 2 ва 3-навга харид қилинган. Фикримизча, бу ерда сифат кўрсаткичларининг бу даражада паст бўлишининг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд бўлиб, булар дехқончилик маданиятининг бузилиши ва агротехника қоидаларига риоя қилмаслик ҳамда тармоқда яккаҳоким бўлган тайёрлов ташкилотининг ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сифат сиёсатини ўтказишидир.

10. Ўтган асрда Шарқ типига тамаки етиштириш агротехникасига зид равишда суғориш ва минерал ўғитлар солишни интенсив равишда қўллаш туманда етиштирилиб келинган «Дюбек» навидаги тамакини сифат кўрсаткичини пасайтириб юборди ва натижада ички ва ташқи бозорда мазкур хом ашёга бўлган талаб кескин пасайиб кетди. Талабнинг пасайиши ва бозорда ортиқча хом ашёнинг тўпланиб қолиши «Дюбек» навидаги тамакига паст баҳоларнинг ўрнатилишига сабаб бўлди. Сўнгги йилларда тармоқда тамаки хом ашёси харид баҳолари амалда монопсоник харидор бўлган Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон қўшма корхонаси томонидан ўрнатилиб келинмоқда. Агар “Дюбек” нави учун товар навлари бўйича баҳолар табақалашуви тарихий мутаносибликда давом этиб келаётган бўлса, “Измир” навида товар навлари харид баҳолари ўртасида кескин табақалашув мавжуддир. Бу корхонанинг маҳсулот сифат даражасини яхшилашга ва экспортбоп бўлган юқори товар навлар чиқиши салмоғини оширишга интилиши билан асосланади. Шу билан бирга ишда тамаки бозор баҳоларини оширишда ишлаб чиқарувчи ва уни дастлабки қайта ишловчилар учун ташқи иқтисодий алоқаларни либераллаштиришни ва тармоқда кўп сонли, бир-бири билан рақобат қилувчи субъектлар фаолияти ташкилий-иқтисодий шароитларини такомиллаштириш таклиф қилинган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I.Расмий материаллар

Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1.1.1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси (Асосий қонун). – Тошкент: Ўзбекистон. 1992 йил.

1.1.2. «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида». Тошкент. 1992 йил.

1.1.3. «Қишлоқ хўжалик кооперативи(ширкат хўжалиги) тўғрисида» - Тошкент: Ўқитувчи. 1998 йил.

1.1.4. «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш тўғрисида» - Тошкент: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи. 1999 йил.

1.1.5. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» -Тошкент. 1992 йил.

1.1.6. «Ижара тўғрисида» -Тошкент. 1992 йил.

1.1.7. «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида» -Тошкент. Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи. 1999 йил.

1.1.8. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. – Тошкент. 1995 йил 21 декабр.

1.1.9. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. -Тошкент. Ўқитувчи. 1998 йил.

1.1.10. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. - Тошкент. Адолат. 1996 йил.- 528 бет.

1.1.11. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. - «Солиқ тўловчининг журнали». 1997 йил. № 6.

1.1.12. «Фермер хўжалиги тўғрисида» -Тошкент. 1998 йил 30 апрел.

1.1.13. «Дехқон хўжалиги тўғрисида» -Тошкент. 1998 йил 30 апрел

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари

1.2.1. «О кардинальных мерах по совершенствованию системы расчетов в сельском хозяйстве». № УП-1734 от 11.03.97 г

1.2.2. «О программе углубления экономических реформ в сельском хозяйстве на период 1998-2000 годы». № УП-1978 от 18.03.98 г.

1.2.3. «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида» № УП-2086, 10.10.98 й.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари ва қўмиталари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

1.3.1 Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. // 1-2 китоб. –Т.: Шарқ. 1998.

1.3.2 Ширкат хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарида оила (жамоа) ва бошқа ички хўжалик бўлинмалари билан ҳисоб-китоб қилиш, уларга хўжалик ҳисоби принциплари асосида ҳамда раҳбар ходимлар ва мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби бўйича Тавсия. –Т.: -1999.

1.3.3 «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга талаб этиладиган меҳнат ва моддий ресурслар меъёрлари». -Тошкент. 1997 йил.

1.3.4 «Маҳсулот(иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида» Низом. / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 февралда тасдиқланган. // «Солиқ тўловчининг журнали», 1999 йил. № 3.

1.3.5 «Тамаки саноатини ривожлантиришга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида» /Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори // 15 ноябр 1999 йил, №496.

1.3.6 «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контракция шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисидаги» /Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори// 29 август 1999 йил №428.

1.3.7 ««ЎзБАТ Х.Ж.» ҚҚга топширилган тамаки барги учун ҳисоблар тартиби» / Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 17 декабр 1999 йилда тасдиқланган, №155-В.

II. Президент Ислон Каримов асарлари

2.1. Каримов И.А. Эришган масалаларни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш асосий вазифамиз. // Қишлоқ ҳаёти. 2004 йил 10 февраль.

2.2. Каримов И.А. «Қишлоқ хўжалиги тараққиёти тўкин ҳаёт манбаи» Т. «Ўзбекистон» 1998

2.3. Каримов И.А. Дехқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи. - Тошкент: Ўзбекистон. 1994 йил.

2.4. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Тошкент: Ўзбекистон. 1993 йил.

2.5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Тошкент: Ўзбекистон. 1995 йил.

2.6. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йуналишлари. -Тошкент: Ўзбекистон. 1993 йил.

2.7. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат–Тошкент: Ўзбекистон. 1992 йил.

2.8. Каримов И.А., «Бизнинг бош мақсадимиз–жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи», 29 янв. 2005

3. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар

3.1. А.Абдуғаниев, А.А. Абдуғаниев қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Т. «Ўзб.ёзув.уюш.Адаб.жамғ.нашр.», 2004

3.2. Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. Тошкент: Меҳнат. 1996.

- 3.3. Абдуллаев Ё.А. Микроиқтисодий статистика. Т. Меҳнат. 1998й.
- 3.4. Аграр соҳада ислохотларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш муаммолари ва ечимлари. -Т.: Меҳнат. 2003 й.
- 3.5. Акрамов Э.А., Тоиров А.Э. Экономические реформы республики Узбекистан. - М.: Люкс-арт. 1993.
- 3.6. Вехи экономической мысли. // Под редакции В.М. Гальперина. В 3-х томах. - Санкт-Петербург. Высшая школа экономики. 2000.
- 3.7. Волков О.И. Экономика предприятий. // Учебник. 2-е изд. М. 2001 г.
- 3.8. Государственное регулирование рыночной экономики: // Учебное пособие. -М.: -Дело. -2001.
- 3.9. Добрынин В.А. Актуальные проблемы экономики агропромышленного комплекса. –М.: -МСХА. -2001
- 3.10. Жураев Ф.Ж. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш (Дарслик). –Тошкент: «Истиқлол». 2004 йил.
- 3.11. Исмоилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти (Дарслик). Тошкент: Молия, 2003 йил.
- 3.12. Каюмов Ф.К. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку. – М.: -ИПО Полигран. –1991.
- 3.13. Ким В.В. Методология и методика определения экономической эффективности сельскохозяйственного производства. –Т.: Вып. 58.. ТашИНХ, 1970
- 3.14. Қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари, фермерлар учун амалий қўлланма ва тавсиялар. СамқХИ, 1999 йил.
- 3.15. Қишлоқ хўжалик раҳбарлари, фермерлар учун амалий қўлланма ва тавсиялар. Самарқанд ҚХИ. 2001 й
- 3.16. Коваленко Н.Я., Сорокин В.С. Сельскохозяйственные рынки. -М.: МСХА. 1998 г.
- 3.17. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. // Курс лекции. Москва. 1999 306-307 б.

3.18.Кучимов Х.Э. Повышение региональной экономики табачного комплекса. Тошкент: Меҳнат. 1990 йил.

3.19.Макконнел К.Р, Брю С.Л. Экономикс- Принципы, проблемы и политика. Пер. с англ. Таллин . 1993

3.20.Наркулов Р.И. Выбор проектных решений в аграрном секторе. – Ташкент: Фан. 1995

3.21.Пиндайк Р., Рубинфельд Д. «Микроиктисодиёт » Тошкент, Шарқ, 2002 йил.

3.22.Попов Н.А. Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства. / Учебник.// -Москва: Изд. РУДН. 2001 г. -352 с

3.23.Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. / Учебник. // -Москва: 2001 г. -129 с.

3.24.Ражабов Р., Ражабов О. Молиявий натижалар ҳисоботи ва таҳлили. // Ж.: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2002 й. №1

3.25.Руднев В.Д., Боробов В.Н. Государственное и рыночное регулирование форм хозяйствования в аграрном секторе экономики. Москва. 2000 г.

3.26.Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий АПК. –Минск: Новое знание. 2001. 187-191, -269 с.

3.27.Самарқанд вилояти Ургут тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси корхоналари йилик ҳисоботлари. 1999-2004 йиллар.

3.28.Самарқанд вилоятининг барча тоифадаги корхоналарида қишлоқ хўжалик экинлари майдони ҳосилдорлиги ва ялпи терими тўғрисидаги маълумот. // Самарқанд статистика бошқармаси. 1999-2004 йиллар.

3.29.Самарқанд вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш якунлари ва ислохотларни бориши тўғрисида. // Самарқанд вилояти иқтисодиёти ва статистика бош бошқармаси. 1999-2003 йиллар.

3.30.Сметанин Р. Развитие аграрно-промышленного комплекса страны. // Плановое хозяйство. 1980. № 6.

3.31.Сулаймонов Ш.С. Аграр иқтисодиёт назарияси. / Ўқув қўлланма. // СамҚХИ. 1995.

3.32.Тироль Жан. Рынки и рыночная власть: теория организации промышленности. В 2-х томах. -Санкт-Петербург: Высшая школа экономики. 2000.

3.33.Тухлиев Н. Региональный агропромышленный комплекс. –Т.: -Фан. –1990.

3.34.Умирзоков У.П., Чориев К. А. Организационно-экономические и правовые основы реструктуризации сельскохозяйственных предприятий на переходном этапе. -Т.: Мехнат. -1997.

3.35.Умурзаков Э. Технология возделывания и уборки восточных и американских сортов табака в условиях Узбекистана:Дис. ... док. сель. наук.-Т: УзНИИХ, -1999.

3.36.Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. – Т.: Ўзбекистон. Миллий энциклопедияси. 1998 й.

3.37.Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. –Тошкент: Мехнат. 1996 йил.

3.38.Ўлмасов А., Тухлиев Н. Бозор иқтисодиёти. –Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти. 1991

3.39.Фишер С. Экономика. / Руководства по изучение учебника. // - Москва: Экономика. 2001 год.

3.40.Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика (перевод с английского). –Москва: Дело. 2001 год.

3.41.Хамдамов К.С. Бозор иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалиги.–Тошкент: Мехнат. 1993 йил.

3.42.Хикматов А. Стратегия и тактика структурных преобразований в национальной экономики Республики Узбекистан. // Экономический вестник Узбекистана. -1999. -№ 11. –Б.

3.43.Хусанов М. Экономические проблемы оплаты труда в колхозах Узбекистана. –Т.: Фан. 1976

3.44.Хусанов М., Юсупов О. Совершенствование организации и оплаты труда в сельском хозяйстве. –Т.: Узбекистан. 1981

3.45.Хусанов Р. Х. Аграрная реформа: Теория, практика, проблема. – Т.: Узбекистон. -1994.

3.46.Хусанов Р.Х. Қосимов М. Деҳқон хўжалиги юритишнинг илмий ва амалий асослари. – Т.: -2000.

3.47.Хушвақтов С.Х., Умурзоқов Э.У. Ўзбекистон тамакиси. –Т.: -Меҳнат. -1986.

3.48.Цеддис Ю., Райш Э., Угаров А.А. Экономика сельскохозяйственных предприятий. –М.: -МСХА. -2000 71 б.

3.49.Чжен В.А. Бозор ва очик иқтисодиёт. –Т.: -1996.

3.50.Чжен В.А. Бозор қонунияти асослари. –Т.: Бизнес Каталог. -1996. - №3.

3.51.Чжен В.А. Бозор шароитида минтақанинг тармоқ тараққиёти. –Т.: Бизнес Каталог. 1997 йил. №5.

3.52.Чориев К.А. Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку. –Т.: Фан. 1992

3.53.Экономика предприятий и отраслей АПК. Учебник. Под. ред. П.В.Лекиловского, Л.Ф.Догиля, В.С.Тонконовича. – Мн.: БГЭУ, 2002 год.

3.54.Эркаев Б.А., Каримова Г. Бозор иқтисодиёти (изоҳли луғат). –Т.: -1997.

3.55.Cramer L.Gail, Jensen W. Clarence, Southgate D. Douglas, Jr. “Agricultural Economics and Agribusiness” 7th edition, John Wiley & Sons, Inc. New York 1997.

3.56.Kohls R., Uhl N. Joseph. Marketing of Agricultural Products. 9th ed. Purdue University, Prentice Hall, Upper Saddle River, NJ 07458

3.57.Kotler Philip & Armstrong Gary “Principles of marketing” 9th edition, Upper Saddle River, NJ- 2001

3.58. Roger A. Arnold “ Microeconomics” 6th edition, Soth-Western College Publishing, Cincinnati, 2004.

3.59. Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue. Microeconomics-Principles, Problems, and Policies. -15th ed. New York, NY, USA: McGraw-Hill/Irwin. 2002
у

3.60. David Colman. Trevor Yang. Principles of Agricultural Economics- Markets and prices in less developed countries. Cambridge, United Kingdom: Cambridge University Press, 2002у

IV. Илмий мақолалар ва конференция тезислари

4.1. Абдуғаниев А. Харажатларни режалаштириш. // -Ж.Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2001й. №6

4.2. Ахроров Ф. “Опыт развития табачной отрасли США и возможности её применения для повышения экономической эффективности табачного комплекса Узбекистана” Сибирская деревня: история, современное состояние, перспективы развития. Сборник научных трудов. Часть 3. ОмГАУ 2004, Россия

4.3. Ахроров Ф. «Табачная отрасль США: история, опыт развития и возможности её применения в Узбекистане». Сборник статей участников FEP/USDA. Декабрь 2003г. Вашингтон. США

4.4. Ахроров Ф. Ганиев И., Курбанов И. “Углубление реформ в аграрном секторе и резервы повышения их экономических эффективности в Республики Узбекистан”. Материалы международной научной конференции. Декабрь 2001. -МСХА 2002 –М.: -Россия

4.5. Ахроров Ф. Муртазаев О., «Рентабелликни ошириш мумкинми?» «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. 1999 йил.

4.6. Ахроров Ф. Муртазаев О., Жонибеков Ф. “Проблемы повышения рентабельности производства технических культур в хозяйствах

Узбекистана». Материалы международной научной конференции. Декабрь 2001. МСХА 2002 Москва, Россия.

4.7. Ахроров Ф., Хасанов Ш. «Резервы повышения эффективности продуктов орошаемого земледелия в Узбекистане» Материалы международной научной конференции. –М.: -МСХА –2002.

4.8. Ахроров Ф., «Дюбекдан «Измир»га» «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. –2005. -№7.

4.9. Қишлоқ хўжалигида бозор ислохотларини кескин чуқурлаштириш муаммолари / (Ёш олим ва мутахассисларни илмий мақолалар тўплами). // Самарқанд ҚХИ. 1998 й.

4.10. Қишлоқ хўжалик тараққиёти – фаровонлик манбаи мавзусидаги илмий тўплами. // Самарқанд ҚХИ. 2001 й.

4.11. Курьякубов И.А. Экономические методы государственного регулирования развития сельского хозяйства в условиях рыночных отношений. // Сборник научных трудов ОмГАУ. Омск. 2002 г.

4.12. Материалы международной научной конференции. / (Декабрь 2001 год), сборник научных трудов (выпуск 8). // -Москва: Изд. МСХА.. 2002

4.13. Материалы международный юбилейной научной конференции. / Сборник научных трудов. -М.: МСХА. 2003 г.

4.14. Методические рекомендации по планированию, учету и калькулированию себестоимости продукции(работ, услуг) в сельском хозяйстве. / Утвержден Минсельхозпродом РФ 04.07.96 П-4-24/2068 по согласованию с Минэкономики и Минфином РФ. // Журнал «Бухгалтерский учет» №6.98.27 б.

4.15. Методические рекомендации по планированию, учету и калькулированию себестоимости продукции в сельском хозяйстве. // Ж.: Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. -1992. №1.

4.16. Муртазаев О., Абдуҳакимова Р. «Рентабеллик» //«Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали.2000 йил.

4.17. Хасанжонов К. А., Муминов Б. Проблемы интенсификации сельского хозяйства в рыночных условиях развития.

4.18. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йуналишлари. / Илмий амалий конф. маърузалари тўплами // -Т.: ЎзБИИТИ -2002.

4.19. Холбоев Д., Қоракулов М. Тўғри ҳисоб-китоб - бозор иқтисодиёти талаби. // Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 1999 йил. № 3

4.20. Ҳусанов М.Х. , Саттаров Ш.Х. , Саиджонов С. Ж. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари самарадорлигини ошириш имкониятлари. / Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш муаммолари. // Халқаро илмий-амалий конференция маълумотлари. – Т.: Ўз.БИИТИ. 2003 й.

4.21. Ҳусанов Р. Х. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги мустақиллик йилларида: муваффақият ва муаммолар. // Ж.: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2001 й. №5.

4.22. Ҳусанов Р.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўллари. / Ил-амал. Конференция маърузалари тўплами. // –Т.: Ўз.БИИТИ. 2002 й.

4.23. Хушматов Н. Муқимов З. Бизнес – режа: Унинг бажарилиши хўжалик ривожини таъминлайди. // Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2003 йил № 10.

4.24. Юсупов М. Қишлоқ хўжалигини молиявий соғломлаштириш усуллари. // Ж: Бозор, пул ва кредит. Июль 1998 йил.

ИЛОВАЛАР

1-илова

**Тамаки кўчати етиштиришда парник учун иш ҳақи харажатлари
(2003 йил тарифлари бўйича, 80 м² учун)**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Иш ҳажми	Жами смена миқдори	Ишнинг таъриф разряди	Ишнинг смена нормаси	Тариф ставкаси, сўм	Иш ҳақи фонди, сўм
Ерни тайёрлаш	м.кв.	80	0,4	III	200	558,93	223,57
Парникка тупроқ солиш	м.кв.	80	0,4	III	200	558,93	223,57
Маҳаллий ўғит солиш	т.	2	2	III	1	558,93	1117,86
Озука аралашмаси тайёрлаш	т.	40	5	III	8	558,93	2794,65
Уруғ сепиш	м.кв.	80	0,27	III	300	558,93	150,91
Парник учун шувок уриш	кг.	300	1	VI	300	734,47	734,47
Шувокни ёпишга тайёрлаш	кг.	300	1	II	300	507,83	507,83
Уруғ устига озука аралашма сепиш	м.кв.	80	0,42	III	190	558,93	234,75
Парник суғориш	м.кв.	480	5,33	III	90	558,93	2979,1
Парникни ўтоқ килиш, 1-ўтоқ	м.кв.	80	3,2	III	25	558,93	1117,86
2-ўтоқ	м.кв.	80	2,3	III	35	558,93	1285,54
3-ўтоқ	м.кв.	80	2		40	558,93	1117,86
Парникни озиклантириш	м. кв. 4 марта	200	2		200	558,93	1117,86
Кўчат узиш	Минг дона	12	10		12	461	4610
Жами:							18886,55

Манба: Тамаки етиштириш технологик харитаси ва меъёрлар асосида.

2-илова

**Тамаки парваришладан бевосита меҳнат харажатлари(1 гектар
«Дюбек» учун,)**

Кўрсаткичлар	Техника тури	Ўлчав бирлиги	Иш ҳаж- ми	Ишнинг смена нормаси	Жами смена миқдори	Ишнинг тариф разряди	Тариф ставкаси	Иш ҳақи фонди, сўм
Ерни ҳайдаш	T-4a	Га	1	3,5	0,3	VI	789,38	236,81
Чизеллаш	T-4a	Га	1	9	0,1	V	723,37	72,34
Дискалaш	T-4a	Га	1	8,1	0,1	V	723,37	72,34
Бароналaш	MT3-80	Га	1	12,0	0,8	III	600,71	48,1
Молалaш	MT3-80	Га	1	12,0	0,8	III	600,71	48,1
Гўнг ортиш	қўлда	т	1	5	0,2	III	558,93	111,79
Гўнг солиш	T-28	га	1	30	0,03	IV	660,34	19,81
Жўяқ олиш	T-28	га	1	6,9	0,14	IV	660,34	92,45
ўқариқ олиш	T-4a	га	5	13,1	0,38	IV	660,34	250,93
Чим тайёрлаш	қўлда	дона	400	400	1	II	507,83	507,83
Чим ортиш	қўлда	T	1,6	5,0	0,32	III	558,93	178,86
Чим тушириш	қўлда	T	1,6	6,0	0,27	III	558,93	150,91
Чим ташиш	қўлда	Дона	400	500	0,8	III	558,93	447,14
Ўқ ариқ тозалаш	қўлда	Метр	100	115	0,87	IV	614,40	534,53
Экиш олдида суғориш	қўлда	Га	1	0,5	2	VI	734,47	1468,94
Кўчат ортиш ва аравада ташиш		М.дона	50	4,0	12,5	I	461,53	461,53
Кўчат экиш	қўлда	Га	1	0,03	33,3	III	558,93	18612,37
Экишдан сўнг суғориш		Га	1	0,5	0,2	VI	734,47	146,89
Хатосига кўчат экиш		Га	0,10	0,15	0,66	III	558,93	368,89
Чопиқ қилиш: 1-чопиқ		Га	1	0,05	20	II	507,83	10156,6
2-чопиқ		Га	1	0,06	16,6	II	507,83	8429,98
3-чопиқ		Га	2	0,09	11,1	II	507,83	5636,91
Озиқлантириш		Га	1	0,2	10	III	558,93	5589,3
Ўтоқ қилиш 1-ўтоқ		Га	1	0,11	9,1	II	507,83	4621,25
2-ўтоқ		Га	1	0,11	9,1	II	507,83	461,25
катор орасига ишлов бериш	T-28	Га	1	6	0,16	V	723,37	115,74
Суғориш: 1-суғориш		Га	1	0,35	2,86	VI	734,47	2100,58
2-суғориш		Га	1	0,35	2,86	VI	734,47	2100,58
3-суғориш		Га	1	0,6	1,67	VI	734,47	1226,56
4-суғориш		Га	1	1	1	VI	734,47	734,47
5-суғориш		Га	1	1,5	0,67	VI	734,47	492,1
Жами:								69655,88

Манба: Тамаки етиштириш технологик харитаси ва меъёрлар асосида.

**Тамаки барглари йиғиш ва қайта ишлаш харажатлари
(«Дюбек» учун, ҳосилдорлик 32 ц/га)**

Кўрсаткичлар	Улчов бирл.	Иш хажми	Ишнинг смена нормаси	Жами смена миқдори	Ишнинг тариф разряди	Тариф ставкаси сўм	Иш хақи фонди сўм
Барг йиғиш: 1-йигим	Кг	2304	90	25,6	III	558,93	14308,6
2-йигим	Кг	4224	120	35,2	III	558,93	19674,34
3-йигим	Кг	5760	140	41,14	III	558,93	22994,38
4-йигим	Кг	3840	120	32	III	558,93	17885,76
5-йигим	Кг	2688	100	26,88	III	558,93	15024,04
Баргни ортиш	Кг	22400	4000	5,6	III	558,93	3130
Баргни аравада ташиш	Кг	22400	2000	11,2	II	507,83	5687,7
Барг тизиш: 1-тизиш	Кг	2304	55	41,89	II	507,83	21273
2-тизиш	Кг	4224	60	70,4	II	507,83	35751,23
3-тизиш	Кг	5760	60	96	II	507,83	48751,68
4-тизиш	Кг	3840	60	64	II	507,83	32501,12
5-тизиш	Кг	2688	55	48,87	II	507,83	24817,65
Тизилган баргни куритишга ташиш	Кг	22400	600	37,3	III	558,93	20848,09
Вагонга ип илиш	Кг	22400	400	56	II	507,83	28438,48
Туғаноқ қилиш	Туға- ноқ	1179	100	11,79	II	507,83	5987,32
Туғаноқни сақлашга ўтказиш	Туға- ноқ	1179	450	2,62	III	558,93	1464,4
Буғхонани тайёрлаш	Хона	1	1	1	I	461,53	461,53
Туғаноқни узатиш, илиш	Туға- ноқ	1179	400	2,93	II	507,83	1487,94
Туғаноқни тойлашга олиш	Туға- ноқ	1179	240	4,91	II	507,83	2493,44
Баргни ипдан ситиш	Шнур	3748	200	18,74	II	507,83	9516,73
Навга ажратиш 1-нав	Кг	960	10	96	III	558,93	53657,28
2-нав	Кг	1600	15	106,7	III	558,93	59637,83
3-нав	Кг	640	35	18,3	III	558,93	10228,42
1-нав	Кг	960	50	19,2	III	558,93	10731,46
2-нав	Кг	1600	100	16	III	558,93	8942,88
3-нав	Кг	640	280	2,3	III	558,93	1285,54
Тойни ортиш	Т	3.2	4	0,8	III	558,93	447,14
Тойни ташиш ва топшириш	Т	3.2	2,7	1,2	III	558,93	670,71
Навловчига курсатиш	Т	3.2	2	1,6	III	558,93	894,29
Тойни тикиш	Кг	3200	340	9,4	II	507,83	4773,6
Поя уриш (Т-28)	Га	1	5,7	0,18	III	558,93	100,6
Поя териш ва боғлаш, қулда	Га	1	0,2	5	III	558,93	2794,65
Поя ортиш, қулда	Т	15	5	3	III	558,93	1676,79
Поя ташиш, қулда	Т	15	8	1,9	II	507,83	964,88
Жами:							489303,5

Манба: Тамаки етиштириш технологик харитаси ва меъёрлар асосида.

4-илова

**Тамаки етиштиришда иш ҳақи харажатлари
(1 гектар «Дюбек» учун)**

№	Кўрсаткичлар	Сўм
	Бевосита меҳнат харажатлари жами (1+2+3+4+5)	778518,84
1	Шу жумладан: Парник харажатлари	18886,55
2	Тамакини парваришlash харажатлари	68587,47
3	Тамакини йиғиш ва қайта ишлаш харажатлари	489202,9
4	20 фоизлик жорий мукофот (20%)	115335,38
5	Кўзда тутилмаган харажатлар (15%)	86501,54
1	Билвосита меҳнат харажатлари	5721,76
2	20 фоизлик жорий мукофот	1144,35
3	20фоизлик қўшимча иш ҳақи	1144,35
	Жами билвосита харажатлар (1+2+3)	8010,46
1	Бевосита ва билвосита иш ҳақлари (А)+(В) 778518,84+8010,46=786529,3	786529,3
2	37,2 фоизлик бюджетдан ташқари фондлар ажратмаси:	292588,9
	Барча иш ҳақи харажатлари ажратмалари билан бирга (786529,3+292588,9)=1079118,2	1079118,2

Манба: Тамаки етиштириш технологик харитаси ва меъёрлар асосида.

5-илова

**Тамакичиликда моддий – техник воситалар сарфи
(1 гектар «Дюбек» учун)**

Кўрсаткичлар	Миқдори, кг	Баҳоси, сўм	Суммаси, сўм
Уруғликлар	0,120	2500	300
ЁММ сарфи:			
Ш.ж. - дизел ёкилгиси	127,0	105,0	13335
-мотор мойи	5,7	350	1749,9
Ўғитлар: -махаллий	1000	5000	5000
-минерал:			
шундан: А) азотли	43,0	70,0	3010
Б) фосфорли	60,0	120,0	7200
В) калийли	40,0	80,0	3200
Шпагат	24,0	1395	33480
Тойлаш материаллари	130	500	(65000:4)16250
Енгил автомобил бензини (300 кун*20 литр*195 сўм)= 11700000 сўм :1000 га=1170 сўм *0,4 коэф.=468			
Ж а м и	83 992,9		

Манба: Тамаки етиштириш технологик харитаси ва меъёрлар асосида тузилди.

**Асосий воситалар амортизация ажратмалари
(1 гектар учун)**

№	Кўрсаткичлар	Қолдиқ қиймати сўм	Йиллик аморт-я меъёри %	Аморт-я сарфи сўм	Тамакига бориш коэфф.	Суммаси, сўм
1	Т-4а (1000 га учун 7,6 та)	450000	15	513	1,0	513
2	МТЗ-80 (1000 га учун 6 та)	300000	15	270	1,0	270
3	Т-28 (1000 га учун 4 та)	250000	15	150	1,0	150
	Жами:	1000000	X	933	X	933
1	Бўғхона	130000	5	6500	1,0	6500
2	Вагон	100000	5	5000	1,0	5000
3	Кетмон	1800	20	360	0,8	288
	1 га учун 10 та зарур	-		2880		
4	Лейка	5500	20	1100	1,0	1100
	1 га учун 2та талаб этилади	-		2200		
5	Челак	3000	20	600	0,5	300
	1 га учун 5та талаб этилади	-		1500		
6	Фартук	800	100	800	1,0	800
7	Замбар	1000	20	200	0,8	160
	1 га учун 2та талаб этилади	-		320		
8	Пресс	60000	5	3000	1,0	3000
9	Игна	150	20	30	0,8	24
	1 га учун 10та талаб этилади	-		240		
10	Калиш	2500	100	2500	0,6	1500
	1 га учун 4та талаб этилади	-		6000		
11	Совун	300	100	300	0,6	180
	1 га учун 10та талаб этилади	-		1800		
12	Сочиқ	2000	50	1000	0,6	600
	1 га учун 3та талаб этилади	-		1800		
13	Хўжалик идораси	1900000	15	285000:1000га		285
14	УАЗ авто	1950000	15	292500:1000га		292,5
	Х а м м а с и					33550,5

Манба: Тамаки етиштириш технологик харитаси ва меъёрий ҳужжатлар асосида

Насос харажатлари
(1 га «Дюбек» учун, суғориш нормаси-6500 м³)

№	Кўрсаткичлар	Миқдори	Амортизация ажратмаси сўм маси (15%)
1	Насос маркаси	18 НДС	-
2	Баланс қиймати сўм	72000	10800
3	Эл.энергия сарфи	Кв-соат	250
4	Қуввати	М.куб-соат	198
А. Бир гектар экин майдони суғориш учун электр сарфи ҳисоби: а) $6500 \text{ м.куб} - 198 \text{ м.куб-соат} = 32,8 \text{ соат}$ б) $32,8 \text{ соат} \times 250 \text{ кв соат} = 8200 \times 17,1 \text{ сўм} = 140220 \text{ сўм}$ в) амортизация ажратмаси = 10800 сўм Жами = $140220 + 10800 = 151020 \text{ сўм}$			
В. Оператор – мутахассис- 1 киши , «0» разряд билан ойига – 5440 сўм ҳақ тўланади ва йиллик иш ҳақи фонди $5440 \times 12 = 65280 \text{ сўм} + 37,2\% \text{ ажратма} = 89654 \text{ сўм}$			
Жами насос харажатлари: $(A) + (B) = 151020 + 89564 = 240584 \text{ сўм}$			

Манба: Тамаки етиштириш технологик харитаси ва меъёрий ҳужжатлар асосида.